

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

РАҲМОНОВА ШАҲНОЗА МУҲИТДИНОВНА

**XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА АРУЗНИНГ
ПОЭТИК ШАКЛ ВА МАЗМУН ТАКОМИЛИДАГИ ЎРНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш
учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна,
филология фанлари доктори

Тошкент – 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ.	3
I БОБ. XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ҒАЗАЛИЁТИДА ВАЗН ВА МАЗМУН УЙҒУНЛИГИ	14-68
1.1-§. Муттафиқ ул-аркон баҳрлари ва мазмун муносабати.....	14
1.2-§. Давр ғазалиётида мухталиф ул-аркон баҳрларининг истифода этилиш даражаси.....	54
II БОБ. БАЙТЛИ ШЕЪР ШАКЛЛАРИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИ.	69-104
2.1-§. Мустазод, қасидада вазн ва мазмун муносиблиги.....	69
2.2-§. Кичик лирик жанрларнинг вазн хусусиятлари.....	83
III БОБ. БАНДЛИ ШЕЪРЛАРДА АРУЗ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ	105-138
3.1-§. Мусамматларнинг вазн хусусиятлари.	105
3.2-§. Байт асосидаги бандли шеърларнинг ўлчов имкониятлари.	125
ХУЛОСА.	138
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	143

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон шеършунослигида бадий асарларнинг шаклий хусусиятлари, шеър қурилиши, композицияси, мисра, банд, вазн, қофия, бадий тасвир воситалари билан боғлиқ шеърини унсурлар тадқиқи муҳим йўналишни ташкил этади. Аруз тизимида яратилган бадий асарларни таҳлил қилиш, улардаги шеърини ўлчовларни поэтик шакллар ва баҳрлар кесимида ўрганиш, жаҳон тажрибалари асосида шеърини матннинг бошқа шаклий унсурлар: қофия, радиф, тасвирий воситалар билан муносабати, асар мазмуни билан уйғунлигини тадқиқ этиш масалалари адабиётшуносликнинг ривожини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё адабиётшунослигида мумтоз поэтика масалалари, хусусан, аруз тизими ва унинг эволюцион тараққиёти, Шарқ мумтоз шеъриятида аруз тизими, муайян асарлардаги мазмун ва ритм уйғунлигини тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган ва жиддий ютуқларга эришилган. Жумладан, арузий бирликлар: жузв, рукн, баҳр, вазн, тақтиъ, аруз доиралари, вазн кўрсаткичлари сингари назарий тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятлари, таснифи; бадий асарлардаги қофия тизими, бадий санъатлар, уларнинг шеър таркибидаги ўрни, матн билан муносабатига доир масалаларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ XX аср ўзбек шеъриятида аруз тизимининг поэтик шакл такомиллидаги ўрни, лирик жанрларнинг вазн хусусиятлари, уларнинг мумтоз анъаналардан таъсирланиш даражаси, вазн ва мазмун муносабати билан боғлиқ масалаларни ўрганиш бугунги арузшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда мамлакат стратегик ривожининг бош омиллари белгиланар экан, тарихий, маданий, адабий ва санъат асарлари, жумладан, шеърят намуналарини ўрганиш, тадқиқ этиш, улардаги миллий ва маданий меросимизга оид ғояларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш ёш авлод

маънавий камолотида катта аҳамият касб этади. Жамиятда юз бераётган ҳар қандай ислоҳот, аввало, бадиий адабиёт ва маданиятда ўз ифодасини топади, зеро, “адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор” дир¹. Ғазал, мустазод, қасида, рубоий, туюқ, чистон, фардлар халқимиз бадиий тафаккури маҳсули бўлиб, аруз тизимида яратилган ушбу ижод намуналари адабиётимиз мавзу кўлами ва бадииятини ташкил этишда ўзига хос таракқиёт босқичларига эга. Бу ўринда XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриятида аруз тизими алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, аруз тизимининг ўзига хос хусусиятлари ритм ва мазмун, вазн ва қофия, вазн ва радиф каби унсурлар билан ўзаро алоқадорликда намоён бўлади. Шу мақсадда ушбу тадқиқот XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётидаги манбалар (Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижоди)га таянилган ҳолда ижодкорлар девонларидаги аруз тизимига хос жиҳатларни ўрганиш, уларни мумтоз аруз тизими билан қиёслаш, етакчи вазнларни аниқлаш, арузнинг бадиий асар мазмунини очиб беришдаги ўрнини тадқиқ қилишга қаратилгани ҳам диссертациянинг долзарб илмий муаммо ечимига бағишланганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Т., 2017 йил 4 август.

тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” ва БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзланган нутқларидаги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муайян шоир ижоди ёки давр шеърятининг вазн хусусиятларини тадқиқ қилиш ўрта асрлардаёқ мусулмон Шарқи поэтикасида муҳим масалалардан ҳисобланган. Мумтоз поэтика, хусусан, аруз илмига доир рисолаларда баҳрлар ва вазнлар таҳлили билан боғлиқ ўринларда мумтоз арузшунослар томонидан ўз салафлари ёки замондошлари шеърларини мисол қилиб келтириш асносида ўша ижодкор шеърларининг вазн хусусиятлари муайян тарзда ўрганилган. Туркий арузшуносликка доир манбалар: “Фунун ул-балоға”, “Мезон ул-авзон”, “Аруз рисоласи”да кўплаб туркий шоирлар билан бир қаторда форсигўй ижодкорларнинг шеърлари ҳам вазн нуқтаи назаридан таҳлил қилинган¹. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида ёзилишича, Ҳусайн Бойқаро Амир Хусрав Деҳлавийнинг 18 минг байтдан иборат ғазалиётини йиғдириб, бир тўплам ҳолига келтиради ва олимларга уларнинг вазнларини аниқлашни топширади. Хусрав Деҳлавий шеърларининг кўпи мураккаб баҳр ва

¹ Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Тошкент: Хазинов, 1996; Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000; Бобир Заҳриддин. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971.

вазнларда бўлиб, уларни аниқлашда ҳатто баъзи шоирлар ҳам ожизлик қилар эдилар. Хусайн Бойқаронинг топшириғи билан арузшунослар Хусрав Дехлавийнинг ҳар бир шеъри устига шу шеърнинг вазнини ёзиб чиқадилар. Шундан сўнг девон тузишда ҳар бир шеърнинг вазнини қайд этиб қўйиш одат тусига киради¹.

Жаҳон адабиётшунослигида Д.Фролов, И.Стеблева, Н.Чалисова, Б.Сирус, Р.Мусулмонқулов, У.Тоиров, С.Солиҳов, Х.Курбатов, Х.Усмонов, М.Бакиров, А.Жаъфар, З.Ахметов, К.Рисалиев, А.Бекмурадов, Ш.Шомухамедов, Э.Талабов, М.Зиёвуддинова, Г.Тўйчиева, З.Ишик (Zehra Işık) каби олимларнинг илмий изланишларида араб, форс-тожик, туркман, татар, қирғиз, озарбайжон арузига доир назарий қарашлар акс этган бўлса², А.Саъдий, А.Фитрат, И.Султон, С.Мирзаев, У.Тўйчиев, А.Рустамов, А.Ҳожиаҳмедов, С.Ҳасанов, Ҳ.Болтабоев, А.Аъзамов, М.Олимов, Н.Шодмонов, Д.Юсупова, Д.Зоҳидова, В.Қодиров, Л.Шарипованинг тадқиқотларида ўзбек арузининг турли қирралари ёритиб берилган³.

¹ Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 жилдлик. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 535.

² Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. – М.: Наука, 1991; Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранний классический период. – М.: Наука, 1976; Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993; Чалисова Н.Ю. Ватват и его трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии» / Ватват Р. Сады волшебства. – Москва: Наука, 1985; Сирус Б. Арузи точки. – Душанбе: Нашриёти давлатии Тоҷикистон. 1963; Мусулманқулов Р.М. Персидско-таджикская классическая поэтика (VII–XV вв.). – М.: Наука, 1989; Тоиров У. Фарханги истилоҳоти арузи аҷам. – Душанбе: Маориф, 1991; Тоиров У. Становление и развитие аруза в теории и практике персидско-таджикской поэзии. Автор. дисс. доктора филол. наук. – Душанбе, 1997; Солиҳов С. Аруз ва омузиши он. – Душанбе, 2005; Курбатов Х.Р. Метрика «аруз» в татарском стихосложении // Советская тюркология. 1973. – № 6; Усманов Х.У. Тюркский стих в средние века. КГУ. – Казань: 1987; Бакиров М.Х. Закономерности тюркского и татарского стихосложения в свете экспериментальных исследований. Автор. дисс. канд. филол. наук. – Казань, 1972; Джафар Акрем. Особенности азербайджанской поэтической метрики аруза. – Москва: Наука, 1960; Ахметов З.А. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964; Рысалиев К. Киргизское стихосложение. – Фрунзе: 1965; Шомухамедов Ш.М. Форс-тожик арузи. – Т.: ТошДУ, 1970; Талабов Э. Араб арузи. – Т.: ТошДУ, 1977; Талабов Э. Араб шеърятисида аруз тизими. Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т., 2004; Зиявиддинова М. Поэтика в «Мафатих ул-улум» Абу Абдаллаха ал-Хорезми. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990; Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарисида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001; Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. – Т., 2008; Zehra Işık. Özbek Şairi Mevlâna Habibiyy'nin “Divan” Adli Eserinde Bulunan Gazeller Üzerine Tematik Bir Değerlendirme // Folklor Akademi Dergisi. 2019; Zehra Işık. Özbek Şairi Habibiyy'nin Divan'ında Türkiye Türkçesi ile Ortaklaşan Ve Farklılaşan Bazı Sözcükler Üzerine // I. Uluslararası Türk dili ve edebiyati öğrenci sempozyumu (OTUDES) bildiri kitabı. 1 cild. Dil ve folklore. Ordu. Aralık. 2017.

³ Саъдий А. Амалий ва назарий адабиёт дарслари. – Т., 1925; Фитрат. Аруз ҳақида / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 1997; Султонов И. Навоийнинг “Мезон ул-авзон”и ва унинг критик тексти. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1947; Мирзаев С. Навоий арузи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1948; Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. – Т.: Фан, 1981; Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985; Тўйчиев У. Система аруза в узбекской поэзии. Дис. ... докт. филол. наук. – Т., 1987; Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972. – Б. 56; Ҳожиаҳмедов А. Аруз назарияси асослари. – Т.: 1982; Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998; Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи

Шунингдек, Б.Тўхлиев, Н.Жумахўжа, Ш.Сирожиддинов, Н.Жабборов, У.Жўрақулов, И.Адизова, И.Ёқубов, О.Жўрабоевларнинг мумтоз шоирлар ва уларнинг анъаналарини давом эттирган ижодкорлар асарлари таҳлиliga бағишланган тадқиқотларида ҳам поэтика билан боғлиқ фикрлар келтириб ўтилган¹.

Рус ва Европа адабиётшунослигида шеършунослик, хусусан, шеъррий шакл, шеъррий нутқ, ритм, вазн, қофия билан боғлиқ қатор масалалар тарихий поэтика йўналишида тадқиқ этилган².

Бироқ аруз тизимини ўрганиш ва арузшунослик илмининг тарихий тадрижини белгилашда ХХ аср иккинчи ярми ўзбек арузи ҳақидаги яхлит илмий таҳлил ҳануз амалга оширилган эмас. Айнан мана шу давр арузшунослик тараққиёти муаммоси яхлит ҳолда фундаментал ўрганилмаганлиги унинг мустақил илмий объект сифатида тадқиқ қилинишини тақозо этади.

нафосати. – Т.: Фан, 2006; Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисолаши”. Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1972; Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисолаши” асари. – Т.: Фан, 1981; Болтабоев Ҳ. “Рисолаи аруз” ва аруз ҳақида / Мумтоз сўз қадри. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2004; Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. Манба ва талқинлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006; Аъзамов А. Аруз. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006; Олимов М. Рисолаи аруз. – Т.: Ёзувчи, 2002; Shodmonov N. Aruz vazni asoslari. – Qarshi: Nasaf, 2012; Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 2008; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. TA'LIM-MEDIA. – Т.: 2019; Зоҳидова Д. Аруз сабоқлари. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2016; Қодиров В. Ҳозирги замон ўзбек ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1993; Қодиров В. Умумтаълим мактабларида ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. док. (DSc) ...дисс. – Наманган, 2019; Шарипова Л. Асл рукнлар // Тил ва адабиёт таълими. 2013. – № 3; Шарипова Л. ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърятини бадиий тараққиётида фольклор. Филол. фан. док. (DSc) дис. автореф. – Т., 2019.

¹ Тўхлиев Б. “Кутадғу билиг”нинг поэтикаси масалалари / Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989; Тўхлиев Б. Вопросы поэтики «Кутадғу билиг» Юсуфа Хас Хаджиба. – Т., 2004; Жумахўжа Н. Навоий ғазалиёти талқинлари. – Т.: O'zbekiston, 2018; Талқинларда шоирона шуур ва илмий тафаккур // Олтин битиклар. 2019. – № 2; Сирожиддинов Ш. Эркин Воҳидов ижодида ғазал / Эркин Воҳидов ижодини маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Т.: Навоий, 2017; Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2005; Жабборов Н. Миллий руҳнинг бетакрор ифодаси / Эркин Воҳидов ижодини маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Т.: Навоий, 2017; Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: TURON-IQBOL, 2017; Адизова И. Сўзимни ўқиб англағайсен ўзимни. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ; Адизова И. Увайсий ижодида жанрлар такомилли. – Т.: Muharrir, 2011; Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Филол. фан. док. (DSc) дис. автореф. – Т.: 2018; Жўрабоев О. Аруз масаласи ва шеър матни / Матннинг матношти сирлари.– Т.: TAMADDUN, 2017; Жўрабоев О. Мумтоз адабиётда муғаннийнома. – Т.: TAMADDUN, 2016.

² Шенгели Г. Техника стиха. – М.: Гослитиздат, 1960; Шервинский С. Ритм и смысл. – М.: Наука, 1961; Жирмунский В. Введение в метрику. Теория стиха. – Л.: Советский писатель, 1975; Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. Избр. труды. – М.: Наука, 1979; Веселовский А. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989.

Тадқиқотда XX аср шеърлятида аруз тизими шу давр иждокорларининг девонлари ҳамда танланган асарлари мисолида таҳлил қилинаётганлиги сабабли ушбу диссертация шу пайтгача бажарилган тадқиқотлардан фарқланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор” кафедраси истиқбол режаси ҳамда “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклорини тадқиқ этишнинг долзарб масалалари” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлятида аруз тизимининг поэтик шакл такомиллидаги ўрнини Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърляти мисолида ўрганиш; иждокорлар девонларидаги вазнларнинг мазмун билан муносабатини тадқиқ қилиш; байтли шеър шакллариининг вазн хусусиятлари, мазмун уйғунлиги; кичик лирик жанрларнинг вазн ва ўлчов даражалари; бандли шеърларда жанр имкониятларининг истифода этилиши билан боғлиқ масалаларни ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлятида яратилган аруз вазнидаги лирик жанрларни аниқлаш ва тасниф қилиш;

бу давр ғазалиётида истифода этилган *муттафиқ ул-аркон* ва *мухталиф ул-аркон* баҳрларини вазнлар сатҳида ўрганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, мазмун билан муносабатини тавсифлаш;

байтли шеър шакллариининг вазн хусусиятларини ёритиш, уларда вазн, мавзу муносабатини ўрганиш ҳамда кичик лирик жанрлар: рубоий, туюқ, қитъа, фард, чистон ва таърихларнинг жанрий табиатини вазн билан боғлиқликда тадқиқ қилиш;

мусамматларнинг кейинги даврлардаги ўлчов имкониятлари ва жанр муносабатларини асослаш;

байт асосидаги бандли шеърларнинг маснавий, таркиббанд ҳамда таржиббанд билан уйғунлиги сабабларини очиш ва таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърлари асос қилиб олинди. Ўрни билан ушбу даврдаги бошқа шоирлар ижодига ҳам мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг предметини XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлятидаги жанрларнинг вазн имкониятлари ва мазмун уйғунлигини қиёсий аспектда ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-тарихий, тизимлаштириш, тавсифий ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлятида мумтоз лирик турнинг 17 жанри, аруз тизимининг 11 баҳрида ижод қилинганлиги мисоллар асосида исботланган;

аруз тизимидан фойдаланишда Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Нодира, Муқимий, Фурқат каби мумтоз ижодкорларда учрамаган ноанъанавий вазнлар: *ражази мусаддаси солим, ҳазажи мусаммани аштари мусаббағ, ҳазажи мураббаъи солим, ҳазажи мураббаъи мусаббағ, мутадорик мусаммани музол, мутақориби мусаммани аслами мусаббағлар* ҳам истифода этилганлиги аниқланган;

XX аср иккинчи ярми шеърлятида *рубойий* жанр ва вазн хусусиятларига кўра анъанавий (мумтоз) рубойлар; дубайтийлар; тўртликларга ажратилиши, *туюқлар* 1) рамал баҳрида яратилган туюқлар; 2) тажнисга асосланган туюқлар; 3) бармоқ вазнида яратилган туюқларга бўлиниши далилланган;

мустазод жанрининг янги шакллари ноанъанавий тарзда тўлиқ мисра биринчи ва тўртинчи, ярим мисралар эса 2 ва 3 қаторда келиши билан боғлиқ жиҳатлар ойдинлаштирилган; илк марта Чустий ижодида *газали қўш*

мувашишаҳ, мухаммас-мустазод, мухаммас-қасида, мухаммас-марсия яратилганлиги аниқланган; XX аср иккинчи ярми ўзбек аруз тизимида *таркиббандлар* анъанавий марсия мазмунида эмас, балки ишқий мавзуда яратилганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX аср иккинчи ярми ўзбек аруз тизими, туркий мумтоз арузга оид назарий манбалардаги асослар билан уйғунлиги сабаблари ёритилган;

ғазалларда муттафиқ ул-аркон ва мухталиф ул-аркон баҳрларидан фойдаланишдаги ўзига хослик, байтли шеър шаклларининг вазн хусусиятлари, мустазод ва қасидада вазн ҳамда мазмун уйғунлиги, байт асосидаги бандли шеърларнинг ўлчов имкониятларининг умумий ва жузъий хусусиятлари мумтоз манбаларга қиёслаш орқали асослаб берилган;

мумтоз жанрларнинг XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлятидаги вазн ва мазмун уйғунлигини шакллантиришдаги роли ва ўрни ёритилган;

мумтоз аруз тизимида истифода этилмаган вазнлар XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърляти манбаларида қўлланилганлиги қайд қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аруз илми тарихи ва замонавий ривожига оид юртимиз, хорижий мамлакатлар олимларининг фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилганлиги, XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърляти аруз тизими манбалари намуна сифатида ижодкорлар девонларида сақлаб қолинганлиги, бу эса уларни қиёслаш ва хулоса чиқаришга имкон берганлиги, шунингдек, тадқиқот доирасида бирламчи адабий ёзма ёдгорликлар тўлиқ мавжудлиги, қолаверса, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг натижалари ва илмий хулосаларидан туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиёти тарихи, аруз тизими, аруз поэтикаси ва жаҳон шеър тизими, Шарқ мумтоз поэтикасини ўрганишда, арузшунослик йўналишида яратилажак ишлар ҳамда соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, арузшунослик йўналишини янада жадаллаштириш, мавзуга оид тадқиқот ва

монографиялар яратишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан олий таълим тизимида ўзбек филологияси, журналистика факультетлари талабалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Аруз ва мумтоз поэтика асослари”, “Туркий халқлар адабиётини даврлаштириш” фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратиш, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мазмунини такомиллаштириш; факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқиш, арузга оид луғатлар тузиш, фанлар мазмунини назарий хулосалар билан такомиллаштириш, ихтисослик фанларини ўқитишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриясида арузнинг поэтик шакл ва мазмун такомиллидаги ўрни мавзусини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриясида арузнинг поэтик шакл ва мазмун такомиллидаги ўрни ҳамда аруз назариясига оид илмий-назарий қарашлар ОФ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” (2007–2011 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада тизимли тадқиқ этилган. Натижада XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриясида “Фунун ул-балоға”, “Мезон ул-авзон” ва “Аруз рисоласи” каби мумтоз манбаларга таянилган ҳолда миллий арузшунослик назариялари такомиллаштирилган. Давр шоирлари аруз тизимидан фойдаланишда Лутфий, Алишер Навоий, Нодира, Муқимийлар ижодидан таъсирланиш билан бир қаторда, уларнинг шеърларида мумтоз шеъриятимизда учрамаган ноанъанавий вазнлар: *ражази мусаддаси солим*, *ҳазажи мусаммани аштари мусаббағ*, *мутадорики мусаммани музол* вазнлари ҳам истифода этилганлиги билан боғлиқ маълумотларни асослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 89-03-2686-сон маълумотномаси). Натижада XX аср иккинчи ярми ўзбек шоирларининг девонларидаги

шеърлар ва ғазалларнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўзига хос аҳамияти очиб берилган;

рубойй, туюқ жанрларининг жанр ва вазн хусусиятларига кўра, уч гуруҳга бўлиниб тасниф қилинганлиги; байтли шеър шаклларининг вазн хусусиятлари, мустазод ва қасидада вазн ва мазмун уйғунлигига доир назарий қарашлар келтирилганлиги; байт асосидаги бандли шеърларнинг ўлчов имкониятлари ва мусамматларнинг вазн хусусиятлари ўрганилганлиги, шунингдек, Чустий, Собир Абдулла ижодида илк марта мухаммас-мустазод, мухаммас-қасида, мухаммас-марсия мавжудлиги ҳақидаги натижалар А-1-98 рақамли “Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 89-03-2686-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар асосида XX аср иккинчи ярмида яратилган ўзбек шоирларининг девонларидаги аруз тизимидаги шеър ва ғазаллар Алишер Навоийнинг арузга оид қарашларига мослиги, миллий-маънавий ва адабий меросининг ажралмас қисми эканлиги исботини топган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда ва www.academia.edu/RahmonovaShahnoza, www.scholar.google.com/citations?hl=ru&user=GuYqDh0AAAAJ, www.researchgate.net/profile/Shahnoza_Rakhmonova халқаро сайтларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий мақола, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 157 бетни ташкил этади.

І БОБ. XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ҒАЗАЛИЁТИДА ВАЗН ВА МАЗМУН УЙҒУНЛИГИ

1.1§. Муттафиқ ул-аркон баҳрлари ва мазмун муносабати

XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърляти ўзининг мазмун-мундарижаси, ифода шакллари ва бадий-тасвирий воситалари билан ўзбек адабиёти тарихида алоҳида босқични ташкил қилади. Бу даврда шеърлятнинг асосий диққат-эътибори ҳаёт ва кишилар тафаккуридаги ўзгаришларни бутун бўй-басти билан тасвирлашга қаратилди. Зеро, “XX аср ўзбек адабиёти халқ ва жамият ҳаёти билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Бундай алоқа адабиётимизнинг аввалги босқичларида бўлмаган. XX аср ўзбек адабиёти халқ ва жамиятни ўз ортидан етаклаб, уларни ҳуррият ва миллий тараққиёт манзилларига олиб боришга интилди ва бу интилишда муайян ютуқларга эришди”¹.

Бу даврда ўзбек шеърляти поэтик шакл ва жанр, тил ва услуб жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. Бармоқ вазнида битилган анъанавий шеърлар билан бир қаторда мумтоз адабиётимизнинг асосий шеърӣ жанрлари ҳисобланмиш ғазал, рубоӣ, туюқ ва мухаммас каби поэтик шакллардан кенг фойдаланилди.

Ушбу давр шеърлятида Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибий, Собир Абдулла, Набихўжа Нуриллахўжа ўғли Чустий, Асқарали Чархий, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Матназар Абдулҳаким, Абдулла Орипов каби шоирлар маҳорат билан қалам тебратдилар. Уларнинг ижоди мумтоз адабиёт анъаналарини замонавий адабиёт билан бирлаштирувчи кўприк сифатида алоҳида ажралиб туради. Бу ижодкорлар шеърлятида бармоқ вазнида яратилган шеърӣ тўпламлар билан бир қаторда аруз тизимида битилган, мумтоз анъаналаримизга хос бўлган девонлар ҳам тузилганлигини кўрамиз. Ҳабибийнинг “Меҳнат кўшиқлари” (1949), “Кўнгил тароналари” (1957), “Замон Фарҳодлари” (1959) каби тўпламлари замонавий шеърлятнинг тамойилларини ўзида акс эттирса, “Гулзорим гўзал” (1965), “Кўнгил

¹ Каримов Н. XX аср менинг тақдиримда // Jahon adabiyoti. – Т., 2001. – № 1. – Б. 24.

тароналари”, “Танланган асарлар” (1967), “Наврўзи олам” (1973), “Девон” (1971, 1975, 1980), “Умрим гули” (1980) каби тўпламларида мумтоз адабиётимиз анъаналари ёрқин акс этади.

Собир Абдулланинг “Эрк илҳомлари” (1931), “Навбахор” (1931), “Кўклам наъраси”, “Завқ” (1932), “Гулшан” (1939), “Сўз ва соз” (1943), “Давр кўшиқлари” (1949), “Ҳаёт гулшани” (1959), “Ҳаёт кўшиқлари” (1962), “Девон” (1965), “Танланган асарлар” (1975–1976) каби шеърӣ китобларида ҳам ушбу ўзига хослик кўзга ташланади.

XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърӣтида мумтоз адабиётимиз анъаналарини давом эттирган, бу давр адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан яна бири Чустий бўлиб, у йигирмага яқин шеърӣ тўплам нашр эттирган: улар жанр ва услуб жиҳатидан бой ва ранг-барангдир. Унинг “Кўзғол” (1942), “Лолазор” (1945), “Ҳаёт завқи” (1951), “Гул мавсуми” (1969), “Ғазаллар” (1978), “Ёд этинг камтарин Чустийни ҳам” (1984) каби қатор шеърӣ мажмуалари қаторида мумтоз адабиётимиз анъаналаридан озикланган “Ҳаётнома” (1988), “Садоқат гуллари” (1992), “Кўнгил тилаги” (1994), “Муҳаббатнома” (2013) каби девонлари китобхонга Шарқ ахлоқи фалсафасини сингдиришда муҳим ўрин тутди.

“Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий сингари мўътабар сиймолардан кейин мумтоз ғазалиётимизнинг олтин эшиклари абадий бекилади, дея каромат қилишаётганда ёш авлод орасидан биринчилардан бўлиб Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиғ пайдо бўлди”¹. Шоирнинг “Ёшлик девони” гўё “мудраган арузни уйғотиб юборди”. Эркин Воҳидов ўз ғазаллари орқали ўзбек арузи имкониятларини янада кенгайтирган бўлса, Абдулла Орипов шеърдаги яширин ҳикматни ўзбек ғазалхонлари қалбига жойлай олди. Шоирнинг “Танланган асарлар”идаги ғазаллари Шарқ фалсафасининг нодир жиҳатларини ўзида жамлагани билан бетакрордир. Абдулла Орипов таъкидлаганидек, бу давр шеърӣтида аруз тизимидан фойдаланиш силлиқ кечгани йўқ. Бир қанча ўзбек ижодкорлари ва

¹ Орипов А. Сўз сеҳри / Сўз сеҳри. – Т.: Ўзбекистон, 2006. 10-б.

шеършунослари томонидан аруз тизими туркий тилли халқларга ёт деган фикрлар билдирилди. А.Мухтор: “Аруз... ўзбек тили табиатига мос эмас”, деб ёзган бўлса, Ҳ.Ғулом: “Аруз бизнинг туғма вазнимиз эмас. Аруз ўзбек тилидаги шеърнинг формаси эмас. У бизга четдан келган” деган фикрлари орқали аруз тизимининг замонавий ўзбек шеъриятида қўлланилишига манфий муносабат билдирдилар. А.Қаҳҳор тилимизга рус ва Европа халқлари орқали кириб келаётган сўзларни арузда ифодалашнинг имкони йўқлигини таъкидлар экан, “Биз арузни музей экспонати деб ҳисоблаганмиз ва минбаъд ҳам шундай ҳисоблаймиз... Аруз русча ва интернационал калималарни ҳамма вақт ҳам хушлайвермайди, бу сўзлар кўпинча вазни бузади ё ўзи бузилади”, деб ёзди^{1*}.

Туркий халқлар шеършунослиги бўйича тадқиқотлар олиб борган олим М.Ҳамроев ҳам аруз туркий тилларга мувофиқ эмас, у туркий тилли халқлар шеъриятида сунъий равишда ишлатилмоқда, деган фикрларни билдирди². Танқидчи Н.Худойбергановнинг фикрига кўра, “аруз тилдаги товушларнинг узун ва қисқалигига асосланади, ҳозирги замон ўзбек тилида эса бундай хусусият йўқ”³.

Шундай мураккаб бир шароитда аруз ҳимояси учун отланган ўзбек зиёлилари “арузни адабиётимиздан чиқариб ташлаб бўлмаслигини, бу давр арузи ижодий меҳнат билан қайтадан яратилган ва бойитилган, янги поэзияга хизмат эта оладиган аруз” эканлигини таъкидладилар⁴.

¹Бу ҳақда қаранг: Мухтар А. Возвышенное и конкретное // Литературная газета. – Т., 12 ноября, 1955; Ғулом Ҳ. Поэзия ва ҳаёт // Совет Ўзбекистони маданияти. – Т., 1956, 23 май; Қаҳҳор А. Шарҳ ва мундарижа ҳақида / Ёшлар билан суҳбат. – Т.: Ёш гвардия, 1968. – Б. 119–123.

*Шу ва шунга ўхшаш фикрлар Абдулла Қаҳҳорнинг кўп йиллар давомида арузга қарши турган ижодкор сифатида талқин қилинишига олиб келди. Адабиётшунос О.Жўрабоевнинг фикрича, Абдулла Қаҳҳорни “аруз ганимлари деб танилган кимсалар қаторига қўшиб бўлмайди”. Унга кўра, сўз устаси Абдулла Қаҳҳор фақатгина “эстетик завқ бермайдиган, бир қолипдаги сўзлар йиғиндисидан иборат арузий шеърлар”га қарши бўлганлиги, ўзи ҳам мухаммас, китъа жанрини арузнинг рамал, ҳазаж баҳри вазнларида ижод қилганлиги ойдинлашди (батафсил маълумот олиш учун қаранг: Жўрабоев О. Аруз масаласи ва шеър матни / Матннинг матноти сирлари. TAMADDUN. – Т.: 2017. – Б. 114–121).

²Хамраев М. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата, 1963. – С. 94–95.

³Худойберганов Н. Илҳом мевалари // Шарқ юлдузи. – Т., 1969. – № 1. – Б. 202.

⁴Рашидов Ш. Адабий танқид ҳақида // Шарқ юлдузи. – Т., 1956. – № 5. – Б. 104–105; Ҳайитметов А. Аруз ҳақида // Совет Ўзбекистони маданияти. – Т., 1956, 14 апрель; Маллаев Н. Яна аруз ҳақида // Совет Ўзбекистони маданияти. – Т., 1956 йил 20 июнь. 2-б.

Болаликдан мумтоз анъаналарга муҳаббат ва ҳурмат туйғуси билан тарбияланган бир гуруҳ ижодкорларнинг аруз тизими асосида яратилган девонлари вужудга келди. “Классик адабиётимизга ҳурмат кўзи билан караганимдан аруз вазнининг ўйноқи, киши қалбига тез етиб борувчи турларидан ижодий фойдаландим ва уни янада ривожлантиришга интилдим”, деб ёзади Чархий ўз таржимаи ҳолида¹.

Маълумки, шеърӣ асарнинг муҳим ва асосий унсурларидан бири вазн бўлиб, у “назмдаги сатрларга ягона усул (ритм) бағишлайди”². Мумтоз ижодкорларимиз асарларининг шеърӣ ўлчовини тадқиқ этиш шоирларимизнинг ҳар бир шеърда асардаги ғоя ва образга мувофиқ вазн танлаганларидан далолат беради. “Чунончи, ҳаёт ва жамият, инсон ва муҳаббат, шоир тақдири, ҳижрон аламлари ҳақидаги теран фалсафӣ мушоҳадалар вазмин, салобатли вазнлар воситасида ифодаланса, маҳбуба тавсифи, ошиқнинг эҳтиросли кечинмалари енгилроқ, жозибадор оҳангдаги байтларда мужассамлантирилади, вафо ва садоқат тантанаси эса шўх ва ўйноқи ритмга асосланган мисраларда тараннум этилади”³.

Шеърӣ асар вазнини белгиловчи асосий омиллардан бири бу лирик жанрдир. Ижодкор муайян асари учун вазн танлар экан, унинг қайси жанрда яратилишини ҳам назарда тутаяди, чунки ҳар бир жанр ўз вазн доирасига эга бўлади. Баъзи жанрларнинг вазн имкониятлари кенг бўлиб, улар аруз тизимининг исталган вазнида, баъзи жанрлар эса аввалдан белгилаб қўйилган вазнлар доирасида битилади.

Вазн имкониятлари кенг бўлган лирик жанрлардан бири ғазалдир. Мумтоз адабиётимиз тарихида ғазал битмаган ижодкорни топиш қийин. Насируддин Рабғузӣнинг “Қисаси Рабғузӣ” асарида бошлаб ибтидо топган туркий ғазал кўп асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтди.

¹ Чархий. Таржимаи ҳол / Қиёлаб ўтди: шеърлар. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б. 4.

² Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972. – Б. 3.

³ Ҳоҷиаҳмедов А. Фурқат арузи / Фурқат ижодиёти. – Т.: Фан, 1990. – Б. 83.

Маълумки, ғазал арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси “аёл кишига хушомад қилмоқ”, “ошиқ бўлмоқ”дир¹. “Ғазал Шарқ адабиётидаги ўзига хос жанрлардан бири. У араб адабиёти асосида шаклланиб, кейинчалик форсий ва туркий муҳитда жуда кучли даражада ривожланди. Ўзбек адабиётида уни олий чўққига олиб чиққан ижодкор Алишер Навоийдир”². Илк ўзбек ғазалиётдан тортиб кейинги даврларгача яратилган ғазаллар кўпроқ арузнинг *рамал* баҳрида бўлган.

Агар мумтоз адабиётдаги ижодкорлар шеърляти кузатиладиган бўлса, улар ижодида аруз тизимидаги вазнлар миқдорининг турличалигини кўриш мумкин. Масалан, Навоий ғазаллари 13 баҳр доирасидаги 100 га яқин вазнларда яратилган бўлса³, Огаҳий ғазал ёзишда 50 дан ортиқ вазнлардан фойдаланган, Фурқат арузи эса 21 вазни ўз ичига олади⁴. Бу кўрсаткич Ҳабибий ижодида 39 (2-иловага қаранг), Чустийда 24 (3-иловага қаранг), Собир Абдуллада 22 (4-иловага қаранг), Чархийда 17 (17-иловага қаранг), Эркин Воҳидов ғазалиётида 11 (1-иловага қаранг), Абдулла Ориповда 4, Матназар Абдулкимда 11 (18-иловага қаранг), Жамол Камолда 8 (19-иловага қаранг) тани ташкил қилади. Ижодкорлар ўз шеърлари учун мос вазн танлар эканлар, шеърдаги мавзу, ғоя ва образларнинг вазн билан мутаносиблашишига катта эътибор берганлар. Шу жиҳатдан маълум бир ижодкор шеърлятининг вазн хусусиятлари ҳақида сўз юритишда мазмун вазнга боғлиқ эканлигини ҳисобга олиш лозим. “Шеър вазни унинг мазмуни билан бевосита алоқадордир. Бу алоқа турли шаклларда намоён бўлади ва унга таъсир кўрсатувчи кўплаб омиллар мавжуд. Вазннинг “оғир”, “енгил”, “ўйноқи”, “сокин” бўлиши бевосита мазмунга ҳам таъсир қилади”⁵.

¹Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Наука, 1958. – С. 721.

²Тўхлиев Б. Ғазал ва уни таҳлил қилиш методикаси / ALISHER NAVOIY VA XXI ASR (xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari). – Т.: MASHNUR-PRESS, 2019. – Б. 239.

³Юсупова Д. Алишер Навоий арузининг тараққиёт босқичлари // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Т.: Navoiy universiteti NMU, 2019. – Б. 104.

⁴Ҳоҷиаҳмедов А. Огаҳий даҳосининг олмос кирралари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999; Ҳоҷиаҳмедов А. Фурқат арузи / Фурқат ижодиёти. – Т.: Фан, 1990. – Б. 83.

⁵Наджибуллоҳи А. Аруз и соотношение метра и содержания в персидско-таджикской поэзии. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Душанбе, 2016. – С. 9.

Бу жиҳатни қуйидаги йўналишларда амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ижодкор шеъриятида қўлланилган барча вазнлар сони ва шу вазнлар асосида яратилган шеърӣ жанрлар миқдорини аниқлаш.

2. Ижодкор шеърларидаги вазнларнинг мумтоз адабиётда қўлланиш доирасига эътибор бериш (яъни мумтоз адабиётда бу вазнларнинг қайсиларига кўпроқ мурожаат қилинган, қайсиси кам ёки умуман қўлланилмаган).

3. Мумтоз шеъриятда кам қўлланилган ёки умуман қўлланилмаган вазнларнинг мумтоз рисолаларда келтириш ўрнига эътибор қаратиш.

4. Маълум бир асарнинг шеърӣ ўлчовини аниқлашда уни фақат баҳрлар доирасида эмас, балки баҳр таркибидаги вазнлар доирасида ўрганиш. Масалан, Ҳабибийнинг “Келди ёр” ғазалининг ўлчовини аниқлашда уни фақат ражаз баҳрида эканлигини айтиш билан чекланиб қолмасдан, қайси вазнда эканлигини ҳам аниқ кўрсатиш лозим.

Аруз тизимида ҳар бир баҳр бир неча вазнларни ўз ичига олади. Бу вазнлар бир баҳрга мансублигидан қатъи назар, ўзига хос оҳангга эга. Масалан, ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаммани солим* вазни сокин ва вазмин оҳанг касб этса, худди шу баҳр таркибидаги *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзүф* энгил ва ўйноқи оҳангда эканлиги билан характерланади. Бу вазн *ҳазажи мусаммани солим*га мос бўлган маҳзун туйғулар ифодасини “кўтара олмайди”. Худди шу фикрни ражаз баҳрининг *ражази мусаммани солим* ва *ражази мусаммани матвийи маҳбун* вазнларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Шу нуқтаи назардан ғазалларнинг баҳрлар таркибидаги вазнлар кесимида тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқ.

Арузга доир туркий рисолаларда баҳрлар икки гуруҳга бўлиниб, тасниф қилинади. Хусусан, Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи”да баҳрлар муттафиқ ул-аркон (бир хил аслий рукнлардан ташкил топган) ва мухталиф ул-аркон (турли аслий рукнларнинг такроридан ҳосил бўладиган) баҳрларга

ажратилган¹. Баҳрларни бу тарзда тасниф қилиш уларнинг ўзига хос хусусиятлари (қандай рукнлардан таркиб топганлиги)ни ўзлаштиришга кўмаклашиш билан бирга ушбу баҳрларнинг оҳанг имкониятларини фарқлашга ҳам ёрдам беради.

Дастлаб биринчи гуруҳга мансуб баҳрларнинг XX аср иккинчи ярми шеърлятида қўлланилиш даражаси билан танишамиз. Туркий шеърлятида муттафиқ ул-аркон гуруҳига *рамал*, *ҳазаж*, *ражаз*, *мутақориб*, *мутадорик*, *комил* баҳрлари киради. Кузатишларимиз асносида Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий девонларидаги ғазалларда ушбу гуруҳнинг барча баҳрлари, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ғазалларида, асосан, *рамал* ва *ҳазаж* баҳрлари истифода этилганлиги маълум бўлди. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1.1-жадвалга қаранг):

1.1-жадвал

XX аср II ярми шеърлятида қўлланилган муттафиқ ул-аркон баҳрлари

№	Баҳр номи	Эркин Воҳидов	Ҳабибий	Собир Абдулла	Чустий	Абдулла Орипов	Жами
1.	Рамал	71	177	143	238	15	644
2.	Ҳазаж	30	102	81	214	7	434
3.	Ражаз	-	10	3	17	-	30
4.	Мутақориб	-	3	-	16	-	19
5.	Мутадорик	-	1	-	-	-	1
6.	Комил	-	1	-	-	-	1
Жами:		101	294	241	485	22	1129

Жадвалдаги маълумотлардан кўриняптики, давр шеърлятида ушбу баҳрлар орасида *рамал* баҳри қўлланилиш жиҳатидан биринчи ўринда турар экан. Бинобарин, XX асргача бўлган шоирлар ижодида ҳам *рамал* баҳри кенг қўлланилган.

Алишер Навоий “туркий” деб атаган ушбу баҳр ундан кейинги барча ғазалнавислар ижодида ҳам етакчи бўлиб қолди. Ҳозирги замон ўзбек

¹Қаранг: Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Т.: Ҳазина, 1996. – Б. 147; Бобур Заҳриддин. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 24.

шоирлари ғазалларида ҳам бу баҳр вазнлари ўз шухратини йўқотгани йўқ¹. Дарҳақиқат, ўзбек адабиётида арузнинг бошқа баҳрларида ҳам ғазаллар яратилган бўлса-да, ўзбек ғазалиётида энг кўп мурожаат қилинган баҳр бу *рамал* баҳридир.

“Туянинг лўкиллаши”² деган маънони англатувчи *рамал* баҳри шеърятимизда жуда кенг қўлланилган ўлчов тури бўлиб, асосини *фоилотун* аслининг айнан такрори (*фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун*) ташкил қилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Аруз рисоласи” (“Мухтасар”) асарида *рамал* баҳрининг “эллиқ тўққиз вазн, ўттиз бир мустаъмал, йигирма саккиз мухтараъ, ўн икки вазн мустаъмали матбуъ” эканлигига эътибор қаратиб, унинг 59 вазнига мисоллар келтиради³. Тожик адабиётшунос олими У.Тоировнинг фикрича, *рамал*нинг шаклланиши, асосан, халқ оғзаки ижоди кўшиқлари билан боғлиқ ходисадир ва Ҳирот ҳукмдорлари даврида мазкур баҳр алоҳида кўшиқ жанри ҳисобланган⁴.

Адабиётшунос олимларимиз туркий шеърятда *рамал* баҳрида ёзилган илк шеърлар Носириддин Рабғўзийнинг “Қисаси Рабғўзий” асарида учрашини айтадилар. Тадқиқотимиз натижасида Ҳабибийнинг 325 та ғазалидан 177 таси, Собир Абдулланинг 272 та ғазалидан 143 таси, Чустийнинг 518 та ғазалидан 238 таси, Эркин Воҳидовнинг 108 та ғазалидан 71 таси, Абдулла Ориповнинг 22 та ғазалидан 15 таси мазкур баҳр вазнларида яратилганлиги маълум бўлди.

А.Ҳожаҳмедов *рамал* баҳри кўшваззли ва кўп ваззли ўлчов гуруҳлари – шаҳобчаларидан ташкил топганлиги, кўшваззли ўлчовлардан ҳар бири икки вазни ичига олса, кўп ваззли шаҳобчалардаги шеърларнинг ҳар қайсиси 8 тагача вазнда ёзилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ғазалиётида ҳам *рамал* баҳрининг кўшваззли ва кўп ваззли ўлчов гуруҳлари

¹Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърятини жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 32.

²Ҳожаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 110.

³Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 145.

⁴Тоиров У. Становление и развитие аруза и теории и практике персидско-таджикской поэзии // АДД. – Душанбе, 1997. – С. 112.

учрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX аср иккинчи ярми ғазалиётида рамал баҳрининг қўшваззли ўлчов турлари кўп вазнлига нисбатан устунлик қилади. Таҳлил жараёнида Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ўз ғазалиётида рамал баҳрининг 10 та вазнидан кенг фойдаланганлиги ойдинлашди. Ушбу вазнларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1.2-жадвалга қаранг):

1.2-жадвал

Рамал баҳри вазнлари

№	Вазн номи	Эркин Воҳидов	Ҳабибий	Собир Абдулла	Чустий	Абдулла Орипов	Жами
1.	Рамали мусаммани маҳзуф	54	127	99	201	13	494
2.	Рамали мусаммани мақсур	13	32	13	14	2	74
3.	Рамали мусаммани машкул	-	2	-	1	-	3
4.	Рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф	-	3	2	1	-	6
5.	Рамали мусаммани маҳбуни мақсур	-	2	-	-	-	2
6.	Рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ	-	2	-	-	-	2
7.	Рамали мусаддаси маҳзуф	4	6	27	18	-	55
8.	Рамали мусаддаси мақсур	-	-	2	3	-	5
9.	Рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф	-	2	-	-	-	2
10.	Рамали мусаддаси маҳбуни мақсур	-	1	-	-	-	1
Жами:		71	177	143	238	15	644

Кўринадикки, қайд этилган вазнлар орасида *рамали мусаммани маҳзуф* ўлчови етакчилик қилади. *Рамали мусаммани маҳзуф* (–V – –/–V – –/–V – –/–V –) вазни дастлаб уч рукн *фоилотун* (–V – –) ва охириги рукн *фоилун* (–V–) дан ташкил топади. Бу вазн аруз тизимидаги энг хушоҳанг вазнлардан бири бўлиб, Алишер Навоий ўзининг “Мезон ул-авзон” асарида халқ орасида машҳур бўлган “қўшиқ” номли куйнинг ушбу вазн билан мос келишини таъкидлайди: “...бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамал мусаммани маҳзуф вазнига элитиб, мусикий ва адвор илмида мулойим таъблиқ беназир йигитлар ғариб нағамот ва алҳон била ажаб тасарруфлар қилиб, Султони Соҳибқирон мажлисида айтурларким, анинг мулойимлиғ ва

хушояндалиғи васфқа сиғмас ва таъсир ва рабояндалиғи сифатқа рост келмас...”¹.

Заҳириддин Бобур эса ўзининг “Аруз рисоласи”да “Бу вазн форсийда ва туркийда кўп шойиъдур. Мавлоно Абдурахмон Жомий бу вазнда бисёр айтибтур. Мир Алишер Навоийнинг худ жамиъ ўзга вазнда айтқон ашъори била бу вазнда айтқон ашъорининг лошаҳ борғай. Султон Ҳусайн Мирзонинг девонида ушбу вазндан ўзга вазн йўқтур². Хожа Хусрав Дехлавийнинг “Даръёйи аброри” бу вазндадур... Улуғ шоирлар лаҳу аксар татаббуъ килибтурлар, Мир Алишер Навоийнинг “Тухфат ул-афкор”ининг матлабича кам воқиъ бўлубтур”, – деб таъкидлайди³. А.Ҳожиаҳмедов ушбу вазнда яратилган ғазаллар “Шашмақом”га мансуб 52 куйга мос тушишини кузатишимиз мумкин” – деб таъкидлайди⁴. “*Рамали мусаммани маҳзуф* вазни Алишер Навоий ижодида энг кўп истифода этилган бўлиб, “Ҳазойин ул-маоний”даги 2600 ғазалдан 1101 таси ушбу ўлчовда битилган”⁵.

Кузатишимизча, Ҳабибийнинг 127 та, Собир Абдулланнинг 99 та, Чустийнинг 201 та, Эркин Воҳидовнинг 54 та, Абдулла Ориповнинг 13 та ғазали *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида бўлиб, улар анъанавий ғазал қоидаларига асосланган.

Эркин Воҳидовнинг *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида ёзилган ғазалларида мазмун ва шакл бирлигини, ғоя ва образлар мутаносиблигини ва шеър талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир байтнинг ўзига хослигини кўрамиз. Шоирнинг “Ёшлик девони” учун “Дебоча” бўлган ғазалда ҳам ушбу вазн юксак маҳорат билан қўлланилган:

*Истадим сайр айламоқни,
Мен ғазал бўстонида,
Кулмангиз не бор сенга деб,
Мир Алишер ёнида⁶...*

¹ Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 71.

² Аслида бу фикр нисбий. Ҳусайн Бойқаро девонида ушбу вазндан ташқари, ҳазаж, мутақориб баҳрида яратилган ғазаллар ҳам учрайди.

³ Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 146.

⁴ Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 111.

⁵ Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. –Т.: ТА’LIM – MEDIA, 2019. – Б. 26.

⁶ Воҳидов Э. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. – Т.: “ШАРҚ” НМАК, 2000. – Б. 114.

Шоир мазкур вазндаги ғазалларида мумтоз арузни замонавий оҳанглар билан уйғунлаштирди, кўп ҳолларда соф туркий сўзларни, кишилиқ олмошларини радиф вазифасида қўллаб, “туркий” деб аталган вазннинг мазмунга мутаносиб бўлишига алоҳида эътибор қаратди. Унинг “Менга” радифли ғазалида ридфи аслийли мурдаф қофия -лик туркий қўшимчаси билан бирликда вазни белгилашга хизмат қилган:

Барча шодлик сенга бўлсин,

Бор ситам зорлик менга.

Барча дилдорлик сенгаю,

Барча хушторлик менга¹.

Шеърятда кам учрайдиган қўш қофия усули тазод санъати билан уйғунлашиб, матлаънинг шоҳбайт даражасига кўтарилишига замин ҳозирлаган. Ҳар икки рукндан сўнг ритмик паузанинг келиши ғазал оҳангининг енгил чиқишига олиб келган.

Эркин Воҳидов ўз ғазалларида бир сўзни алоҳида таъкидлаш орқали бир неча марта қайтариш усулидан, яъни тақрир санъатидан унумли фойдаланади. Бунга иқрор бўлмоқ учун “Гулчехралар” радифли ғазалида “гул” сўзини тақрорлаш орқали қай даражада мазмундорликка ва таъсирчанликка эришилганини кўришимиз мумкин:

Гул бўлиб, гул- гул ёниб,

Гулшан аро Гулчехралар,

Гул узиб ўйнар қўйиб,

Гулга бино Гулчехралар².

Бу каби ўйноқи оҳанг, лутф ва нафосат Эркин Воҳидов услубига хос. Шоирнинг бу ғазали лафзий санъатлар гуруҳининг энг яхши намуналаридан биридир. Ғазалда шоир *ўхшатиш*, *иштиқоқ*, *ийҳом*, *тавзиъ*, *тажнис* каби лафзий санъатларни бир нуқтага жамлай олган. “Билгилки, – деб таъкидлайди Атоуллоҳ Хусайний, – лафзий гўзалликларнинг асоси

¹Воҳидов Э. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. – Т.: Шарқ НМАК, 2000. – Б. 116.

²Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ НМАК, 2018. – Б. 101.

улдурким, алфозни маънога тобиъ қилғайлар”¹. Шунингдек, “Хаёл”даги “Мен хаёлни шеърга солдим, ўйпараст бўлма ва лек, Бесамар бўлса сени, бир кун хароб айлар хаёл” каби ҳаққоний фикрлар, “Рост қалам тимсоли шеър, тимсоли тиғ, тимсоли ҳақ, Бошини минг кесдилар бош эгмади асло қалам” байтидаги қалам образининг янги маъно касб этиши, “Ширин” ғазалидаги “Севгининг дарди фақат беишқ учун бегонадир. Ишқ ёр бўлса фирок чекканда ҳатто ғам ширин” сатрларидаги чинакам ошиқлик билан боғлиқ туйғуларнинг туркона оҳанг асосидаги бадиий тараннуми шоир маҳоратини кўрсатиб берувчи омиллардандир.

Абдулла Ориповнинг эса “Сочларинг ёймай туриб” деб бошланувчи ғазали мумтоз шеърятимизга хос хусни матлаънинг гўзал намунасидир. Бунда ташбеҳ ҳам, тазод ҳам фикрнинг санъаткорона ифодасига хизмат қилган.

*Сочларинг ёймай туриб
Тушган қоронғу тун эмас,
Тишларингни кўрмайин
Тонг ҳам оқарган кун эмас*².

Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ушбу ғазалнинг бирор ўрнида сакталик учрамайди. Теран мазмун ва гўзал бадиият уйғунлиги, оҳорли ташбеҳ ва бетакрор моҳият мутаносиблиги шоир ғазалларининг ютуғини таъминлаган бош омилдир³. Шунингдек, мазкур вазндаги “Билан” радифли ғазалда Абдулла Орипов “Игна билан қудуқ қазимок” мақолини кўллаб, биринчи мисрада айтилаётган фикрни “оталар сўзи” билан далиллаш воситасида ўзига хос образ яратишга эришган:

*Шеър ёзиш тенгдир қудуқни
Игнада қазган билан,
Ё эса ундан юмиб қўз
Ипни ўтказган билан*⁴.

¹Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъ-ус-санойиъ. Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 35.

²Орипов А. Танланган асарлар. VII жилд. – Т.:Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2013. – Б. 114.

³Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2015. – Б. 22.

⁴Орипов А. Танланган асарлар. – Т.: “SHARQ” НМАК, 2019. – Б. 581.

Ҳабибий ва Собир Абдулланинг ҳам *рамали мусаммани маҳзуф*да битилган шеърлари, асосан, ишқий мавзуда бўлиб, уларнинг аксарияти ёрга мурожаатдан иборат. И.Стеблеванинг фикрича, “вазн конкрет шеърнинг асосий ғояси билан алоқадор бўлган ва шунинг учун шоирлар томонидан танлаб олинган”¹. Қуйидаги байтларга эътибор берсак:

*Кўнглим ором олмагай бир лаҳза, бир он, келмасанг,
Талпинур ҳар дам танимдан чиққали жон, келмасанг².*

Ёки:

*Кўкка боқдим, сен каби иссиқ ситора кўрмадим,
Ерда монанд ахтариб, қилдим назора, кўрмадим³.*

Ушбу байтларда лирик қаҳрамоннинг аламли туйғулари, умид ва илтижолари маъшуқага мурожаат тарзида ифодаланган. Ҳабибийнинг ушбу вазнда ёзилган яна “Ишқ дарси”, “Ўт”, Собир Абдулланинг “Нола чекди”, “Орази гул”, Абдулла Ориповнинг “Тоғ аро балққанда сен...”, “Оҳким тушганда кўз...” каби ғазаллари ҳам мазмун жиҳатидан юқоридагиларга яқин.

Маълумки, муножот ғазаллар Аллоҳдан нажот сўраш мазмунини билдирувчи ғазаллар туркуми ҳисобланади. *Рамали мусаммани маҳзуф* вазни ҳамд ёки муножот мазмунидаги ғазаллар истифодаси учун ҳам ниҳоятда қулайдир. Ушбу вазнда кўплаб шоирларнинг муножот мазмунидаги шеърлари ёзилган. Хусусан, Абдулла Ориповнинг “*То сени*” деб номланувчи ғазали ҳам мазкур ўлчовда яратилган. Шоир ғазалда “*сени*” деган радифни танлаш орқали Аллоҳга мурожаат қилар экан, то уни қалбан ҳис қилгунича ягоналик хусусиятини инсонлардан ёки бошқа бандалардан қидиради. Аслида танҳолик фақат ўзигагина хослигини таъкидлар экан, Аллоҳни таниганидан кейин дунёни таниганлигини, унинг танҳолигини англагандан кейин эса ўзлигини англаганлигини эътироф этади:

Кимнидир танҳо дедим мен

Топгунимча то Сени,

¹Стеблева И. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993. – С. 131.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 184.

³ Абдулла С. Девон. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Бадий адабиёт, 1965. – Б. 93.

Во ажаб, дунёни топдим,

Англагач танҳо Сени.

Ғазал учун танланган “сени” радифи айни пайтда унинг вазнини танлашига ҳам замин ҳозирлаган. Зеро, “*то сени*” сўзи рамал баҳрининг фоилун тармоғига мос келади.

Чустийнинг мазкур вазнда ёзилган ғазаллари эса, асосан, ахлоқий-таълимий мавзуда бўлиб, унда панд-насихат руҳи етакчилик қилади:

Зийрак ўлсин душманингу дўсту нодон ўлмасин,

Нотавон ақлингга айт, бу сўзга ҳайрон ўлмасин¹.

Одатда, аруз илми қоидаларига асосан, ғазал матлаъси ва жуфт мисралар асосий вазнда ёзилгани ҳолда, тоқ мисралар кўшимча (шу вазнга яқин) ўлчовда битилиши мумкин. Ушбу ғазалда ҳам матлаъ *рамали мусаммани маҳзуф*да, 5-байтнинг тоқ мисраси эса *рамали мусаммани мақсур* (–V – –/–V – –/–V – –/–V ~)да ёзилган.

Фойдали бўлса сўзинг халқингни айла баҳраманд,

Вақти келганда гапир, оғзингда талқон ўлмасин.

Чустийнинг *рамали мусаммани маҳзуф*да ёзилган

Кўзларим нури Фароғат ўн сакиз ёшиндадур,

Ўн сакиз минг олам илҳоми унинг бошиндадур²

матлаъли ғазали Алишер Навоийнинг

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,

Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур³

(“Бадоеъ ул-васат”, 156-ғазал)

матлаъли ғазалига татаббуъ сифатида ёзилганини аниқлашимиз осон кечади. Бу орқали Чустий Алишер Навоий ижодидан сабоқ олган ва ғазал ёзиш маҳоратини оширган. Ҳар иккала ғазал *рамали мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун* –V – –/–V – –/–V – –/–V –) вазнида ёзилган. Навоий ғазалининг мақсад-моҳияти ўн саккиз ёшдаги ёр

¹Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 175.

²Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 278.

³Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. ТАТ. 10 жилдлик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.3. – Б. 85.

малоҳатини васф этишга қаратилган. Чустий Алишер Навоий ғазалининг вазни ва мавзусига мос ижод қилган. Қофиялар эса қуйидагича:

Алишер Навоийда:	Чустийда:
1) бошиндадур	1) ёшиндадур
2) ёшиндадур	2) бошиндадур
3) қошиндадур	3) йўлдошидадур
4) наққошиндадур	4) наққошиндадур
5) тошиндадур	5) қошиндадур
6) хуффошиндадур	6) бардошиндадур
	7) ошиндадур
	8) фаррошиндадур
	9) ёнбошиндадур
	10) тошиндадур

Чустий ғазал байтларини 9 тага етказган. Ғазалда *ёшиндадур*, *бошиндадур*, *наққошиндадур*, *қошиндадур* каби қофиялар такрорланган. Чустий Алишер Навоий қўллаган мурдаф қофиянинг оҳангдорлигини ҳам сақлаган.

Бу давр шеъриятида қўлланилган рамал баҳрига доир навбатдаги вазн *рамали мусаммани мақсур* (–V – –/–V – –/–V – –/–V ~) ҳам ўзбек шеъриятида жуда кенг тарқалган ўлчовлардан бўлиб, оҳанг жиҳатидан ёқимли ва мумтоз куйларга мос тушади.

Икки қошинг ўсма бирлан

Бўлди жуфт нарғисли барғ,

Икки баргинг қошида мен

Титрагайман мисли барғ¹.

Ёки:

Тўғри бўл, дўстим, агар бўлсин десанг таъбингни чоғ,

То абад яйраб яшарсан халқ аро эркин фароғ².

¹Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “Sharq” НМАК, 2018. – Б.71.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б.144.

Ёки:

*Жаҳд қилдим, ўйладим кўп, топмадим танҳо илож,
Жон кўнгул, ё бер саволимга жавоб, топ ё илож*¹.

Ёки:

*Боши осмонга етишди энг баланд кошона Чуст,
Ишни кенг майдонда қойил айлади мардона Чуст*².

Диққат қилинса, байтлардаги охирги хижонинг ўта чўзиқлиги (*барг, чоғ, фароғ, илож, илож, Чуст, Чуст*) маълум бўлади. Чунки **чоғ, фароғ, илож** сўзлари таркибидаги “о” чўзиқ унлиси, иккинчи байтдаги **барг, Чуст** сўзи эса қатор ундош билан ифодалангани учун ўта чўзиқ хижони келтириб чиқарган. Талаффузда хижоларнинг қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқлиги вазнга мувофиқ ўқилишида кўринади. Чустийнинг мазкур вазндаги “Ағёр ёр”³ радифли шеъри тажнисли ғазал ҳисобланиб, *рамали мусаммани мақсурда* яратилган шеърлар орасида алоҳида ажралиб туради. Бу ғазални шоирнинг ўзи “Ҳаётнома” девонида *газали туюқ* деб атаган⁴. В.Қодиров эса кўш тажнисли қофияда ёзилган дея эътироф этади⁵. Чунки ғазалда аксарият ҳолларда радиф тажнис, яъни омоним сўз бўлиб келган. Масалан:

Қалбини қилсанг мусаххар бўлгуси агёр ёр,

*Кўнглидан чиқсанг билиб қўй, сенга бўлмас ёр, ёр*⁶.

Матлаънинг биринчи мисрасидаги “ёр” дўст, ёр маъносида, кейинги мисраларда эса “маъшуқа”, “севикли ёр” тарзида келишини кузатишимиз мумкин. Шу тариқа ғазалда радиф тажнис ҳолида қўлланади. Ғазал учун танланган *рамали мусаммани мақсур* вазни унинг хушоҳанглигини таъминлаган.

Бу даврда *рамали мусаммани мақсур* вазнида ёзилган ғазаллар орасида мумтоз адабиётимиз тарихида учрамайдиган *газали қўш мувашиаҳ* жанрида

¹Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 53.

²Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 303.

³Изоҳ: Собир Абдуллада ҳам “Ёр-ёр” радифли шеър учрайди. Лекин унинг вазни бармоқда бўлганлиги сабабли таҳлил объектига тортмадик.

⁴Қаранг: Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 270.

⁵Қодиров В. Ҳозирги замон ўзбек ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дис. – Т., 1993. – Б. 27.

⁶Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 303.

битилган шеър ҳам мавжудлиги кузатилди. Ушбу ғазал Чустий қаламига мансуб бўлиб, шоирнинг дўсти Асғарали Чархийнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан яратилган. Шоирнинг ўзи бу ҳақда “Садоқат гуллари” девонида “шоири нозик хаёл, фозилу баркамол азиз дўстим ва биродарим домла Асғарали, яъни Мавлоно Чархийнинг ёшлари 70 га тўлиш муносабати билан табрик тариқасида бу арзимас қўш мувашшаҳ ва шарафли йил тарихини абжад ҳисоби билан машқ қилиб манзури назир этиш умидида тақдим этмоқ каминага ҳам муяссар бўлганлигидан фахрланиб чексиз шодлик изҳор этаман, — деб таъкидлайди¹.

Ғазалнинг мувашшаҳ тури ҳақида назарий адабиётларда маълумотлар бор. Хусусан, О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвиддиновларнинг “Ўзбек классик шеърляти жанрлари” китобида *ғазали мувашшаҳ* ҳақида шундай дейлади: “Мувашшаҳ адабий термин сифатида махсус бир усул – санъат бўлиб, шеърнинг байт ва мисраларидаги биринчи ҳарфлар олиб тизилса, уларнинг бирикмасидан маълум бир исм – сўз ҳосил бўлади. Бу усул ғазал, мураббаъ, мухаммас ёки бошқа жанрлардаги шеърларда қўлланиши мумкин. Мувашшаҳ қўлланилган ғазал *ғазали мувашшаҳ* деб номланади². Шунингдек, У.Тўйчиев, Р.Орзибеков, Ё.Исҳоқов, Д.Юсупова каби адабиётшунос олимлар ҳам ғазалнинг *ғазали мувашшаҳ* тури борлиги ҳақида фикр айтадилар³. Лекин *ғазали қўш мувашшаҳ* мавжуд эканлиги ҳақида назарий маълумотлар келтирилмайди. Чустийнинг

Ассалом, эй нутқи комил шоири нозик хаёл,

Назму насру ҳажвия бобида нодир баркамол⁴

сингари матлаъ билан бошланувчи *ғазали мувашшаҳ*идаги тоқ мисралар бошидаги ҳарфларни жамласак, “*Асғарали Чрхийга*”, жуфт мисралар бошидаги ҳарфларни жамласак эса, “*Нбихон Чустийдн*” ҳосил бўлади. Араб

¹ Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 121.

² Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 76.

³ Қаранг: Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019.

⁴ Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 121.

ёзуви хусусиятларига кўра, сўзлардаги қисқа “а” унлилари тушириб қолдирилган. Ушбу қисқа “а” унлисини ўз ўрнига қўйсак, “*Асгарали Чархийга*”, “*Набихон Чустийдан*” деган жумлалар келиб чиқади. Ва бу ҳолат ҳар бир мисралар ўзаро мувашшаҳ санъатини пайдо қилаётганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, яна бир эътиборга молик жиҳат: ғазалнинг мувашшаҳ тугагандан кейинги қисми давом этиб, таърих санъатини ўзида акс эттирган. Биз таърих жанри ҳақида ишимизнинг кейинги фаслида батафсил тўхталишимизни ҳисобга олиб, бу ўринда фақат *таърих*нинг муайян бир тарихий воқеа ёки ҳодисани абжад ҳисоби асосида келтириб чиқаришга асосланишини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Бошқадан кутма дединг, эй, Чустий, бу таърих ҳақин,

Бир юзу ўн иккени етмиш яшар Чархийдан ол¹.

Келтирилган байтда моддаи таърих “*етмиш яшар Чархий*” бўлиб, уни абжад асосида ҳисоблаб чиқсак ва ундан 112 ни чиқариб юборсак, 1972 қолади. Яъни, Чархийнинг юбилейи нишонланган сана 1972 йил эканлиги маълум бўлади. Шу маънода биз мазкур шеърни шартли равишда *газали мувашшаҳи таърих* деб аташ тарафдоримиз. Чунки бу шеърда ҳам ғазал, ҳам мувашшаҳ, ҳам таърих хусусиятлари бирлашиб кетган. Мумтоз адабиётимиз тарихида бундай ҳодисанинг учрамаслиги ушбу давр шеърятининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб берувчи яна бир муҳим омилдир.

Навбатдаги вазн рамал баҳрининг кўшваззли ўлчов тури *рамали мусаммани машкул* (VV – V/ – V – – /VV – V/ – V – –) бўлиб, ўқилиш жиҳатидан оғир вазнлардан ҳисобланади. Саккизта қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг кетма-кет гуруҳланиб такрорланиши ўзига хос мураккабликни вужудга келтирганлиги сабабли мумтоз адабиётимизда бу вазн у қадар кўп истифода этилмаган. Бинобарин, “ўзининг ритмик хусусиятлари нуқтаи назаридан номатбуъ ҳисобланувчи бу вазндан классик шоирларимиз ижодида жуда кам фойдаланилган”². Рамали мусаммани машкулнинг таркибини

¹Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 122.

²Хожааҳмедов А.Фурқат арузи /Фурқат ижодиёти. – Т.: Фан, 1990. – Б. 87.

фоилотун аслининг машкул (1- ва 3-рукн) тармоғи *фаилоту* (VV – V) ҳамда солим (2-ва 4-рукнлари) кўриниши *фоилотун* (– V – –) ташкил қилади. Ҳабибийнинг “Бахтиёр”, “Қора кўз”, Чустийнинг “Садағанг бўлай, нигорим” ғазаллари мазкур вазнда ёзилган. Ушбу ўлчов Собир Абдулла, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ғазалиётида учрамайди.

Чустийнинг “Садағанг бўлай, нигорим” шеъри ғазалнинг *ғазали қитъа* турига мансубдир. “Ғазали қитъа шакл жиҳатидан қитъага ўхшаб кетади. Ундай ғазалнинг матлаъси қитъадагидек ўзаро қофияланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам қитъа ғазал ёки ғазали қитъа деб юритилган”¹. У ғазал ва қитъанинг хусусиятларини ўзида бирлаштиради. Ғазали қитъа тахаллуснинг мавжудлиги, ғазал сингари кўп мавзуларни ўзида қамраб олиши ва ҳажм имкониятлари жиҳатидан ғазални эслатса, қитъага ўхшаб фақат жуфт мисраларда қофиянинг мавжудлиги уни қитъага яқинлаштиради. Шу маънода ғазали қитъа жанрини ғазал ҳамда қитъа орасидаги ҳосила жанр дейиш мумкин.

Ғазали қитъа ўзбек адабиётида кам бўлса-да, баъзи шоирлар ижодида учраб туради. Бу жанрдаги асарлар ўрта асрлар адабиётида жуда кам яратилган. Фақатгина санокли ижодкорларгина бу ғазал турига мурожаат қилганлар. Ғазали қитъа жанри дастлаб Машраб ижодида кузатилса, кейинчалик Алмаий, Ҳамза, Собир Абдулла ижодида ҳам қўлланилганлигини учратиш мумкин. Чустий ҳам бу анъанани давом эттириб, “Садағанг бўлай, нигорим” ғазали қитъанинг гўзал намунасини рамал баҳрининг мураккаб ўлчовида яратди. Лекин шоир унда сўзларни шундай маҳорат билан қўлладики, натижада, оғир оҳангга мансуб деб қараладиган мазкур вазн Чустий қаламида ўйноқилик касб этди. Мисол сифатида ғазали қитъанинг 2 байтини келтирамиз:

Сени яйратар диёрим, садағанг бўлай, нигорим,

Қарашинг менинг мадорим, бу томонга бир қараб қўй.

¹Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 72.

*Менга йўқ гуноҳни илма, бери кел узоққа жилма
Гўзалим баҳона қилма, бу томонга бир қараб қўй¹.*

Шу ўринда ғазалнинг вазнини белгиловчи асосий омил сифатида радифнинг ҳам аҳамиятини таъкидлаш зарур. Ғазали қитъа учун танланган “бу томонга бир қараб қўй” радифи бир вақтнинг ўзида унинг вазни танланишига ҳам сабаб бўлган, яъни ушбу радиф *фаилоту* (VV – V) *фоилотун* (– V – –) тақтиъсига мос келади, бошқача айтганда, унинг *рамали мусаммани машкулда* ёзилишини тақозо этади. Ғазали қитъадаги шўх оҳангни таъминлаган омиллардан яна бири васл ҳодисасидир. Маълумки, васл ҳодисаси бу вазн талаби билан айрим ёпиқ ҳижола охиридаги ундош товушни ундан кейин турган ва унли товуш билан бошланган ҳижога қўшиб юбориш бўлиб, натижада, ўта чўзиқ ҳижо чўзиқ ҳижога, чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айланади². Ғазалнинг 3-байтига эътибор қаратсак:

*Очиқ айтаман бу сўзни, биласанми бу рамузни,
Уялиб қочирма кўзни, бу томонга бир қараб қўй.*

Келтирилган байтда *очиқ* сўзидаги “қ” ундоши вазн талаби билан ўздан кейин келаётган *айтаман* сўзидаги “ай” ҳижоси билан бирикиб, васл ҳосил қилади ва “қай” тарзида ўқилади. Алалоқибат, оҳангда енгиллик ва ўйноқилик ҳосил бўлади. Ҳабибийнинг:

*Ҳама бахтиёру эркин не ажаб гўзал замона,
Ҳама дилда бир муҳаббат, ҳама тилда шўх тарона³*

матлаъси билан бошланувчи ғазали ҳам рамалнинг машкул тармоғида яратилган бўлиб, Чустий ғазали сингари енгил оҳангда ёзилган. Ғазалдаги аксарият байтлар *фаилоту* *фоилотун* *фаилоту* *фоилотун* рукнларида битилган. Лекин 2-, 5-, 6-байтларининг биринчи мисралари *рамали мусаммани машкули мусаббағ* (VV – V/ – V – – /VV – V/ – V – ~)да ёзилганки, юқорида бу ҳолат ҳақида айтиб ўтилди.

¹Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 161.

²Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 44.

³Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 283.

Рамал баҳрига хос навбатдаги вазн *рамали мусаммани махбуни маҳзуф* (VV – –/VV – –/VV – –/VV –) ҳисобланади. Бу давр шеърятда ушбу вазнга кўп мурожаат қилинмаган. Бу ўлчовда Ҳабибий уч, Собир Абдулла икки ва Чустий 1 та ғазал битган. Ҳабибийнинг бу вазнда битилган “Ишламасанг” радифли ғазали қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Тишламоқ борму ҳалол ош ила нон, ишламасанг,

Элга кенг, тор бўладур сенга жаҳон, ишламасанг¹.

Байтнинг вазн асосини фоилотун аслининг солими (биринчи), махбун тармоғи *фаилотун* (иккинчи, учинчи рукнларда) ҳамда махбуни маҳзуф тармоғи *фаилун* (тўртинчи рукнларда) ташкил этади. Ғазалдаги 3-байтнинг биринчи мисраси *фоилотун фаилотун фаилотун фаилон* тарзида ифодаланган.

Собир Абдулланинг ғазали қитъаси ҳам мазкур вазнда битилганлигини кузатиш мумкин. Эътиборли жиҳати, Собир Абдулла ҳам ушбу вазн учун “*ишламоқ*” феъли билан боғлиқ радифни асос қилиб олади. Агар Ҳабибийда юқорида кўрганимиздек, радиф сифатида “*ишламасанг*” феъли танланган бўлса, Собир Абдулланинг шеърида “*ишлар эдик*” радифи асос қилиб олинган. Ҳар иккала шеърдаги радиф “– VV –” тақтиъсига мос келади. Бу ўз-ўзидан шеърнинг *рамал* баҳрига хос махбун тармоғида яратилишини талаб қилади, чунки тақтиъдаги сўнгги уч ҳижо *фоилотун* аслий рукнининг махбуни маҳзуф (VV –) тармоғига хосдир. Ғазали қитъа биографик характерга эга бўлиб, шоирнинг ўз замондошлари бўлмиш Улфат, Анисий, Бокий, Маҳжур ва Ҳабибийлар билан биргаликдаги ижод онлари, мумтоз адабиёт мутолааси билан боғлиқ жараёнларни акс эттиради. Муаллиф илк сатрларданок Ҳазрат Навоийнинг “Чор девон”ини зўр муҳаббат билан ўрганишга киришганларини таъкидлар экан, ўзи ва атрофдагиларни гўё бу ажойиб “гулшан ичра” сайр қилаётган сайёҳларга ўхшатади:

“Чор девон” гулшани ичра кезибон бир неча ой,

Қилибон сайру тамошо, туну кун ишлар эдик.

¹Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 143.

*Билибон лаҳзада ҳар сатрини биз бир мактаб,
Шеърят бобида зўр касбу фунун ишлар эдик¹.*

Ғазал матлаъсидаги биринчи мисра аруз тизимининг *рамали мусаммани махбуни мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фаилотун фаилотун фаилон* –V– –/VV – –/VV – –/VV ~), қолган мисралар *рамали мусаммани махбуни маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фаилотун фаилотун фаилун* –V– –/VV – –/VV – –/VV–) вазнидалигини белгилаш мумкин. Арузшунос Д.Юсупова “*Рамали мусаммани махбуни маҳзуф (мақсур)*” вазнининг “биринчи рукни баъзан, “*фаилотун*” тарзида ҳам келиши мумкин, яъни биринчи мисра *фоилотун* билан бошланса, кейинги мисра *фаилотун* билан бошланади (ёки аксинча) ва бу ҳолат рамал баҳрининг махбун тармоғидаги барча вазнларга тегишлидир”, – деб таъкидлайди². Дарҳақиқат, юқоридаги сатрларда биринчи ва тўртинчи мисраларнинг садри, яъни илк рукнлари *фоилотун* (– V – –) тармоғида бўлса, иккинчи ва учинчи мисралар *фаилотун* (VV – –) билан бошланяпти ва бу ўзига хос оҳангни вужудга келтиряпти. Бу ҳолатни Чустийнинг шу вазнда ёзилган ғазали орқали ҳам кузатиш мумкин:

*Ватаним жону таним, жону танимдир Ватаним,
Деганим жону дилим, жону дилидан деганим³.*

Матлаъ байтга эътибор берсак, вазн асосини *фоилотун* аслининг махбун тармоғи *фаилотун* (биринчи, иккинчи, учинчи рукнларда) ҳамда махбуни маҳзуф тармоғи *фаилун* (тўртинчи рукнларда) ташкил этган. Ғазалдаги 2-, 7-, 8-байтлар ҳам *фаилотун фаилотун фаилотун фаилун* оҳангида ўқилади. Фақат ғазалнинг 3-, 4-, 5-байтларида эса биринчи рукн *фаилотун* эмас, балки *фоилотун* яъни *фоилотун фаилотун фаилотун фаилун* тарзида ифодаланади. Қуйида 3-байтни келтирамиз:

*Даврада рақс этибон мазмун эли мафтун этар,
– V– –/VV – – /VV – – /VV –*

¹ Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадий адабиёт, 1965. – Б. 83.

² Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. –Т.: ТА’LIM – MEDIA.2019. – Б. 29.

³ Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 63.

Эғнида маъни ҳаририю, рамуз гул баданим.

– V – – /VV – – /VV – – /VV –

Кўриниб турганидек, байтнинг биринчи рукнида *фолотун* (–V – –) қўлланилган. 3-байтда эса вазн талаби билан васл ҳодисаси юзага келган. Байтдаги 3-рукнда қўлланилган “мазмун” сўзидаги “н” ундоши ундан кейин турган “эл” хижосига уланиб, “нел” тарзида, 4-рукндаги “тун” хижоси охиридаги “н” ундоши эса ундан кейин келган “э” унлисига бирикиб, “не” холида ўқилиши лозим. Шунингдек, ғазалнинг 6-байти биринчи мисрасидаги дастлабки рукн *фолотун* (–V – –)да, иккинчи мисранинг рукни эса *фаилотун* (–V – –) кўринишида келган. Қуйида 6-байтни тақтиъ асосида таҳлил қиламиз:

Ғунчасин зав/қи фикр¹бул/булини сай/ратади,

– V – – /VV – – /VV – – /VV –

Ватаним сах/нида ҳар бай/тим эрур бир/ чаманим.

VV – – /VV – – /VV – – /VV –

Рамали мусаммани махбуни мақсур вазни ҳам XX аср иккинчи ярми шеърятда Ҳабибий ижодида (2 ўринда) қўлланилган. Ушбу вазн *рамали мусаммани махбуни маҳзуфдан* охирги хижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланади. Ҳабибийнинг “Аяжон” радифли ғазали қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Меҳрингиз тушди дилу жоним аро, жон аяжон,

Ўргилай жону дилим сизга фидо, жон аяжон².

Байтга эътибор берилса, вазн асоси *фолотун* аслининг солими (биринчи), махбун тармоғи *фаилотун* (иккинчи, учинчи рукнларда) ҳамда махбуни маҳзуф тармоғи *фаилон* (тўртинчи рукнларда)дан иборатлиги ойдинлашади. Ғазалдаги тоқ мисралар *фолотун фаилотун фаилотун фаилун* тарзида ифодаланади. Юқоридаги байтнинг 3-рукнида қўлланилган “*жоним*” сўзидаги “м” ундоши ундан кейин турган “а” хижосига уланиб,

¹ Изоҳ: аслида, мумтоз аруз қонуниятларига кўра, “**фикр**” сўзи ўта чўзиқ, яъни бир чўзиқ ва бир қисқа хижо тарзида белгиланиши керак эди. Лекин бу ўринда вазн талаби билан қонуниятдан чекинишга тўғри келади: “фикр” сўзини “**фikir**” деб белгилаймиз.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 249.

“ма” тарзида талаффуз қилиниши лозим. Ғазалдаги васл ҳодисаси бошқа байтларда ҳам учрайди. Шеърятимиздаги ёқимли оҳанглардан бири бўлган *рамали мусаммани мақтуъ* вазни XX аср иккинчи ярми, хусусан, Ҳабибий шеърятда (3 марта) учрайди. Шоирнинг “Саломат келди” ғазали қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Маҳвашим сайри чаман қилди саломат келди,

*Мен учун айни шараф айни саодат келди*¹.

Ғазал *рамали мусаммани махбуни мақтуъ* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фаилотун фаилотун фаълун VV – /VV – /VV – / – –*) да ёзилган. Мазкур вазн юқорида келтирилган *рамали мусаммани махбуни маҳзуф* ҳамда *рамали мусаммани махбуни мақсурдан* охирги рукннинг ўзгариши билан фарқланади², яъни охирги рукн *фаълун* (– –) тарзида келади.

Бу давр шеърятда *рамал* баҳрининг олти рукнли (мусаддас) ўлчовларига ҳам мурожаат қилинган бўлиб, улар, асосан, ишқий мавзуларда. Ошиқнинг ички тугёнлари тасвирида ижодкорларга *рамали мусаддаси маҳзуф* (Ҳабибий 6 та, Собир Абдулла 27 та), *рамали мусаддаси мақсур* (Собир Абдулла 2 та), *рамали мусаддаси махбуни маҳзуф* (Ҳабибий 2 та), *рамали мусаддаси махбуни мақсур* (Ҳабибий 1 та) вазнлари қўл келган (2-, 3-, 4-иловаларга қаранг).

XX аср иккинчи ярми шеърятда *ҳазаж* баҳри қўлланилиш жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Ҳабибийнинг юқорида тилга олинган 291 та ғазалидан 100 та, Собир Абдуллада 287 тадан 79 та, Чустий 621 та ғазалидан 221 та, Эркин Воҳидовнинг 108 ғазалидан 30 та, Абдулла Ориповда 22 тадан 7 та шеъри мазкур баҳр вазнларида битилган. “Ҳазаж” арабча сўз бўлиб, “овозни ёқимли қилиш” деган маънони ифодалайди. Заҳириддин Бобур ўзининг “Аруз рисоласи”да: “Ҳазаж баҳри юз беш вазн, олтмиш бир мустаъмал, қирқ тўрт мухтараъ, ўн тўққиз мустаъмали матбуъ”, – деб таъкидлайди³. Шеърятимизда *ҳазаж* баҳрининг олти, саккиз, ўн икки

¹Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 306.

²Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. –Т.: ТА’ЛИМ – МЕДИА. – Б. 31.

³Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 123.

рукнли вазнлари кўп қўлланилган. XX аср иккинчи ярми ғазалиётида, жумладан, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижодида ҳам мана шу анъана давом эттирилган (1.3-жадвалга қarang).

1.3-жадвал

Ҳазаж баҳри вазнлари

№	Вазн номи	Эркин Воҳидов	Ҳабибий	Собир Абдулла	Чустий	Абдулла Орипов	Ҳами
1.	Ҳазажи мусаммани солим	15	59	34	152	6	266
2.	Ҳазажи мусаммани мусаббағ	1	4	2	8	1	16
3.	Ҳазажи мусаммани аштар	3	3	3	6	-	15
4.	Ҳазажи мусаммани ахраб	3	3	2	8	-	16
5.	Ҳазажи мусаммани аштари мусаббағ	-	-	1	-	-	1
6.	Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф	6	3	21	15	-	45
7.	Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур	-	1	2	-	-	3
8.	Ҳазажи мусаддаси маҳзуф	-	21	14	20	-	55
9.	Ҳазажи мусаддаси мақсур	-	5	3	5	-	13
10.	Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф	1	2	-	-	-	3
11.	Рубоий вазни	-	1	-	-	-	1
Ҳами:		30	103	82	214	7	434

Бу вазнлар орасида қўлланилиш доирасига кўра *ҳазажи мусаммани солим* ўлчови XX аср иккинчи ярми шеърлятида етакчидир. Ушбу ўлчов мусулмон Шарқи шеърлятида, асосан, маҳзун туйғуларни, фалсафий мушоҳадаларни баён қилишга қулай вазн ҳисобланади. А.Ҳожиаҳмедов *ҳазажи мусаммани солим*ни сокин вазн деб атайди. Унинг фикрича, ушбу вазн мумтоз шоирлар ижодида қўлланилиш жиҳатидан *рамали мусаммани маҳзуф* вазнидан кейин иккинчи ўринда туради¹. Ҳазажи мусаммани солимнинг асосини қисқа ҳижодан сўнг уч чўзиқ ҳижо келишига асосланган *мафойилун* аслининг *солим* тармоғи ташкил қилади. *Ҳазажи мусаммани*

¹ Қarang: Ҳожиаҳмедов А. Фурқат арузи / Фурқат ижодиёти. – Т.: Фан, 1990. – Б. 83.

солим “Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”сида анча кенг қўлланиб, ҳазаж баҳри вазнлари ичида биринчи ўринни эгаллайди”¹. Мазкур ўлчовда Ҳабибий 59 та, Собир Абдулла 34 та, Чустий 152 та, Эркин Воҳидов 15 та, Абдулла Орипов 6 та ғазал яратган.

Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг ҳазаж баҳридаги ғазалларида ҳам муҳаббат мавзуси етакчилик қилади. Эркин Воҳидовнинг “Тонг ғазали”, “Ишқ истилоси”, “Дуторим тори иккидур”, “Муҳаббат бирла”, “Рашким”, Абдулла Ориповнинг эса “Сени ёд айлаган чоғим...”, “Бу ишқ сиррин...” каби кўплаб ғазаллари *ҳазажи мусаммани солим* вазнида яратилган.

Сени ётлар тугул ҳатто – қилурман рашк ўзимдан ҳам,

*Узоқроқ термулиб қолсам бўлурман гаши кўзимдан ҳам*²

деб бошланувчи Эркин Воҳидовнинг “Рашким” ғазалининг лирик қаҳрамони – ошиқ. Бунда ошиқ тимсолидаги лирик қаҳрамон ёрини “ётлар тугул ҳатто ўзидан ҳам рашк қилади”. Унинг рашки шунчалар кучлики, бундай ҳис унинг лоладек қизарган юзларидан ҳам “аён бўлгай”.

Кўзим ёнгай сенга нарғис – кўзин тикса чаманларда,

Яширмам, лолага рашким аён бўлгай юзимдан ҳам.

Шоирнинг “Устоз Ҳабибийга” ғазалида эса юқоридаги каби ишқ ва ошиқлик савдоси билан боғлиқ кечинмалар эмас, балки шоирнинг 80 ёшли устозига самимий истаклари ўз аксини топган.

Муборак, домла, саксон ёши, умрга битта боб ўлсин,

*Кўнайсин боблару саксонга боблик бир китоб ўлсин*³.

Эркин Воҳидовнинг ушбу вазнда муножот ғазали ҳам ёзилган. Ғазал учун танланган “Кечир, ё Раб, кечирдим мен” радифининг ўзи вазни белгилашда асос бўлиб хизмат қилган. Чунки бу ерда “*Кечир, ё Раб, кечирдим мен*” сўзлари *мафоиълун*, *мафоиълун* аслий рукнларида ёзилишни тақозо қилади.

¹Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 202.

² Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “SHARQ” НМАК, 2018. – Б. 207.

³ Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б. 65.

*Менга тош отди бир жоҳил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен,
У қулдир, бандаи гофил,
Кечир, ё Раб, кечирдим мен¹.*

Ғазалнинг оҳангдорлигини таъминлайдиган яна бир ҳолат бу мисралар ўртасида ички қофиянинг келишидир. Хусусан, *жоҳил, гофил, одил, қотил, мойил, жо қил, дохил, нокомил* кабисўзлар ўзаро қофиядошдир.

Ҳабибийнинг “Айлар” радибли ғазалида ҳам радифнинг вазн яратишдаги аҳамияти кўзга ташланади:

*Мени кўрса кулиб ёрим қўл ушлаб сарфароз айлар,
Мабодо бўлса азёрим тагофил бирла ноз айлар².*

Бу ғазалда шоирнинг вазн устида ишлаш маҳорати яққол кўринади. Унда “*айлар*” радифининг ридфи аслийли қофия билан ёнма-ён келиши шеър оҳангининг жозибадор чиқишига хизмат қилган. Ғазалнинг матлаъ байти *ҳазажи мусаммани солим* (рукнлари ва тақтиъи: *мафойилун мафойилун мафойилун V — — — /V — — — /V — — — /V — — —*) вазнида яратилган бўлиб, 3-рукнда қўлланилган “қўл” сўзидаги “л” ундоши ундан кейин турган “уш” ҳижосига уланиб, “луш” тарзида талаффуз қилинишини тақозо этади. Васл ҳодисасига ғазалдаги бошқа байтларда ҳам дуч келиш мумкин.

Собир Абдулланинг ушбу ўлчовда яратилган “Қилдим” радибли ғазалида эса дилрабонинг гул юзини кўриш ҳавасидаги ошиқ ўзини “чаманга андалибдек соҳиб нафас” қилгани халқона усулда баён этилади:

*Қачонким гул юзингни дилрабо, кўрмак ҳавас қилдим,
Чаманда андалибдек ўзни мен соҳиб нафас қилдим³.*

Чустий мазкур ўлчовда ёзилган ғазалида қуёш ёр хуснини ҳар куни томоша қилиш учун саёҳат қилишини ва унинг хуснига ҳеч ким тенг келолмаслигини таъкидлайди:

¹ Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “SHARQ” НМАК, 2018. – Б. 416.

² Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 95.

³ Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 92.

*Қуёш ҳуснинг томоша қилгали ҳар кун саёҳатда,
Жаҳонда сенга ҳеч ким тенг эмас ҳусну малоҳатда¹.*

Ҳазажнинг хушоҳанг вазнларидан бири *ҳазажи мусаммани аштар* (– V – /V – – –/ – V – /V – – –) бўлиб, мафойилун аслининг биринчи ва учинчи рукнларда аштар тармоғи: фоилун (– V –)га ҳамда иккинчи ва тўртинчи рукнлар эса солимига тенг. *Ҳазажи мусаммани аштар* юқорида келтирилган *ҳазажи мусаммани мусаббағга* нисбатан шеърятда анча кенг қўлланилган. Бу ўлчовдаги дастлабки шеърлар Бобур ижодида кузатилади. Шоир ўзининг “Аруз рисоласи” асарида бу вазни “мустваъмали матбуъ”, яъни ёқимли ўлчовлар қаторида санайди ҳамда туркий шеърга мисол тариқасида ягона ғазалини келтиради². Заҳириддин Бобур ижодий анъаналари Ҳабибий (3 та), Собир Абдулла (3 та), Чустий (5 та), Эркин Воҳидов (3 та)ларнинг бу вазндаги бир қанча ғазаллари яратилишига асос бўлиб хизмат қилган:

*Эй қаро кўзим, ул кун ўзни ошкор этдинг,
Кўз учида бир боқдинг, дил қушин шикор этдинг³.*

Ёки:

*Ваъдага вафо қилди, чўлга берди даврон сув,
Васл ила этиб мамнун ташна ерни жонон сув⁴.*

Агар эътибор қаратилса, ушбу вазн юқорида тилга олинган бошқа вазнлардан фарқ қилиб, мисра ичидаги кичик ритмик паузага эгалиги аёнлашади. Яъни ҳар икки рукн (мафъувлу, мафойилун)дан сўнг мисра ичида кичик тўхтама (пауза) рўй беради, бу бевосита сўз билан рукннинг тенг келиши ҳисобига амалга ошади, бошқача айтганда, бармоқ вазнидаги тuroк сингари мисра ўртасида бўлиниш юз беради. Эркин Воҳидов ғазали асосида бу ҳолатни текширсак:

*Ёрми кўзгуга боққан / ёрга ё боқар кўзгу,
Ёр юзини кўрганда/ сув бўлиб оқар кўзгу⁵.
Фоилун мафойилун / фоилун мафойилун.*

¹Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 142.

²Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 204.

³Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 169.

⁴Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 36.

⁵Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: Шарк, 2019. – Б. 107.

Навбатдаги вазн *ҳазажи мусаммани аштари мусаббағ* бўлиб, XX аср иккинчи ярми шеърлятида унга фақат Собир Абдулла мурожаат қилган. Унинг “Шайх” радибли ғазали ушбу вазнга мисол бўла олади. Мазкур ўлчов ўзбек мумтоз адабиётида деярли қўлланилмаган. Бу вазн номи Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Захириддин Бобурнинг “Аруз рисоласи”да ҳам келтирилмаган. Фитрат, А.Ҳожаҳмедов ва Д.Юсуповалар тадқиқотларида ҳам мазкур вазн ҳақида маълумот берилмайди. Фақат тожик олими У.Тоиров “Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам” асарида *ҳазаж* баҳрига тўхталиб, Пайрав ижодидан *ҳазажи мусаммани аштари мусаббағ* вазнига кўйидаги байтни мисол сифатида келтиради:

*Эй бародари чоий, кардай маро хандон,
Лек дурият карда музтариб маро чандон
фоилун мафойилун фоилун мафойилон*

– V – / V – – – / – V – / V – – ~¹

Ҳазажи мусаммани аштари мусаббағ вазнини *ҳазажи мусаммани аштардан* охирги ҳижонинг ўта чўзиқлик хусусияти ажратиб туради.

Халқ кўзин/ бўяб, ютгай,/ коми наф/си аждар шайх,

– V – / V – – – / – V – / V – – ~

Халқа-ю/ зикирсиз ҳам/ доимо/ “музаффар” шайх².

– V – / V – – – / – V – / V – – ~

Ҳажвий мавзуга бағишланган ушбу ғазалда биринчи мисрадаги “*халқ*” сўзи чўзиқ ҳижо тарзида қўлланилган. Аслида, мазкур сўз мумтоз аруз назариясига биноан ўта чўзиқ ҳижо ҳисобланади.

Мафойилун аслининг ахраб ва солим тармоғи кетма-кет такрорланишидан ҳосил бўлувчи ўлчовлардан яна бири *ҳазажи мусаммани ахраб* (– – V/V – – – / – – V/ V – – –)дир. “Шашмақом”нинг “Бузрук”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ироқ” мақомлари тароналари ушбу ўлчовда ёзилган шеърларга басталанган”³. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида ушбу ўлчов

¹Қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – Б. 470.

²Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 147.

³Ҳожаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 206.

ҳазаж баҳрининг ёқимли вазнлари қаторида санаб ўтилиб, мисол сифатида қуйидаги байт келтирилган:

*То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.
Мафъувлу мафоъийлун мафъувлу мафоъийлун¹.*

Ҳабибийнинг 3 та, Собир Абдулланинг 2 та, Чустийнинг 7 та, Эркин Воҳидовнинг ҳам 3 та ғазали *ҳазажи мусаммани ахраб* вазнига хос. Масалан, қуйидаги матлаъ байтларнинг биринчи, иккинчи рукни мафоийлун аслининг ахраб тармоғи – *мафъувлу* (– – V) ва шу аслининг солим (V – – –) кўринишидан пайдо бўлган:

*Гул бўйларини богдан келтирган эй шаббода,
Дилдорга нома ёздим, еткур уни ҳавода².*

Ёки:

*Эй Нодираи даврон, мен лафзи ҳалолингдан,
Сен фикру хаёлимда, маҳв этма хаёлингдан³.*

Келтирилган байтлар таҳлилида Эркин Воҳидов ғазалининг 5-байти биринчи мисраси ва Чустийнинг эса 3-байти биринчи мисраси *ҳазажи мусаммани ахраби мусаббағ* вазнида ёзилганлиги ойдинлашди. Охирги ҳижонинг ўта чўзиқ (V – – ~)лиги уни бошқа вазнлардан фарқлашга асос бўлади.

Ҳазажи мусаммани ахраби мусаббағ Эркин Воҳидов, Чустий қўллаган *ҳазажи мусаммани ахраб* ўлчовидаги бошқа шеърлар қофияланмайдиган мисраларда анча кенг истифода этилган. Таъкидлаш жоизки, туркий адабиётда Алишер Навоийнинг *ҳазажи мусаммани ахраби мусаббағ* вазнида яратилган қуйидаги ғазали мавжуд бўлиб, у “Бадойиъ ул-васат” девонидан ўрин эгаллаган:

*Бог ичра сочди гул оқ-у қизил яфроқ,
Шаҳ бошига андоқким эл оқ-у қизил ёрмоқ⁴.*

(“Бадойиъ ул-васат”, 317-ғазал)

¹Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 46.

²Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “Sharq” НМАК, 2018. – Б. 65.

³Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 142.

⁴Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20 томлик. – Т.: Фан, 1990. – Б. 170.

Ўзбек шеърлятида унумли қўлланилган *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф* (– – V/V – – V/V– – V/V – –) “...туркий арузнинг энг хушоҳанг ва ўйноқи ритмга эга бўлган мусиқий вазнларидан бири ҳисобланади”¹. Шеърлятда ҳар бир мисрадаги 6 та қисқа ва 8 та чўзик ҳижонинг кетма-кет такрорланиб келиши мусиқий оҳангни вужудга келтиради. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфда Ҳабибий 6 та, Собир Абдулла 21 та, Чустий 15 та, Эркин Воҳидов 6 та ғазал битган.

Гуллар безаниб, боғ ила бўстонга ярашти,

*Тоққанда уни севгили жононга ярашти*².

Ёки:

Қай кунки ёзилмиш бу муҳаббатни китоби,

*Нози варағи, ишва хати, ғамзаси боби*³.

Ёки:

Оламда аёл мадҳига достон тугамайдир,

*Чун ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайдир*⁴

сингари матлаъ байтлар *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф* (рукнлари ва тақтиби: мафъувлу мафойилу мафойилу фаулун – – V/V – – V/V– – V/V – –) вазнида бўлиб, жўшқин туйғулар ифодаси учун ниҳоятда кулайдир. Демак, келтирилган матлаъ байтларнинг биринчи рукни – *садр* ва *ибтидо* мафойилуннинг ахраб кўриниши – мафъувлу (– – V) рукнига, иккинчи, учинчи рукнлари – *ҳашв* мафойилуннинг макфуф тармоғи мафойилу (V– – V)га, охирги рукнлар *аруз* ҳамда *зарб* эса мафойилуннинг маҳзуф кўриниши – фаулун (V – –)га тенг.

Ҳабибий (1 та), Собир Абдулла (2 та), Чустий (2 та) ғазалиётида юқоридаги вазндан мисралардаги ҳижоларнинг ўта чўзиқлиги билан фарқланувчи *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур* (– – V/V – – V/V– – V/V – ~) ҳам учрайди (2-, 3-, 4-иловаларга қаранг). Ушбу ўлчов *ҳазажи*

¹Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 45.

²Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 61.

³Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 76.

⁴Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “SHARQ” НМАК, 2018. – Б. 421.

мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнига нисбатан шеърятимизда кам қўлланилган.

XX аср иккинчи ярми шеърятига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири рубоий вазнларида ғазал битиш тамойилидир. Мумтоз адабиётда рубоий вазнларидан фойдаланиб, бошқа шеърӣ жанрларга оид асарларни яратиш тамойили оз бўлса ҳам кузатилади. Бу ҳақда форс-тожик мумтоз шоири Шамс Қайс Розийнинг (XIII аср) “Ал-мўъжам фи маойири ашъор ил ажам” асарида маълумот бериб ўтилган. Унинг ёзишича, форс-тожик шоирларидан Фаррухий (XI аср) рубоий вазнларида ғазал, Абутоҳир Хотуний (XII аср) эса қасида яратган¹. Д.Юсупова туркий (ўзбек) шеърятда Жаҳон Отин Увайсий рубоий вазнларидан фойдаланиб, ўзининг 2 дилбар ғазалини яратганлигини қайд этади².

Маълумки, рубоий вазнлари аруз тизимидаги энг ёқимли ўлчовлардан ҳисобланади. Шамс Қайс Розийнинг таъкидлашича, “...Халил (аруз илмининг асосчиси – Ш.Р.)дан кейин ихтиро қилинган вазнлар ва ижод қилинган шеърлардан ҳеч бири бу каби (яъни рубоий вазнлари каби – Ш.Р.) кўнгилга яқин ва таъбга маъқул эмас³. Ҳабибий қаламига мансуб “Тўқувчи қизлар” ғазали тақтиъига эътибор қилинса, унинг рубоий вазнидалиги маълум бўлади:

Бу фабри/канинг кўкси/да чевар қиз/лар,

– – V/ V – – V / V – – –/ –

Атлас тў/қимоқ фанла/ри яксар қиз/лар⁴.

– – V/ V – – V / V – – –/ –

Ғазал, асосан, ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар* вазнида бўлиб, унинг рукнлари ва тақтиъси: *мафъувлу мафойилу мафойилун фаъ* – –V/V– –V /V– – –/– тарзидадир. 4-, 6-байтларининг биринчи мисралари эса *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи*

¹ Шамс Қайс Розӣ. Ал-мўжам. – Душанбе: Адиб, 1991. – Б. 104.

² Фармонова Д. Увайсий шеърятининг вазн хусусиятлари // Тил ва адабиёт таълими. – Т.: 1996. – №4. – Б. 38-39.

³ Шамс Қайс Розӣ. Ал-мўжам. – Душанбе: Адиб, 1991. – Б.105.

⁴Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 76.

солими азалл (рукнлари ва тақтиъи: мафъуелу мафойилу мафойилун фоъ — V/ V — — V / V — — —/ ~) ўлчовида ёзилган. Мазкур вазн юқоридаги ўлчовдан охириги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан ажралиб туради. Қуйида 4-байт матнини келтирамиз:

Атлас ка/би гулчехра,/ мулойим ах/лоқ,

— — V/ V — — V / V — — —/ ~

Бир-бирла/ридан дилка/шу дилбар қиз/лар.

— — V/ V — — V / V — — —/ —

Шунингдек, 3-байтнинг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафойилу мафойилу фаал — — V/V — — V/V — — V/V—) вазнида битилган:

Ўлтурса/ тўлин ой ка/би ўз жойла/рида,

— — V/ V — — V / V — — —/ V —

Ҳар бирла/ри бир моҳи/ мунаввар қиз/лар.

— — V/ V — — V / V — — —/ —

Қофиядош чевар, яксар, ҳулкар, мунаввар, дилбар, баробар, дафтар, муқаррар сўзлари охиридаги “р” ундоши равий бўлиб, мужаррад қофияни ҳосил қилган. Айнан шундай қофия сўнггида келувчи “фаъ” рукни ғазалнинг сўнгги рукни абтар, ғазал вазнининг эса ажабб тармоғида яратилишини тақозо қилганки, бу ҳол табиийки, унда истифода этилган шеърий ўлчовнинг рубоий вазнларида битилишини таъминлаган. Кўринадик, ўз давридаёқ мумтоз ижодкорларнинг севимли вазнларидан ҳисобланган рубоий вазлари Ҳабибий шеъриятида ҳам маҳорат билан қўлланилган.

Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов ғазалиётида ҳазаж баҳрининг олти рукнли (мусаддас) вазнлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Байт мисраларининг уч рукндангина таркиб топиши бу хилдаги вазнларнинг енгил оҳанг касб этишига замин яратган. Улар моҳиятан ва рукнлар таркибига кўра ҳазажнинг мусамман рукнли вазнларига ўхшаш бўлиб, фақат ҳазажнинг мақбуз тармоғи мусамман рукнли вазнларда кузатилмаган эди. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъуелу

мафоилун фаулун – – V /V – V –/V – –) деб аталувчи ушбу вазн Ҳабибийга ҳаёт манбаи бўлган азиз неъмат хусусиятларини таъриф тавсифлашга имкон берди:

*Ҳар жойда ҳаёт учун асар сув,
Жондан берур ўйласанг хабар сув*¹.

Эркин Воҳидов эса мазкур вазнда ишқ мавзусини тараннум этди.

*Ошиқлик иши ёмон экан-ку,
Ошиққа балойи жсон экан-ку*².

Муттафиқ ул-аркон гуруҳига мансуб *мутақориб* баҳри Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий ғазалиётида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, туркий шеърятдаги илк бадий дoston Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и ҳам айнан шу баҳрда ёзилган эди. “Мутақориб” сўзи арабча бўлиб, “бир-бирига яқинлаштирувчи” деган маънони билдиради³. Бу баҳр *фаулун* (V – –) аслининг айнан такроридан ҳосил бўлади. Лекин мазкур рукни *Ҳазаж* баҳрининг тармоғи *фаулун* билан адаштирмаслик керак. XX аср иккинчи ярми шеърятда мутақориб баҳрининг қуйидаги вазнларидан кенг фойдаланилган (1.4-жадвалга қаранг).

1.4-жадвал

Мутақориб баҳри вазнлари

№	Вазн номи	Ҳабибий	Собир Адулла	Чустий	Жами
1.	Мутақориб мусаммани солим	1	-	-	1
2.	Мутақориб мусаммани маҳзуф	-	-	5	5
3.	Мутақориб мусаммани мақсур	-	-	1	1
4.	Мутақориб мусаммани аслам	1	-	10	11
5.	Мутақориб мусаммани аслами мусаббағ	1	-	-	1
Жами:		3	-	16	19

¹Ҳабибий. Девон. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 259.

² Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “SHARQ” НМАК, 2018. – Б. 423.

³ Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM – MEDIA, 2019. – Б. 76.

Ўзбек шеърлятида унча кўп қўлланилмаган *мутақориби мусаммани солим* вазни асосини фаувлун (V – –) аслининг айнан такроридан юзага келади. А.Ҳожиаҳмедовнинг таъкидлашича, мазкур вазн дастлаб Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони (сўнгги боблар)да учрайди. Кейинчалик Алишер Навоийнинг бу вазнда 29 та ғазал яратганлиги маълум. Навоийдан сўнг ушбу вазнга деярли мурожаат қилинмади. Кекса арузшунос шоир Ҳабибий ўзининг:

Жанобингга аҳди вафо қилмадимму?

Вафо расмини жон-бажо қилмадимму?

матлабли ғазалида ушбу ўлчов имкониятларини синаб кўрган эди¹.

Мутақориби мусаммани маҳзуф вазни ўзбек шеърлятида кенг истифода этилган ўлчовлардандир. Мазкур ўлчовда ёзилган ғазалнинг бир мисрасида биринчи, иккинчи, учинчи рукнлар *фаувлун* (V – –) аслининг солимига ва охирги, яъни тўртинчи рукн фаувлуннинг маҳзуф тармоғи *фаал* (V–)га тенг. Чустийнинг 5 та ғазали мазкур вазнда битилган.

Нидо этди жоним нидо устига,

Ҳаволанма дейди, ҳаво устига²,

деб бошланувчи ғазал аруз тизимининг *мутақориби мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаал V – –/V – –/V – –/V –) вазнидалигини таъкидлаш жоиз. Ғазалнинг қолган байтларини ҳам таҳлил қилганимизда, иккинчи ва мақтаъ байтнинг биринчи мисраси *мутақориби мусаммани мақсур* вазнидалиги аён бўлди. Мазкур вазн юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланади:

Ризо ай/ла Чустий,/ элингни/ мудом,

V – –/ V – –/ V – –/ V ~

Дуо ол,/ дуо ол,/ дуо ус/тига

V – –/ V – – /V – –/V –

¹Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 96.

²Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 21.

Охирги хижонинг ўта чўзиқлиги билангина юқоридагидан фарқланувчи *мутақориб*и мусаммани мақсур (рукнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаул V – –/ V – –/ V – –/ V ~) вазнида Чустийнинг она меҳри куёш ҳароратига менгзалувчи сатрлар билан бошланган биргина “Ойнома” ғазали яратилган:

*Она бир куёш, ҳурмати осмон,
Куёшсиз ёришмайди ҳаргиз жаҳон¹.*

Навбатдаги вазн *мутақориб*и мусаммани аслам (рукнлари ва чизмаси: фаълун фаувлун фаълун фаувлун – – /V – – / – – /V – –)да Ҳабибийнинг 1 та, Чустийнинг 10 та ғазали яратилган.

*Ўлкамда етишиди хил йигитлар,
Ғайратли, етук дадил йигитлар².*

Ёки:

*Ҳимматли полвон кимларга ўхшар,
Осмон чирози ҳулкарга ўхшар³.*

Байтларга эътибор берилса, 2 та қисқа ва 8 та чўзиқ хижонинг кетма-кет такрорланиши ўзига хос мусиқий оҳангни ҳосил қилганлиги сезилади. Матлаълардаги биринчи ва учинчи рукн фаувлун аслининг аслам тармоғи *фаълун* (– –)га, иккинчи ҳамда тўртинчи рукни эса солими (V – –)га тенг. Зеро, мазкур вазнда яратилган шеърлар “Бузрук” тароналари билан куйланади.

Ҳабибий ўз шеърларида мавжуд вазнларни қўллаш билан чекланиб қолмади, балки ўзи ҳам ўзбек арузини янги вазнлар билан бойитди. Шундай ўлчовлардан бири *мутақориб*и мусаммани аслами мусаббағдир. Мазкур ўлчов юқоридаги вазндан охирги хижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланади. *Мутақориб*и мусаммани аслами мусаббағ вазни ўзбек шеърлятида Ҳабибийгача қўлланилмаган. Фақат Заҳириддин Бобургина “Аруз

¹Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 11.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 67.

³Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 206.

рисоласи”да унга хос хусусиятларни назарий жиҳатидан асослаб, битта форсий ва туркий байтни мисол қилиб келтиради:

*Зулфу сочингинг ҳажрида эй жон,
Кўнглум мушавваш ҳолим паришон.
Фаълун фаъувлун фаълун фаъувлон¹.*

Она Ватан гўзалликлари ва қалби шеъриятга ошно юртдошлари сифатларини Ҳабибий шу вазнда сатрларга тизади²:

*Гул-гул очилган бўстонларим бор,
Ширин, газалхон хушхонларим бор³.*

Бу давр шеъриятида *ражаз* баҳри ҳам ўзига хос ўринга эга. “Ражаз” арабча сўз бўлиб, “тезлик”, “шитоб”, “изтироб” маъноларини билдиради⁴. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида ушбу баҳрнинг 13 вазни ҳақида фикр юритиб, уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиради⁵. XX аср иккинчи ярми ғазалиётида ражаз баҳрининг қуйидаги ўлчовлари учрайди (1.5-жадвалга қаранг).

1.5-жадвал

Ражаз баҳри вазнлари

№	Вазн номи	Ҳабибий	Собир Адулла	Чустий	Жами
1.	Ражази мусаммани солим	7	3	5	15
2.	Ражази мусаммани музол	1	-	-	1
3.	Ражази мусаммани матвийи махбун	1	-	1	2
4.	Ражази мусаддаси солим	1	-	-	1
Жами:		10	3	6	19

Мазкур баҳрнинг *ражази мусаммани солим* (– – V –/– – V –/– – V –/– – V –) вазни шеъриятимизда кенг қўлланилган бўлиб, қатор мумтоз куйларга

¹Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 36.

²Изоҳ: Ҳабибийнинг “Бор” радибли ғазалини А.Ҳожаҳмедов мутақориби мусаммани аслам вазнида ёзилган деб кўрсатади. Қаранг: Ҳожаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 99.

³Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б.64.

⁴Yusupova D. Aruz vazni qoidaları va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019. – Б.72.

⁵Ҳожаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 105.

мос тушади. Ражази мусаммани солим вазни *мустафъилун* (– – V –) аслининг айнан такроридан ҳосил бўлади. Ҳабибийнинг 7 та, Собир Абдулланинг 3, Чустийнинг 5 та ғазали мазкур ўлчовда ёзилган. Ҳабибийнинг баҳор мавзусидаги бир ғазали шу вазнда битилган:

*Келди насими навбаҳор, ўлкамни пардоз айлади,
Саҳрони қилди лозор, ер кўксини соз айлади*¹.

XX аср иккинчи ярми, хусусан, Ҳабибий ижодида шеърятимизда кам кўлланилган *ражази мусаммани музол* вазни мавжуд. Шоирнинг

*Тўлган, етилган ой каби базмимга ўйнаб келди ёр,
Бўлди тилаклар жо-бажо базм аҳли эрди интизор*²

байти билан бошланувчи ғазали *ражази мусаммани музол* (рукнлари ва тақтиби: мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилон – – V –/ – – V –/ – – V –/ – – V ~)да ёзилган бўлиб, ёрга бағишланган. Демак, мазкур вазн *ражази мусаммани солим* ўлчовидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқ, яъни мустафъилон (– – V ~) эканлиги билан фарқланади.

Алишер Навоий, Огаҳий каби шоирлар ижодида анча кенг ўрин эгаллаган *разажи мусаммани матвийи махбун* (– VV – /V – V –/ – VV – /V – V –) вазнига Ҳабибийнинг “Қизларим”, Чустийнинг “Тилагим” радифли ғазалларини мисол қилиш мумкин.

*Илму ҳунарга интилуру бир неча она қизларим,
Чин онаю сингил каби балки дугона қизларим*³.

Ёки:

*Жонга жафолар излама, изла умр бақосини,
Элга ёмонлик айлама, айлагил эл ризосини*⁴

каби матлаъ байтлар билан бошланувчи ғазалларда биринчи ва учинчи рукнлар мустафъилун аслининг матвий тармоғи *муфтаилун* (– V V –)га, иккинчи ва тўртинчи рукнлари эса шу аслининг махбун тармоғи *мафюилун* (V

¹Ҳабибий. Девон. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 298.

²Ҳабибий. Ўша манба. – Б. 54.

³Ҳабибий. Ўша манба. – Б. 203.

⁴Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 156.

– V–)га тенглиги аён бўлади. Байтда 8 та қисқа ва чўзиқ ҳижола қетма-кетлиги такрорланади.

Ҳабибий шеърятимизга 12 рукнли *ражази мусаддаси солим* вазнини олиб кириб, вазн кашфиётчиси даражасига кўтарилди. Туркий шеърятда ушбу вазн қўлланилмаган. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да мазкур вазннинг назарий асослари ҳақида фикр юритиб, мисол тарзида бир байт келтиради. Бу байт қуйидагичадир:

Ҳажрингда, эй гулчеҳра, беҳад зорман,

Қон ичра гарқа гул киби афгорман.

*Мустафълун мустафълун мустафълун*¹.

Алишер Навоий ва бошқа туркий шоирлар девонида ушбу вазнда битилган шеър мавжуд эмас. Ражази мусаддаси солим вазни кўпроқ форс-тожик шеърятда истифода этилиб, Абдурауф Фитрат “Аруз ҳақида” асарида “бу вазннинг араб-эрон арузида исми “*Ражази-мусаддаси-солим*” бўлиб, уч дафъа “Мустафълун” билан ўлчайдилар”², – деб айтиб ўтади. Ҳабибийнинг

Бир кўрсатиб гамза билан дийдор ўзинг,

*Лутфу карам қилдинг кулиб изҳор ўзинг*³.

матлаъли ғазали айнан ражази мусаддаси солим (рукнлари ва тақтиъи: *мустафълун мустафълун мустафълун* – –V – / – – V – / – –V –) вазнида битилиб, унда дилбар ёр мадҳ этилади.

Деярли қўлланилмаган навбатдаги вазн *мутадорик мусаммани музол саналиб*, у ҳақда Шайх Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий асарларида маълумот келтирилмайди. Уларнинг шеърятда ҳам ушбу вазн қўлланилмаганлиги тадқиқотлардан маълум. Лекин Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Аруз рисоласи”да ушбу вазнга тўхталиб, бир байт мисол келтиради:

Рашики хуришиди анвар бўлубтур юзунг,

Фитнаи шаҳру кишвар бўлубтур кўзунг.

¹Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 53.

²Фитрат А. Аруз ҳақида. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи – Болтабоев Ҳ. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 50.

³Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 185.

Фоѝилун фоѝилун фоѝилун фоѝилон¹.

Заҳириддин Бобурнинг “Девон”идаги шеърларни ўрганганимизда, ушбу матлаъли ғазални учраматдик. Демак, Заҳириддин Бобур намуна сифатида келтирган ушбу байтни шунчаки мазкур вазн учун тажриба сифатида ёзилган деган тахминга келиш мумкин. Форс-тожик шеърлятида эса бу вазннинг қўлланилганлиги ҳақида У.Тоировнинг “Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам” асарида маълумот берилади². Олим *мутадорик мусаммани музолни* мутадорик баҳрининг бир ўлчови сифатида санар экан, унга Садриддин Айнийнинг бир байтини мисол сифатида келтиради. Бу ҳолат ушбу вазн форс-тожик шеърлятида истеъмолда бўлганлигини кўрсатади. Таҳлиллар Ҳабибий ижодида ушбу вазн мавжудлигини кўрсатди. Шоир *мутадорик мусаммани музол* вазнини туркий шеърлятга олиб кирган ижодкор сифатида эътирофга лойиқ:

Яшнади ҳур диёр, бағри кенг пахтазор,

*Соф ҳаво, безубор халқимиз бахтиёр*³.

Комили мусаммани солим вазни аруз тизимидаги мураккаб вазнлардан бўлиб, ижодкордан катта истеъдод, кунт ва маҳорат талаб қилади. Рукнлардаги қисқа ҳижола сони чўзиқ ҳижоладан ортиқ бўлиши, ҳар бир рукн таркибида 5 тадан ҳижонинг учраши маълум бир мураккабликни вужудга келтиради. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида комил баҳрининг *комил мусаммани солим* (VV – V –/VV – V –/VV – V –/VV – V –) вазни рукнлари берилган. “Аруз рисоласи”да эса ушбу баҳр 22 вазни ўз ичига олиши таъкидланиб, барча вазнларга мисоллар келтирилган”⁴.

Олимларнинг таъкидлашларича, ушбу ўлчовни биринчи марта ўзбек шеърлятида Алишер Навоий қўллаган⁵. “Арузи Сайфий” муаллифининг ёзишича, *комил* баҳри (тавил, мадид, басит, вофир баҳрлари сингари) арабларга хос шеърлий ўлчов бўлиб, ажам ва туркий шоирлар ушбу баҳрларда

¹Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 40.

²Қаранг: Тоиров У. Фарҳанги истилоҳоти арўзи Ачам. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 560.

³Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 103.

⁴Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 40.

⁵Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 105. Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 184.

кам шеър айтурлар, шу сабабданки бу баҳрда айтилган шеър номатбуъ (таъбга маъқул эмас)дир¹. Ҳабибийнинг “Назар айласанг” ғазали ана шу мураккабликни ҳис этиш ва бу йўлда ижод этиш маҳоратини намоён этади:

*Нахуш ўргилай караминг била қарасанг кулиб назар айласанг,
Юрагимдаги гаразингни ҳам билайин надур, хабар айласанг².*

Ушбу ғазал мумтоз адабиётимизга хос бўлган анъанавий ишк мавзусида. Ҳабибий ёрнинг “*караминг била қарасанг, кулиб назар айласанг, юрагингдаги гаразингни ҳам билайин*” деб, ёрнинг ундан хабар олмаслигидан нолийди. Матлаъдаги *назар, хабар* сўзларининг охиридаги “р” ундоши равий бўлиб, матлаънинг зарби эса (*айласанг*) радиф вазифасида қўлланилган. Қофия учун танланган мумтоз қофиянинг мужаррад тури тасодифий бўлмасдан, ғазалнинг комил баҳрида яратилишини таъминлаган. Дарҳақиқат, қофия учун “*назар айласанг, хабар айласанг...*” бирикмалари бошқа вазнга тушмайди.

Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Абдулла Орипов ғазалларининг вазн хусусиятлари таҳлилида айрим ғазаллар аруз вазни эмас, балки бармоқ вазни қоидаларига мос тушиши кузатилди. Шунинг учун биз бармоқ вазнида яратилган шеърларни бу таркибга қўшмадик.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлятида муттафиқ ул-аркон баҳрларидан олтитаси муваффақият билан қўлланилган бўлиб, улардан *мутақориби мусаммани аслами мусаббағ, мутадорики мусаммани музол, комили мусаммани солим* вазнлари мумтоз адабиётимизда кенг истифода этилмаган.

1.2-§. Давр ғазалиётида мухталиф ул-аркон баҳрларининг истифода этилиш даражаси

Туркий (ўзбек) шеърлятда шундай баҳрлар учрайдики, улар аввалги фаслда ўрганилган баҳрлардан таркибан фарқланади. Арузшунослик илмида

¹Юсупова Д. Бедил ғазалларининг вазн хусусиятлари / Илмий анжуман материаллари. – Т.: 2007. – Б. 177.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 176.

бундай баҳрларни *мухталиф ул-аркон* баҳрлар деб аташ қабул қилинган¹. Чунки уларнинг таркибида икки хил аслий рукн иштирок этади. Масалан, *мафойилун* ва *фоилотун* аслий рукнлари биргаликда бир мисрада келса, *музориъ* баҳри ҳосил бўлади. Демак, “турли аслий рукнлар ва уларнинг тармоқларидан таркиб топган баҳрлар ўзининг асл устунига, яъни рукнига эга бўлмаганлиги учун улар икки хил аслий рукнларнинг бирикувидан ҳосил бўлади”². Ўрганишларимиз асосида XX аср иккинчи ярми шеъриятида *мухталиф ул-аркон* баҳрларининг 5 таси қўлланилганлиги маълум бўлди (5-иловага қаранг).

Мухталиф ул-аркон баҳрларининг дастлабкиси *музориъ* бўлиб, арабча “ўхшаш”, “монанд” деган маънони билдиради. Бу баҳр биринчи ва учинчи рукнлардаги зиҳофлари жиҳатидан ҳазаж баҳрига ўхшаганлиги учун шундай аталган³. Мазкур баҳрнинг 12 вазни ҳақида дастлаб Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида маълумот берилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи”да эса бу ҳақда шундай фикрлар келтирилади: “Музориъ баҳри йигирма тўрт вазн: ўн тўққиз мустаъмал, беш мухтараъ, ети вазн мустаъмали матбуъ”⁴. Арузшунос А. Ҳожиаҳмедов ўзбек шеъриятида ушбу баҳрнинг фақат мусамман, яъни саккиз рукнли ўлчовларидан кенг фойдаланилганлигини таъкидлайди⁵. Дарҳақиқат, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов ғазалларида ушбу баҳр мусамман рукнлардан иборат. Олимларимизнинг кузатишларида, музориъ баҳрининг солим шакли мумтоз шеъриятимизда истифода этилмаган.⁶ Биз ҳам Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов ғазалларини таҳлил қилганимизда мазкур кўринишга дуч келмадик. Улар ғазалиётида *музориъ* баҳрининг саккиз рукнли қуйидаги 4 та вазни кенг қўлланилган (2.1-жадвалга қаранг):

¹ Қаранг: Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Т.: Хазиана. 1996. – Б. 147; Бобир Заҳириддин. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 24.

² Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – В. 21.

³ Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисоаларнинг қиёсий таҳлили. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 144.

⁴ Бобир Заҳириддин. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 146.

⁵ Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 75.

⁶ Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019.

Музориъ баҳри вазнлари

№	Вазн номи	Эркин Воҳидов	Ҳабибий	Собир Абдулла	Чустий	Жами
1.	Музориъи мусаммани аҳраб	7	7	14	18	46
2.	Музориъи мусаммани аҳраби мусаббағ	-	2	1	1	4
3.	Музориъи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф	-	6	-	1	7
4.	Музориъи мусаммани аҳраби макфуфи мақсур	-	1	-	-	1
Жами:		7	16	15	18	65

“Музориъ баҳри вазнлари Алишер Навоийга мақбул бўлган ўлчовлардан саналади. Унинг “Ҳазойинул-маоний”сидан жами 105 шеър, жумладан, 81 ғазал, 11 қитъа, 6 муаммо ва 7 фард ушбу ўлчов турларида битилган”¹. XX аср иккинчи ярми шеърлятида *музориъ* баҳрининг дастлабки ўлчови *музориъи мусаммани аҳраб* (– – V/ –V – –/ – – V/ –V – –) ҳисобланиб, Ҳабибий ушбу ўлчовда 7 та, Собир Абдулла 14 та, Чустий 18 та, Эркин Воҳидов 7 та ғазал яратган. Мазкур ўлчов тури дастлаб “Қисаси Рабғузӣй”да учрайди. Ушбу вазнда яратилган ғазаллар воситасида муҳаббат, ёр васфи ғоятда жозибатор ифодаланади.

Эркин Воҳидовнинг *музориъи мусаммани аҳраб* (– – V/ –V – –/ – – V/ – V – –) вазнида битилган “Ғунча” номли ғазали чиройли ташбеҳларга бойлиги ва муболағаларнинг турфалиги билан ажралиб туради. Ғазал композицияси ошиқ кўнгил ва эндигина юз очиш, очилиш арафасида турган “ғунча” билан ўзаро мулоқот асосига қурилган. Чунки чин ошиқларгина, кўнгли илоҳий муҳаббат нури ила йўғирилган маҳбуб ва маҳбубаларгина кўзлари тушган ҳар нарсадан мўъжиза топа оладилар. Ғазалнинг биринчи байти ўзига яқин дўсти ҳабиб излаб юрган ошиқ кўнгилнинг ишқ гулзорида “барг остидан мулойим боқиб турган ғунча”га дарддош, сирдош бўлиш истагини баён қилиш билан бошланади:

¹Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 77.

*Барг остидан мулойим
Боққан иболи гунча,
Не сирни сақлагайсан
Бағринг нечун тугунча¹.*

Ушбу вазн ҳам мисра ичидаги кичик ритмик паузага эга ва шу жиҳатидан у ҳазаж баҳрининг шу йўналишдаги вазнларини эслатади.

*Устозим эй Навоий,/ бахти бақо муборак,
Беш юз йил охирида/ кўрдинг вафо муборак².*

Ёки:

*Минг шеърү рамзу мазмун/ Фарғона дилбарига,
Камдур ёзилса ҳар кун/ Фарғона дилбарига³.*

Навбатдаги вазн *музориъи мусаммани ахраби мусаббағ* бўлиб, арузшунос олимларнинг таъкидлашича, ушбу ўлчовни туркий шеърятда илк бор Алишер Навоий қўллаган⁴. Унгача бу ўлчов ўзбек шоирлари, хусусан, Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий ва Лутфийлар ижодида истифода этилмаган.

*Рухсори жонибида ул холи анбар олуд,
Ўт гўшасида гўё анбар тушуб қилур дуд.*

(“Наводир уш-шабоб”, 126-ғазал)

Ўрганишларимиз натижасида Ҳабибий (2 та), Собир Абдулла (1 та), Чустий (1 та) ижодида ҳам *музориъи мусаммани ахраби мусаббағ* (– – V/ –V – –/ – – V/ –V – ~) вазнида ёзилган ғазал мавжудлигига гувоҳ бўлдик (2-, 3-, 4-иловаларга қаранг). Чустийнинг “Ширин-шакар ёз” ғазали “Садоқат гуллари” девонидан ўрин олган. Қуйида ғазал байтидан намуна келтирамиз.

*Ёз айлади ёзилгач дафтарни ҳар сафар ёз,
Ёз мўъжизотларидан шоир ширин асар ёз⁵.*

Чустийнинг мазкур вазндаги ғазалини тақрир санъатининг гўзал намунаси деб баҳолаш мумкин. Ғазалда бир байтнинг ўзида ҳам *музориъи*

¹Воҳидов Э. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. – Т.: “Шарқ” НМАК, 2000. – Б. 118.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Фағур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 180.

³Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 28.

⁴Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz roetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019.

⁵Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 63.

мусаммани ахраб, ҳам музориъи мусаммани ахраби мусаббағ вазни қўлланилган. Масалан, 2-байтнинг биринчи мисраси музориъи мусаммани ахраб вазнидадир.

Ҳушбўй/ ҳандалаклар/ чоғ айла/ди димозни,

– – V/ – V – –/ – – V/ – V – –

Гурс кетди/ таърифидан/ элга ша/кар, хабар ёз.

– – V/ – V – –/ – – V/ – V – ~

Аруз тизими қоидаларига биноан, қатор келган ундошлар, одатда, ўта чўзиқ ҳижо ҳисобланади. Лекин байтнинг иккинчи мисрасидаги “гурс” сўзи оддий чўзиқ ҳижо тарзида қўлланилган. Бундай ҳолат ушбу давр шеърятини учун хос эканлигини муттафиқ ул-аркон баҳрлари мисолида ҳам кузатдик.

Навбатдаги музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (– – V/ –V – V/V – – V/ –V –) вазнининг таркиби биринчи рукнда мафойилун аслининг ахраб тармоғи – мафъувлу (– – V)га ва учинчи рукнда макфуф тармоғи – мафойилу (–V – V)га, иккинчи рукнда фоилотун аслининг макфуф тармоғи – фоилоту (V – – V)га, тўртинчи рукнда эса шу аслининг маҳзуф тармоғи – фоилун (–V –)га тенг¹. Ҳижоларнинг шу хилда такрорланиши мумтоз мусиқа оҳангларига мос тушади. Мазкур ўлчовда Ҳабибийнинг 6 та, Чустийнинг эса 1 та ғазали ёзилган. Ҳабибийнинг “Ширин сўз” ғазали куйидаги матлаъ билан бошланади:

Топгай ширин сўзинг била ҳар бенаво наво,

Бўлгай яна эл олдида кўп норасо расо².

Байт музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъувлу фоилоту мафойилу фоилун – – V/ –V – V/V – – V/ –V –) вазнида бўлиб, сўзнинг таъсири ва қудратини ифодалайди. Ҳажман 7 байтни ташкил этади. Ғазалдаги 2-, 3-байтларнинг биринчи мисраси музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур вазнига тегишлидир.

Бу қома/ту жамолу/ тароватки/сенда бор,

¹Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 79.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 19.

– – V/ – V – V/ V – – V/ – V ~

Кўрдим қо/шингда бир не/ча нозик а/до адо.

– – V/ – V – V/ V – – V/ – V –

Демак, Ҳабибийнинг “Ширин сўз” ғазалида ҳам *музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф*, ҳам *музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур* вазнидаги мисраларни кўриш мумкин.

Чустийнинг мазкур вазнда яратилган ғазали “Садоқат гуллари” девонидан ўрин олган. Лекин Ҳабибийникидан фарқли ўлароқ, бу ғазал фақат битта ўлчовда битилган. Ғазал қуйидагича бошланади:

Ҳар кимни/ сийласа э/ли у кам бў/лармиди,

– – V/ – V – V/ V – – V/ – V –

Эл севма/ган азизу/ мукаррам бў/лармиди¹.

– – V/ – V – V/ V – – V/ – V –

Ғазал байтларида ўта чўзиқ ҳижо деярли учрамаслиги унинг оҳанги энгил бўлишига, байтларини ўқиш қийинчилик туғдирмаслигига олиб келган.

Навбатдаги вазн *музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур* (– – V/ – V – V/V – – V/ –V ~) бўлиб, юқоридаги вазндан охириги ҳижонинг ўта чўзиқлиги жиҳатидан фарқланади. Ҳабибийнинг биргина “Латиф” радифли ғазали мазкур ўлчовда битилган. Ғазал ҳажман 7 байтдан иборат бўлиб, мумтоз адабиётда анъанавий баҳор фасли тавсифига бағишланган. Ғазал қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Келди баҳору бўлди ёқимли ҳаво латиф,

Бўлмас ҳаво бунинг каби роҳат физо латиф²

Байт матлаъси аруз тизимининг *музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: мафъувлу фоилоту мафоййлу фоилон – – V/ –V – V/V – – V/ –V ~) вазнидан иборат. Ғазалнинг қофияланмайдиган тоқ

¹Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 86.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 147.

мисралари *музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф*дадир. Иккинчи байтга эътибор берсак:

Майли, та/бассум айла/ди гулшанда/гунчалар,

– – V/ – V – V/ V – – V/ – V –

Эсгай бо/шида ҳар ке/ча боди са/бо латиф.

– – V/ – V – V/ V – – V/ – V ~

Мухталиф ул-аркон гуруҳидаги навбатдаги баҳр *мужтасс* бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Мухтасар” асарида “мужтасс баҳри йигирма вазн, ўн бир мустаъмал, тўққиз мухтараъ, олти мустаъмали матбуъ”, – деб таъкидлайди ва ҳар бир вазнга мисоллар келтиради¹. Ҳабибий, Собир Абдулла ва Чустийлар ўз ижодларида ушбу баҳр имкониятларини атрофлича ўрганиб, ўз ғазалларида унинг 4 ўлчовини унумли қўлладилар (2.2-жадвалга қаранг).

2.2-жадвал

Мужтасс баҳри вазнлари

№	Вазн номи	Ҳабибий	Собир Адулла	Чустий	Жами
1.	Мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф	8	4	6	18
2.	Мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур	1	1	-	2
3.	Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ	3	8	6	17
4.	Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъйи мусаббағ	-	3	1	4
Жами:		12	16	13	41

Мужтасс баҳрининг дастлабки ўлчови *мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф* вазни *мустафъилун* (– – V –) аслининг маҳбун тармоғи *мафоилун* (V – V –), *фоилотун* (– V – –) аслининг маҳбун тармоғи *фаилотун* (VV – –) ва маҳбуни маҳзуф тармоғи *фаилун* (VV –)нинг кетма-кет такроридан ҳосил бўлади. Ушбу вазн шеърятимизда кенг қўлланган ўлчовлардан бири

¹ Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б.181.

ҳисобланади. Ҳабибийнинг 6 та, Собир Абдулланинг 4 та, Чустийнинг 8 та ғазали мазкур вазнда яратилган.

*Ўзим бу ердаю кўнглим бориб кўриб келадир,
Қошингда васлинг ила термулиб туриб келадир¹.*

Ёки:

*Кўзим қароси тўкилсин бўлакка боқса агар,
Кўзинг қаросига боқмоқдан у улоқса агар².*

Ёки:

*Дилингни босса губор, сенга дилрабо қарамас,
Кишилар, ойина гар бўлса бежило, қарамас³.*

Ушбу вазннинг ритмик имконияти ёр васфи, унинг гўзаллиги таърифига мос келишини юқоридаги мисоллар ҳам кўрсатади. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий ғазалларини таҳлил қилиш жараёнида Чустий ғазалининг 3-байти биринчи мисраси *муштасси мусаммани махбуни мақсур* (V – V –/VV – –/V – V –/VV ~), 7-байти биринчи мисраси эса *муштасси мусаммани махбуни мақтуъ* вазнида ёзилганлиги маълум бўлди. *Муштасси мусаммани мақсур* юқорида келтирилган вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланса, *муштасси мусаммани мақтуъ*да эса охирги рукн *фошлотун* аслининг мақтуъ тармоғи *фаълунга* ўзгаради. Қуйида ғазалининг 3-байти матнини келтирамиз:

Йўлингда сен/ адашиб, жўй/рилиб бўлиб/ сар(и)сон,

V – V –/ V V – –/ V – V –/ V V ~

Бало йўли/га чиқиб қол/масанг, бало/ қарамас.

V – V –/ V V – –/ V – V –/ V V –

Кўринадики, охирги ёпиқ бўғиннинг таркибида “о” чўзиқ унлиси иштирок этиб, ўта чўзиқ ҳижони ҳосил қилган, шунинг учун мисранинг вазни ўзгарган. Қуйида ғазалининг 7-байти матнини ҳам келтирамиз:

Бузишни ис/тама тинчлик/ биносин,+ эй/ нодон,

¹Ҳабибий. Девон. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 93.

²Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 127.

³Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 226.

V – V –/ V V – –/ V – V –/ – –

Ғазаб билан/ қарар + эл се/нга, муддао/ қарамас.

V – V –/ V V – –/ V – V –/ V V –

Ушбу байтнинг биринчи мисраси *мужтасси мусаммани махбуни мақтау* (рукнлари ва тақтиъи: мафоилун файлотун мафоилун фаълун V – V – / V V – –/ V – V –/ – –)да, иккинчи мисраси *мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: мафоилун файлотун мафоилун файлун V –V–/ V V – –/ V –V–/ V V –) вазнидалиги маълум бўлди. Кўрилаётган байтнинг биринчи мисрасида “*биносин*” сўзидаги “н” ундошини ундан кейин келадиган “*эй*” ҳижосига улаб “*нэй*”, иккинчи мисрада “*қарар*” сўзидаги “р” ундошини ундан кейин келадиган “*эл*” ҳижосига боғлаб “*рэл*” тарзида талаффуз қилиш зарур бўлади. Чустий девонидаги ғазалда эса ҳар икки вазн хусусиятларини кўриш мумкин.

Навбатдаги *мунсарих* баҳрининг “...асосан икки вазнидангина фойдаланилган бўлиб, улар мустафъилун аслининг матвий тармоғи – муфтаилун, мафъулоту аслининг матвийи макшуф тармоғи – фоилун ҳамда матвийи мавкуф тармоғи – фоилонларга асосланади¹. Мунсарих вазни ХХ аср иккинчи ярми шеъриятида фақат Ҳабибий ижодида учрайди. Мазкур баҳрда шоирнинг 2 та ғазали маълум. Улар *мунсарихи мусаммани матвийи макшуф* (рукнлари ва тақтиъи: *муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун –VV– /–V–/–VV–/–V–*) вазнида ёзилган.

Жону жаҳоним ўзинг, ному нишоним ўзинг,

Ному нишоним ўзинг, жону жаҳоним ўзинг².

Байтдаги икки сўз бирикмасининг ўрни алмашиб такрорланиши натижасида маънога аҳамият кучайтирилган. Адабиёт тарихида тарду акс санъатининг бирикмаларда акс этиши мумтоз ижодкорларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ижодида учрайди. Жумладан, Бобурнинг

Ҳабиб бўлса эди ё рақиб ўлса эди,

¹Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 83.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 188.

*Рақиб ўлса эди ё ҳабиб бўлса эди*¹.

ғазали тарди акс санъатининг гўзал намунаси ҳисобланади. Юқоридаги мисолларда бирикмалар айнан, ўзгаришсиз такрорланган.

Ҳабибийнинг мазкур вазнга мансуб “Инсон” ғазали ҳам мавжуд. Унда панд-насихат руҳи устунлик қилади. Ғазал матлаъсида инсон ё яхши ҳунар эгаси ё толиби илм бўлиши таъкидланади:

Бўлмагай инсон азиз яхши ҳунар қилмаса,

*Ёки ўқиб илм ила ўзни гуҳар қилмаса*².

Матлаъ байтнинг 1-(садр, ибтидо) ва 3-(ҳашв) мисраси мустафъилун аслининг матвий тармоғи – *муфтаилун* (–VV–)га, 2-(ҳашв) ва 3-(аруз, зарб) мисралари эса мафъулоти аслининг матвийи макшуф тармоғи – *фоилун* (–V–) га баробардир. Фақат иккинчи мисрадаги илм сўзи оддий чўзиқ ҳижо (–)ни акс эттирган. Аслида, мумтоз аруз қоидаларига кўра, “илм” сўзи ўта чўзиқ ҳижо (V–)ни ифодалаш лозим эди. Бундай ҳолатлар XX аср иккинчи ярми шеъриятида кўп учрашини юқорида таъкидладик.

Ушбу давр шеъриятида *сарий* баҳри ҳам истифода этилган бўлиб, у арабча “шитоб билан юрувчи, тез” маъноларни англатади³. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида сарий баҳрининг бешта вазни ҳақида маълумот беради ва мисол келтиради⁴. Заҳириддин Бобур “Аруз рисоласи”да “сарий баҳри ўн етти вазн: ўн бир мустаъмал, олти мухтараъ, бир вазн мустаъмали матбуъ” эканлигига урғу берган ҳолда уларга биттадан намуна келтиради⁵. Арузшунос А.Ҳожиаҳмедов “сарийнинг вазнлари кўп бўлса ҳам, улардан иккитасигина шеъриятимиздан ўрин олган бўлиб, булар сарийи мусаддаси матвийи макшуф ҳамда сарийи мусаддаси матвийи мавкуф ўлчовларидир”⁶, – деб таъкидлайди. Олимларимиз тадқиқотларида мазкур баҳрнинг солим

¹Бобур. Девон. – Т.: Фан, 1975. – Б. 67.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 274.

³Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 87.

⁴Қаранг: Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 62.

⁵Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 193.

⁶Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 151.

кўриниши туркий шеърятда учрамадлиги ҳақида фикр юритилади¹. Ушбу баҳр XX аср иккинчи ярми шеърятда ҳам Ҳабибий, Чархий ижодида учрайди.

Сариъ баҳрининг дастлабки вазни *сариъи мусаддаси матвийи макшуф*дир. Ҳабибийнинг бу вазндаги 2 та ғазали аниқланган. Унинг “Топар” радибли ғазали куйидаги мисралар билан бошланади:

*Ҳар нимаким истаса инсон топар,
Топгали қасд айласа имкон топар².*

Матлаъ байтдан *сариъи мусаддаси матвийи макшуф* (руқнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун – V V –/ – V V –/– V –) вазни хусусиятлари аён бўлади. Байтнинг садр, ибтидо, ҳашви мустафъилун аслининг матвий тармоғи – *муфтаилун* (–VV–)га, аруз, зарби эса мафъулоти аслининг матвийи макшуф тармоғи – *фоилун* (–V–)га тенг. Ушбу вазндан охириги ҳижоси ўта чўзиқлиги билан фарқланувчи *сариъи мусаддаси матвийи макшуф* вазни шеърятимизда анча кенг оммалашган ўлчовлар сирасига киради. Ҳабибийнинг кўш қофияли ғазали бунга мисол бўла олади.

*Элга қилиб лутфини инъом ом,
Айлади кўп дилни дилором ром³.*

Мисралардаги ҳар икки жуфт қофия ридфи аслий (“о”)дан ясалган мурдаф қофия бўлганлиги учун оҳангнинг таъсирчанлиги ошган.

XX аср иккинчи ярми шеърятдаги навбатдаги баҳр *хафиф* бўлиб, у Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархийлар ижодида қўлланилган. Хафиф сўзи арабча бўлиб, “енгил” деган маънони билдиради⁴. Ўзбек шеърятда дастлаб дастлаб Алишер Навоий хафиф баҳрининг 5 та ўлчови ҳақида айтиб ўтади. Кейинчалик Заҳириддин Бобур “Аруз рисоласи”да мазкур баҳрнинг 22 вазни

¹Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 151; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 87.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 69.

³Ҳабибий. Ўша асар. – Б. 216.

⁴Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 91.

борлигига тўхталади: “тўққизтаси мустаъмал, ўн учтаси мухтараъ, уч вазн мустаъмали матбуъ”¹.

А.Ҳожиаҳмедов, Д.Юсуповаларнинг таъкидлашларича, туркий шеърятда хафиф баҳрининг, асосан, мусаддас рукнли вазнлари учрайди. Хафиф баҳрининг дастлабки вазни *хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф* бўлиб, XX аср иккинчи ярми шеърятда Собир Абдулла ғазалиётида учрайди.

Бошла кўнглим муродга, бирга олиб,

*Бирга элт, мақсадим йўлингга солиб*².

Байт аруз тизимининг *хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун мафоилун фаилун* –V– –/V–V–/VV–) вазнидалиги кўринади. Мазкур вазнда садр ва ибтидода фоилотун аслининг солим (–V – –) кўриниши, ҳашв рукнларида мустафъилун аслининг махбун тармоғи *мафоилун* (V–V–) ҳамда аруз ва зарб рукнларида фоилотун аслининг махбуни маҳзуф тармоғи *фаилун* (VV–) иштирок этган. *Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф* ўлчовидаайрим ўринлардасадр ва ибтидода *фоилотунаслининг* солим (–V – –) кўриниши ўрнига унинг махбун тармоғи *фаилотун* (VV – –) қўлланилиши мумкин.

Арузшунослар эътиборини тортган *хафифи мусаддаси махбуни мақтуъийи мусаббағ* ўлчовида “шеърлар жуда кам ёзилган. Йирик шоирлар ижодида матлаъси шу ўлчовда бўлган бир-икки ғазал ёки қитъа учрайди”³. “Шунингдек, ушбу вазн “Сабъаи сайёр” достонида қўлланилган шеърый ўлчовлардан биридир”⁴. Ҳабибийнинг “Асрор” ғазали қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Ўралиб бунда юрмогим ночор,

*Узилиб анда бормогим душвор*⁵.

¹ Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971. – Б. 196.

² Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 29.

³ Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарк, 1998. – Б. 181.

⁴ Yusupova D. Aruz vazni qoidaları va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019. – Б. 94.

⁵ Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 71.

Байт *хафифи мусаддаси махбуни мақтуъийи мусаббағ* (рукнлари ва тақтиъи: *фаилотун мафоилун фаълон V V – –/V–V–/– ~*) вазнини ўзида акс эттириб, а-а, б-а, в-а, г-а... тарзида қофияланган. Шеър 7 байтдан иборат. Ҳазалнинг тоқ мисраларида *хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ* (рукнлари ва тақтиъи: *фаилотун мафоилун фаълун V V – –/V–V–/– –*) ўлчови намоён бўлади.

Англашиладики, байтнинг биринчи мисраси *хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ*да бўлса, иккинчи мисраси *хафифи мусаддаси махбуни мақтуъийи мусаббағ*да ифодаланган. Вазнлар таркиби жиҳатидан бир-бирига яқин. Фақат охириги ҳижо *хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ*да фоилотун аслининг мақтуъ тармоғи *фаълун(– –)*га, *хафифи мусаддаси махбуни мақтуъийи мусаббағ*да эса фоилотун аслининг мақтуъ тармоғи *фаълон(– ~)*га тенгдир. Шу хусусияти билан ҳар икки ўлчов битта ҳазал таркибида биргаликда истифода қилиниши мумкин.

XX аср иккинчи ярми ҳазалиётида қўлланилган вазнларни Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ижоди мисолида ўрганиш асносида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Лирик жанр шеърӣ асар вазнини белгиловчи асосий омилдир. Шоир муайян вазндан фойдаланишда унинг қайси жанр учун мўлжалланаётганини назарда тутиши зарур, чунки мумтоз жанрларнинг ўз вазн доираси мавжуд.

2. Ҳазал Шарқ адабиётининг энг кўп тарқалган жанри бўлиб, XX аср иккинчи ярми шеърӣятида ҳам муваффақият билан қўлланилди. Бу давр шоирлари ҳазалнинг жанр имкониятларини янада кенгайтirdилар. Чустий, Собир Абдулла ижодида ҳазали қитъанинг бетакрор намуналари вужудга келди.

3. Бу давр шеърӣятида мумтоз адабиётимиз тарихида мавжуд бўлмаган *ғазали мувашиаҳи таърих* жанри ҳам истифода этилган. Чустий қаламига мансуб ушбу шеър Асғарали Чархийнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан ёзилган. Унда ҳазал шакли асос бўлиб хизмат қилгани ҳолда ҳар бир

мисранинг мувашшаҳ хусусиятларини ўзида жамлаганлигини ва сўнгги байтларда абжад ҳисоби асосида таърих мавжудлигини кўрамиз. Ушбу ходиса XX асрнинг иккинчи ярмига келиб ғазал жанрининг имкониятлари янада кенгайганлигини ва такомилга етганлигини кўрсатади.

4. Ушбу давр ғазаллари аруз тизимининг 11 баҳрида яратилган бўлиб, муттафиқ ул-арконнинг баҳрлари улар орасида салмоқли ўринни ташкил этади.

5. Бу давр шеъриятида муттафиқ ул-аркон баҳрларига *рамал*, *ҳазаж*, *ражжаз*, *мутақориб*, *мутадорик*, *комил* сингари баҳрлар киради. Улар орасида қўлланилиш хусусиятига кўра етакчиси *рамал* баҳридир.

6. *Рамал* баҳри вазнларида Ҳабибийнинг 293 та ғазалидан 176 таси, Собир Абдулланинг 287 та ғазалидан 143 та, Чустийнинг 621 та ғазалидан 238 таси, Эркин Воҳидовнинг 108 та ғазалидан 71 таси, Абдулла Ориповнинг 23 та ғазалидан 15 таси ёзилган. Мазкур ўлчовлар орасида барча ижодкор ғазалиётида *рамали мусаммани маҳзүф* етакчилик қилади. Ҳабибий, Собир Абдулла, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг ушбу вазнда битилган ғазаллари, асосан, ишқий мавзуда бўлса, Чустий бу ўлчовда ахлоқий-таълимий мавзудаги ғазалларини битди.

7. XX аср иккинчи ярми шеъриятида *ҳазаж* баҳрининг 11 вазни қўлланилган бўлиб, улар орасида *ҳазажи мусаммани солим* вазни қўлланилиш жиҳатидан асосий ўринда туради. Унда Ҳабибий 59 та, Собир Абдулла 34 та, Чустий 152 та, Эркин Воҳидов 30 та, Абдулла Орипов 7 та ғазал битган. Шунингдек, Собир Абдулла ижодида илк бор *ҳазажи мусаммани аштари мусаббағ* вазни қўлланилди.

8. Бу давр шоирлари аруз тизимидан фойдаланишда мумтоз ижодкорлардан таъсирланиш билан бирга туркий арузни янги вазнлар билан бойитдилар. Ҳабибий туркий (ўзбек) шеъриятида ўзидан олдинги ижодкорлар ижодида учрамайдиган *ражжази мусаддаси солим*, *мутадорики мусаммани музол*, *мутақороби мусаммани аслами мусаббағ* вазнини туркий шеъриятга олиб кирди ва уларда бетакрор ғазаллар битди.

9. Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ўз ғазаллари билан туркий аруз имкониятларини кенгайтirdилар. Бармоқ шеър тизимига хос туроқ ва сўз мутаносиблиги тамойилининг аруз тизимига олиб кирилиши арузнинг замонавий шеърятда мустаҳкам ўрнашишига замин ҳозирлади.

10. Бу давр шоирлари, хусусан, Ҳабибий рубоий вазнларидан фойдаланиш тамойилини Увайсидан сўнг туркий ғазалчиликда муваффақият билан давом эттирди. Унинг “Тўқувчи қизлар” ғазалида *ҳазажу мусаммани ахраби макфуфи солими абтар* вазни қўлланилди.

11. Араб адабиётига хос бўлган комил баҳрида ғазал битилиши Ҳабибий бадий маҳоратини кўрсатувчи омиллардандир.

12. XX аср иккинчи ярми шеърятда *мухталиф ул-аркон* баҳрларидан *музориъ, мужтасс, мунсарих, сариъ, хафиф* сингари баҳрлар ҳам қўлланилган бўлиб, улар орасида *музориъ* қўлланилиш даражасига кўра етакчи ўринда туради.

13. *Мунсарих* ва *сариъ* баҳрлари ҳам фақат Ҳабибий ғазалиётида истифода этилган бўлиб, шоир *мунсарихи матвийи мақиуф*да 2 та, *сариъи мусаддаси матвийи мақиуф*да 1 та, *сариъи мусаддаси матвийи мавқуф*да 1 та ғазал битган.

14. Ҳабибий, Собир Абдулла ижодида хафиф баҳрининг мусаддас вазнлари учрайди. Улар *хафифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф* (Собир Абдуллада 1 та), *хафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъийи мусаббағ* (Ҳабибийда 1 та) вазнлари бўлиб, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Чустий ушбу вазнларда ғазал битмаган.

II БОБ. БАЙТЛИ ШЕЪР ШАКЛЛАРИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1-§. Мустазод, қасидада вазн ва мазмун муносиблиги

Мумтоз адабиётимизда яратилган шеърларни шартли равишда байтли ва бандли шеърларга ажратиш мумкин. Байтли шеър шакллари асосини байт (арабча “уй”) ташкил қилади, бундай шеърларга ғазал, мустазод, қасида, китъа, рубоий, туюқ, фард, муаммо, луғз (чистон), таърих каби жанрлар киради¹. XX аср иккинчи ярми шеъриятида ҳам ушбу жанрларнинг аксарияти муваффақият билан қўлланилган (6-иловага қаранг). Биз ишимизнинг аввалги бобида ғазал жанри хусусиятларига тўхталиб ўтганимиз учун ушбу фаслда мустазод ва қасида жанрлари ҳақида фикр юритамиз.

Мустазод жанри туркий (ўзбек) адабиётда кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида унга шундай таъриф берилади: “Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт боғлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға рост келтурурлар эрмиш ва ани “мустазод” дерлар эрмиш”². Фикрнинг асоси сифатида куйидаги мисол келтирилади:

Эй хуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли.

Мафъувлу мафойилу мафойилу фаувлун

мазҳар санга ашё.

мафъувлу фаувлун

Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,

олам санга мавло.

Демак, мустазод “Навоий таърифидан маълум бўладикки, ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф (мафъулу мафойилу мафойилу фаувлун) вазнида ёзилиб, охирги икки рукнига мос тўла бўлмаган мисра орттирилар экан. Мана шунинг учун бу жанр бир-бири билан алоқада бўлган орттирма

¹ Ушбу жанрларнинг хусусиятлари ҳақида қаранг: Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976; Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърояти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992; Исоҳов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 71.

маъносини берувчи мустазод (зиёдалилик) деб аталади”¹. Шунингдек, назарий адабиётларда мустазоднинг келиб чиқиши, хусусиятлари, ғазалга алоқаси тўғрисида бир қанча назарий фикрлар мавжуд². Хусусан, Е.Э.Бертельс “Мустазод нисбатан камроқ учрайдиган формалардандир. Бундай шеърлар қуйидагича тузилади: ўз шаклига эга бўлган одатдаги ғазалга ҳар мисра охирида қофиядан сўнг қўш вазннинг бир ёки икки стопаси қўшилади. У янги қофияга эга бўлиб, ғазалнинг умумий қонуниятига бўйсунди. Бу ўзига хос нақоратдир”, – деб таъкидлайди³. Умуман, мустазод учун асос – замин бўлган жанр ғазалдир. Иккала жанрнинг қофияланиш тизими, байтлар сони, матлаъ ва мақтаъ, тахаллуснинг мавжудлиги бу фикрни исботлайди. Лекин ғазал аруз тизимининг барча баҳрларида яратилгани ҳолда мустазод фақат ҳазаж баҳрида ёзилади⁴.

Туркий адабиётда мустазоднинг илк намуналари Ҳофиз Хоразмий ва Гадоий ижодида учрайди⁵. Арузшунос А.Ҳожиаҳмедов ўзининг “Ўзбек арузи луғати” китобида туркий (ўзбек) шеърлятида яратилган мустазодларнинг тўртта вазнда:

1) *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод;*

2) *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мақсури мустазод;*

3) *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури маҳзуфи мустазод;*

4) *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустазодда*

яратилганини таъкидлайди ва мисоллар келтиради.

“Мустазодни, айниқса, шакл жиҳатидан такомиллаштиришда Огаҳийнинг хизмати катта. Огаҳий ўз мустазодида асосий мисрага қўшилиб келадиган ярим мисрани жуфтлаштиради:

¹ Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 110.

² Қаранг: Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976; Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019.

³ Бертельс Е. Навои и Джами. – М.: Наука, 1965. – С. 88.

⁴ Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019. – Б. 131.

⁵ Қаранг: Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – Б. 124; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019. – Б. 131.

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул

*бир ошиқи ҳайрон,
дийдоринга шайдо.*

Бир шефтадур кокули мушкининга сунбул,

*ҳам ҳоли паришон,
ҳам бошида савдо”¹.*

Д.Юсупова мустазод жанри ҳақида тўхталиб, унинг *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод* вазнида ёзилиши, лекин айрим пайтда вазн талаби билан *фаувлун* рукни *мафоийл*га ўзгариши мумкинлигини қайд этади. Биз шу нуқтаи назардан XX аср иккинчи ярми шеъриятида, хусусан, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов ижодида яратилган мустазодларни икки хил, яъни *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод* (Собир Абдулла 2 та, Чустий 1 та, Эркин Воҳидов 2 та) ҳамда *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустазод* (Ҳабибий 2 та, Собир Абдулла 1 та, Чустий 2 та) вазнларига ажратдик.

Мустазод яратишдаги дастлабки вазн *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод* бўлиб, бу ўлчовда Собир Абдулланинг “Бу мунча гўзал битмиш экан, яхши қиёфат”, “Банг” ҳамда Чустийнинг “Ёқутми? Анор донасиму?”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзимга савол”, “Кўклам мустазоди” каби мустазодлари битилган. Улар орасида Эркин Воҳидовнинг мустазодлари мумтоз жанр имкониятларини сақлаб қолгани билан диққатга сазовордир. Шоир ўз ижодида бу жанрга у қадар кўп мурожаат қилмаган бўлса-да, аммо унинг мустазодлари мазмунан бойлиги, халқона услубда битилганлиги билан бу жанр тараққиётини бойитишга ўз ҳиссасини қўшди.

Гул фасли/да соз олди/ яна аҳли/ наволар,

— — V/ V — — V/ V — — V/ V — —

куй бош/лади ёна.

— — V/ V — —

¹Жумахўжа Н. Бир суруд бор эканким... Огаҳийда // Ёшлик, 1997. – №1. – Б. 46.

*Не тонгки, гўзал бўлди жаҳон, еру самолар,
ҳар тилда тарона¹.*

Ёки:

*Умринг ўтадир, сен на хаёллар сурадирсан,
безам юрадирсан?
Мақсад не, фароғат кўйига йўл бурадирсан,
кимга жўрадирсан?²*

Мустазод аруз тизимининг ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод (рукнлари ва тактиби: мафъулу мафоийлу мафоийлу фаувлун мафъулу фаувлун — V/V — V/V — V/V — / — V/V —) вазнида ёзилган. Дикқат қилинса, унинг асосини ҳазажи мусамани ахраби макфуфи маҳзуф вазни ташкил қилганлиги кузатилади. Фарқи шундаки, мисрадан сўнг биринчи ва тўртинчи рукнлар — мафъулу ва фаувлун рукнлари орттирилган.

Собир Абдулланинг “Бу мунча гўзал битмиш экан, яхши қиёфат” деб бошланувчи мустазоди “Девон”ига киритилган бўлиб, Асакадаги боғлар, диққатга сазовор жойлар, унинг сўлим табиатига бағишланган. Мустазод кўйидаги байт билан бошланади:

*Бу мунча гўзал битмиш экан, яхши қиёфат,
— V/ V — V/ V — V/ V —
дил доғига офат,
— V/ V —*

*Тўймас унга кўз, телмура юз, бир неча соат,
энг яхши саёҳат³.*

Аслида мустазод “мисралари биринчи байтда мисра билан мисра ва орттирма қисмлар ўзаро қофияланади. Кейинги байтларнинг иккинчи мисралари матлаъдаги мисралар билан, орттирилган қисмлар эса орттирмалар билан қофияланиб боради⁴. Лекин юқорида келтирилган мустазод қофияларига бу қоидани қўллаб бўлмайди. Чунки унинг

¹ Вохидов Э. Танланган асарлар. — Т.: “SHARQ” НМАК, 2018. — Б. 299.

² Вохидов Э. Ўша асар. — Б. 405.

³ Абдулла Собир. Девон. — Т.: Бадий адабиёт, 1965. — Б. 138.

⁴ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. — Т.: O‘zbekiston, 2014. — Б. 124.

кофияланиш тизими мумтоз мустазод кофияланишидан тубдан фарқ қилади. Мустазод матлаъсидаги байт мисралари а-а-а-а тарзида кофияланган. Бундай кофияланиш адабиёт тарихида кузатилмаганлиги сабабли уни XX аср иккинчи ярми шеърятининг ўзига хос хусусиятларидан бири дейиш мумкин. Шунингдек, “Банг” мустазоди ҳам ушбу вазнда яратилган бўлиб, ҳажвий характерга эга.

Ҳар кимки, бўлур гўшанишин, такячи, банги,

— V/ V — V/ V — V/ V —

васваслиги янги.

— V/ V —

Улдир шу жаҳон одамнинг латта, лаванги,

жонсиз гаранги¹.

каби байтлар ҳам ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод (рукнлари ва тактиъи: мафъулу мафойилу мафойилу фаувлун мафъулу фаувлун — V/ V — V/ V — V/ V — / — V/ V —) вазнида ёзилган. Мустазод дастлаб Собир Абдулланинг “Гулшан” тўпламига, кейинчалик эса Я.Қурбон, М.Абдурахмонова, Р.Абдуллаевалар томонидан сараланган тўрт жилдлик “Асарлар”нинг иккинчи жилдига киритилган.

Чустийнинг ёр жамоли васфига бағишланган “Ёқутми? Анор донасиму?” матлаъли мустазоди ҳам ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод (рукнлари ва тактиъи: мафъулу мафойилу мафойилу фаувлун мафъулу фаувлун — V/ V — V/ V — V/ V — / — V/ V —) вазнига хос. У мумтоз мустазодлардан аааа, бббб, вввв... тарзида кофияланиши билан ўзгачадир.

Инсон кўзининг кўзгуси эй қалби мусаффо,

— V/ V — V/ V — V/ V —

ҳуснингга тасанно!

— V/ V —

¹Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б 79.

*Ошиқлар ўтиб кўрмади ҳаттоки бу дунё,
бир сен каби барно!¹*

Навбатдаги вазн ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустазод бўлиб, унда Ҳабибий 2 та, Собир Абдулла 1 та, Чустий 3 та мустазод яратган. Жумладан, “Ҳабибийнинг “Мустазод”, “Яна мустазод...” шеърлари поэтикаси мураккаб давр лирик қаҳрамонининг ўйларини очиб беришга лойиқдир². Шоир

*Озод Ватаним бўлди оқ олтин била донгдор,
-- V/ V -- V/ V -- V/ V -- ~
ҳурматга сазовор,
-- V/ V -- ~*

*Ҳар ишда маҳоратли, дадил, сергаку тайёр,
жангларда зафардор³.*

Ёки:

*Жоно, караминг бирла шарафли назаринг бор,
-- V/ V -- V/ V -- V/ V -- ~
мендан хабаринг бор,
-- V/ V -- ~*

*Кўйингда неча волау шайдо башаринг бор,
кўп гамзаларинг бор⁴*

матлаъли мустазодларини яратишда аруз тизимининг ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустазод (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафойилу мафойилу мафойил мафъулу мафойил -- V/V -- V/V -- V/V -- ~ / -- V/V -- ~) вазнига мурожаат қилган. Мазкур вазн юқоридаги ўлчовдан асосий ва орттирма мисра охиридаги ҳижоларнинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Ҳабибий ғазалиётдан келтирилган иккала намунанинг асоси ғазал бўлиб, ҳар бир мисрасидан кейин асосий қофияга қофияланувчи ярим мисра орттирилган. Юқоридаги байтдаги *ҳурматга сазовор, жангларда*

¹Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 332.

²Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 188.

³Ҳабибий. Девон. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 99.

⁴Ҳабибий. Юқоридаги асар. – Б. 97.

зафардор, мендан хабаринг бор, кўп замзаларинг бор орттирмаларининг биринчи тўлиқ мисраларидаги рукни – мафъулу (– – V)га, иккинчиси эса тўлиқ мисраларнинг охириги рукни – мафойил (V – ~)га тенг.

Собир Абдулла девонида мустазоднинг бошқача хиллари ҳам мавжуд. Унинг “Сен бор – бу ҳаёт фахрланур сен ила эл шод” деб бошланувчи шеъри мумтоз мустазод қоидалари асосига қурилмаган. Мазкур мустазодда тўлиқ мисра биринчи ва тўртинчи қаторларда келса, ярим мисралар эса иккинчи ва учинчи қаторларда учрайди. Мустазоднинг бу кўринишда яратилиши ўзбек мумтоз адабиёти учун янгилик ҳисобланади. Шеър қуйидагича бошланади:

*Сен бор – бу ҳаёт фахрланур сен ила эл шод,
эл бахтлигу озод,
юрт тинч ҳам обод.*

Ўргатдинг ўзинг бизга яшашни, улуғ устод¹.

Келтирилган мустазод тартибининг анъанавий мустазоддан фарқланиши кузатилади. Қофияланиши XX аср иккинчи ярмида ёзилган мустазодларга хос (а-а-а-а тарзида) бўлиб, *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустазод* (рукнлари ва тақтиби: *мафъулу мафойилу мафойилу мафойил мафъулу мафойил* – – V/ V – – V/ V – – V/ V – ~ / – – V/ V – ~) вазнида ёзилган. Бу каби қофияланишни биз Чархий мустазодларида ҳам кузатамиз².

Эътибор қилинса, юқоридаги барча мустазодларда муаллифлар акс эттирмоқчи бўлган ғоя ва мазмун енгил ва ўйноқи оҳангларда тараннумини кўрамиз. Натижада, кўклам шукуҳи, ёр гўзаллиги, Ватан тараннуми билан боғлиқ тасвирлар китобхонда мустазод оҳангига мос равишда шўхчан туйғуларини уйғотади.

XX аср иккинчи ярми шеъриятидаги ўзига хосликлардан яна бири мухаммас-мустазодларнинг яратилганлигидир. Р.Орзибеков тожик олимлари мухаммаснинг бу турини “*Мухаммаси мустазод*” номи билан аташини ва

¹Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 49.

²Бу ҳақда қаранг: Чархий. Қиёлаб ўтди: шеърлар. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б. 27.

унинг илк намуналари машхур шоир ва адиб Сайидо Насафий (XVII асрнинг охири ва XVIII аср боши) шеърятда учрашни таъкидлайди¹. Қуйида Сайидо Насафийнинг мухаммаси мустазодидан парча келтирамиз:

Имрӯз ба олам набувад аҳли вафоро

гайр аз ту паноҳе,

Гиранд барои ту шабу рӯз дуаро

аз ҳар сари роҳе.

То чанд ба зулфи ту бигӯёем нигоро

бо нолаву оҳе,

Эй рехта савдои ту хуни дилморо

бе ҳеч гуноҳе.

Бинвоз даме куштаи шамшери чафоро,

боре ба нигоҳе².

Ё.Исҳоқов Табибий Навоий мустазодига тахмис боғлаганлиги ҳақида маълумот беради ва биринчи бандини мисол сифатида келтиради. Бунда Табибий мисралари қуйидагича:

Токи – май ишқ ичра манга жавру жафодур,

маъдумдур идрок,

Кўнглимда баса, меҳнат ила ранжу анодур,

жисмим бўлубон хок.

Ишқида бори аҳли жаҳон зору гадодур,

ҳам кўзлари намнок.

Навоий:

Дин офати бир музбачаи моҳлиқодур,

майхораву бебок

Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,

сармастү ёқам чок.

¹ Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976. – Б. 89.

² Орзибеков Р. Юқоридаги асар. – Б. 89.

Бу борада “Табибий (XIX–XX) мустазодни мухаммас жанрига татбик этиб, ўзига хос янгилик яратган”¹. XX аср иккинчи ярми шеърлятида эса Чустий илк бор “Хуснингдан ўпар ёз” мустазодини мухаммасга жорий қилиб, буни анъанага айлантди. Чустий мустазодининг Насафий ва Табибий мустазодларидан фарқи шундаки, у ғазал сингари қофияланмай, балки ҳар сатри ўзаро қофияланган мисралардан иборат. Натижада, ҳар бир банднинг ўзида ўнта қофиядош сўз вужудга келган:

Юр, келди қалам гулшани дўстингга зафар ёз,

душманга хатар ёз!

Дунё гулининг яфрозига нури саҳар ёз,

хоинга шарар ёз!

Боғларда дарахт шохларига дурри-гуҳар ёз,

лаззатли самар ёз!

Олам қулогин саҳфасига тотли хабар ёз,

осмонга қадар ёз!

Ижод қутисин оч элинга шаҳдушакар ёз,

*золимга заҳар ёз!*²

Шеърда “ёз” сўзининг радиф бўлиб келиши ва қофия сингари ҳар бир мисрада такрорланиши мустазоднинг муסיқийлигини оширган. Лирик қаҳрамон “Юр, келди қалам гулшани дўстингга зафар ёз” дейиш орқали дўстларни ғалабага чорлаб, “душманга хатар ёз”ишга даъват этади. Кейинги мисраларда “Боғларда дарахт шохларига дурри-гуҳар ёз” дея ёз фаслига “лаззатли самар ёз” шаклида мурожаат қилади. Навбатдаги қаторларда “олам қулогига” тотли хабар, “элинга шаҳду шакар ёз”, золимларга “заҳар ёз” дер экан, шеърдаги тантанавор оҳанг юксак пафос билан бирлашиб, унинг бадиий жозибаси ортишига сабаб бўлган. Бу каби мустазодларни биз Чархийнинг “Қиёлаб ўтди” китобида ҳам кузатамиз³.

¹Исҳоков Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: О‘zbekiston, 2014. – Б. 125.

²Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 322.

³Чархий. Қиёлаб ўтди. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б. 157.

XX аср иккинчи ярми шеърлятида истифода этилган байтли шеърлардан яна бири қасидадир. Қасида арабча “қасд” сўзидан олинган бўлиб, *мақсад*, *ният*, *интилиш* маъноларини билдиради. Бу шеърлий жанрга мансуб асарлар кўпинча муҳим тарихий воқеалар, тарихий шахслар, шохлар мадҳига бағишланган бўлиб, худди ода каби тантановар услубда юзага келган¹. Қасиданинг кўпинча тахаллуссиз, ғазалга хос қофия тартибида эканлиги кўринади. Ушбу жанр ҳажм жиҳатидан чегараланмаган. “Унда байтлар сони 12 тадан кам бўлмаслиги керак. Охирги чегараси неча байт бўлиши ҳақида классик адабиётимизда ҳам, ҳозирги замон адабиётшунослигида ҳам барқарор фикр айтилган эмас”². Қасидалар мавзусига кўра васф, мадх, ҳажв, марсия, муножот ва фалсафий қасидаларга бўлинади. Туркий адабиётдаги илк қасида “Девону луғотит-турк”да “кўнуғ” шаклида учрайди³.

Туркий аруз имкониятларини ғазал жанри орқали бойитган Эркин Воҳидов қасидалар яратишда ҳам мумтоз анъаналарга ижодий ёндашди. Унинг Аллоҳ яратган бутун махлуқот орасида энг шариф яратилган бўлган инсонга бағишланган “Инсон”, ўз даврининг миллий мадҳияси даражасига кўтарилган “Ўзбегим” қасидалари ушбу жанрнинг бетакрор намуналаридир. Мазкур қасидалар аруз тизимининг туркона вазни бўлмиш *рамали мусаммани маҳзуф* (руқнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун –V – –/–V – –/–V – –/–V –*) ўлчовида яратилиши билан янада миллийлик касб этган (7-иловага қаранг).

Тарихингдир минг асрлар

Ичра пинҳон, ўзбегим,

Сенга тенгдош Помиру

*Оқсоч Тиёншон, ўзбегим...*⁴

¹Умурув Х. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: 2004. – Б. 88.

²Носиров О. Ва бошқ. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 129.

³Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Т.: TAMADDUN, 2016. – Б. 62.

⁴Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б. 151.

Қасида учун танланган радиф (ўзбегим) бевосита унинг вазнини ҳам белгилаб берган деб айтиш мумкин. Чўзиқ, қисқа ва чўзиқ ҳижолардан иборат бўлган ушбу сўз мисранинг охирида келиб, унинг “*фошун*” тармоқ рукни, бинобарин, маҳзуф билан яқунланишини тақозо қилган, натижада, қасиданинг *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида ёзилишини таъминлаган.

Эркин Воҳидов ушбу қасидада ўзбекнинг “минг асрлар ичра пинҳон” тарихини кўхна Самарқандда сақланиб қолган Афросиёб ёдгорлигидан, Мўғулистон ва Сибирдаги Ўрхун ҳамда Энасой дарёлари қирғоқларидан топилган қадимги туркий тошбитиклардан излаш лозимлигини айтади. Қасида давомида ўтмишимизнинг яна бошқа ибратли саҳифалари варақланар экан, шоир она халқ тарихини мукамал талқин этмоққа ожиз эканига камтарлик ила ишора қилади:

Тарихинг битмакка, халқим,

Мингта Фирдавсий керак,

Чунки бир бор чеккан оҳинг

Мингта достон, ўзбегим.

Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини халқимиз шаъни ва шавкатига бадий сўздан тикланган мухташам обида деб баҳоласак, асло муболаға бўлмайди.

Шоирнинг деярли ҳар бир шеърида фалсафа, “теша тегмаган” фикрлар бор. Бу жиҳатидан “Инсон” қасидаси алоҳида ажралиб туради. Қасидада фариштадек пок ва иблисдек ёвуз, тоғ каби буюк ва қум зарраси каби майда, чоҳ каби тубан, донишманддек оқил ва телбадек нодон мавжудот – инсон олами шу қадар дард билан ифодаланган.

Собиту сайёрада

Инсон ўзинг, инсон ўзинг,

Мулки олам ичра бир

Хоқон ўзинг, султон ўзинг¹.

¹ Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “SHARQ” НМАК, 2018. – Б. 392.

Шоирнинг “Қўллар” қасидаси ҳам мавжуд. Шеър *ҳазажи мусаммани солим* (рукнлари ва тақтиъи: *мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун* V – – – /V – – – /V – – – /V – – –) вазнида яратилиб, мавзусига кўра қасиданавислик тарихида янги ҳодиса ҳисобланади. Ушбу қасида учун танланган “бу қўллардир, бу қўллардир” радифи ҳам унинг ҳазаждан бошқа ўлчовда ёзила олмаслигини кўрсатади.

Танигда камтарин аъзо

Бу қўллардир, бу қўллардир,

Мудом меҳнат учун пайдо

*Бу қўллардир, бу қўллардир*¹.

Кузатишларимиз асносида Ҳабибий ижодида ҳам 2 та қасида мавжудлиги аниқланди (7-иловага қаранг). Уларнинг биринчиси

Кўшилгай/ букун з авқ/ ила ик/ки ёр,

V – – / V – – / V – – / V ~

*Иковдан муҳаббат бўлиб ошкор*²

V – – / V – – / V – – / V ~

байти билан бошланиб, *мутақориби мусаммани мақсур* (рукнлари ва тақтиъси: *фаувлун фаувлун фаувлун фаувл* V – – V – – V – – V ~) вазнида ёзилган. Матлаънинг иккинчи мисрасидаги “икковдан” сўзини вазн талаби билан таслимга³ учраган ва натижада бу сўзни “икковдан” тарзида кўлладик. Асл матнда эса “*икковдан*” сингари ифодаланган. Мазкур ўлчовда арузшунос олимларимизнинг тадқиқотларига кўра, ўзбек адабиётида дастлаб Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони, кейинчалик эса Алишер Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги 61, 112 ғазаллари яратилган. Ҳабибийнинг иккинчи қасидаси эса

Эй шонли,/ шарафли қаҳрамонлар,

– – V/ V – V – / V – –

¹Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “SHARQ” НМАК, 2018. – Б. 397.

²Ҳабибий. Танланган асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – Б. 44.

³Изоҳ: таслим “емирмак” маъносини ифодаловчи аруз атамаси бўлиб, сўзларни вазнга мослаш учун уларнинг ўзак-негизларидаги бирон харфни тушириш усулини ифодалайди.

*Ҳурматли Ватанга меҳрибонлар*¹

– – V/ V – V –/ V – –

байти билан бошланиб, *ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзүф* (рукнлари ва тақтиъси: *мафъувлу мафоилун фаувлун – – V/V – V –/ V – –*) ўлчовида битилган. Шоирнинг ҳар иккала қасидаси ўз даври учун долзарб мавзуларга бағишланган.

Устозларидан ижоднинг талай сирларини ўрганган Собир Абдулла қасидалар яратишда ҳам уларга бевосита эргашди. Унинг “Девон”ига кирган “Тошкент қасидаси” ҳажман 34 байтдан иборат. Тузилишига кўра қасидаи мужаррада (чала қасида), мавзусига кўра эса мадҳ қасидадир. Шеър қуйидаги байт билан бошланади:

Қадимий но/ми Шош – Тошкент,

V – – – / V – – ~

*Бўлибсен қай/та ёш Тошкент*².

V – – – / V – – ~

Гўзал ва мафтункор маъво беқиёсликлари улуғланган сатрларга шоирнинг пойтахт шаҳарга чексиз муҳаббати жо бўлгани сезилади: “*Шарқда маёғимсен: Ҳақиқат! Сен қуёш – Тошкент*”. Келтирилган байт ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мураббаъи мусаббаъ* (рукнлари ва тақтиъи: *мафойилун мафойилон V – – –/V – – ~*)да бўлиб, жуфт мисралари а-а, тоқ мисралари а-б тарзида қофияланган.

Собир Абдулланинг иккинчи “Қуёш” қасидаси тўрт жилдлик Асарлар тўпламидан ўрин олган бўлиб, аруз тизимининг *музориъи мусаммани ахраб* вазнида ёзилган. Ушбу қасида қуёшнинг мадҳига бағишланади (7-иловага қаранг). Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, қасиданинг ҳажми мумтоз қасидаларга мос эмас. Чунки шеър ҳажман 10 байт, 20 мисрани ташкил қилади.

¹Ҳабибий. Танланган асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – Б. 47.

²Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 272.

Чустий ижодида ҳам “Наврўз”, “Норин”, “Юрак” қасидалари мавжуд. Шоирнинг “Юрак” қасидаси мухаммас шаклида яратилган (7-иловага каранг). Олимларимизниг қайд этишларича, мумтоз адабиётимизда туркий тилда ёзилган қасиданинг бу шакли кузатилмаган¹. Қасида ҳажман 10 банд, 50 мисрани ташкил қилади:

Бир юрак бордирки, мустаҳкам пўлат қўрғони бор,

Унда сақланган хазина бебаҳо виждони бор,

Ақлу ҳуш отлиқ салобатлиқ неча посбони бор,

Найзалар тешимас, ўқ ўтмас, ишқдан қалқони бор,

Унга васлин ваъда қилган меҳрибон жонони бор²

сингари банд *рамали мусаммани мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилон* –V – –/–V – –/–V – –/–V ~) вазнида ёзилган бўлиб, а-а-а-а-а, б-б-б-б-а... тарзида қофияланган. Қасиданинг қофияланмайдиган мисралари эса *рамали мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун* –V – –/–V – –/–V – –/–V –) ўлчовидадир. Шеърда Чустий юракда “мустаҳкам пўлат қўрғони, бебаҳо виждони, салобатлиқ неча посбони, ишқдан қалқони, меҳрибон жони бор”лигини таъкидлайди.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, XX аср иккинчи ярми шеърлятида Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов мустазод ва қасида жанрининг бетакрор намуналарини яратдилар. Собир Абдулла ўзбек адабиётига мустазоднинг ноанъанавий турларини олиб кирди. Унинг мустазодида тўлиқ мисра биринчи ва тўртинчи, ярим мисралар эса иккинчи ва учинчи қаторларда келади. Чустий туркий адабиётда Аҳмад Табибий анъаналарини давом эттириб, ўзбек адабиётда мустазодни мухаммасга жорий қилиб, мухаммаси мустазод яратди. Шаклдаги бу ўзгаришларга қарамай, бу давр мустазодида мумтоз мустазодга хос анъанавий шеърлий

¹Қаранг: Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976; Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992; D.Yusupova. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019.

²Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 290.

ўлчов сақланиб қолди. Бу давр қасидалари асосан мураддаф бўлиб, уларда истифода этилган вазнлар аксарият ҳолларда танланган радифлар билан уйғунлик касб этган.

2.2-§. Кичик лирик жанрларнинг вазн хусусиятлари

Байтли шеърлар орасида ғазал, мустазод ва қасидалар билан бир қаторда кичик лирик жанрларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ўзбек адабиётида кичик лирик жанрларга рубоий, туюк, китъа, фард, муаммо, луғз (чистон), таърихларни киритиш мумкин. Ушбу жанрларнинг барчаси XX аср иккинчи ярми шеъриятида у ёки бу шаклда давом этди.

Рубоий мумтоз адабиётимизда кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, байтли шеърлар сирасига киради. Рубоий ҳақидаги дастлабки маълумотни мумтоз манбалардан, хусусан, Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи” (“Мухтасар”) асарларидан олиш мумкин. Эътиборлиси, бу асарларда рубоийга берилган таърифлар бир-биридан фарқланади. Жумладан, “Фунун ул-балоға” асарида Шайх Аҳмад Тарозий рубоий ҳақида гапириб, унинг тўрт мисра бўлишини, аввалги, иккинчи ва тўртинчи мисралари ўзаро қофияланишини, учинчи мисраси ихтиёрий бўлишини таъкидлар экан, учинчи мисрада “қофия келтурсалар”, уни “рубоийи мусарраъ¹”, – деб номланишини айтади². Намуна сифатида олим туркий тилда ёзилган икки рубоийни келтиради. Мазкур рубоийлар анъанавий ҳазаж баҳри вазнларида бўлмасдан, *рамали мусаддаси маҳзуф* вазнидадир. Бу эса ўша даврларда, яъни рубоий шаклланаётган пайтда унинг вазни эркин бўлганлигини ёки баъзан туркий шоирлар рубоийни *рамалда* ҳам ёзганлигини англатади. “Бу ҳолат Навоийгача туркий шеъриятда рубоийнинг қатъий вазнда бўлиши талаб қилинмаганлигини кўрсатади”³.

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида “Рубоий вазниким, ани “ду байтий” ва “тарона” ҳам дерлар, ҳазаж баҳриниинг “ахрам” ва “ахраб”идин

¹Изоҳ: сара ёки таронаи рубоий.

² Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул-балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Т.: Хазиана, 1996. – Б. 124.

³ Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 133.

истихрож қилибдурлар ва ул вазнедур асру хуш оянда ва назмедур бағоят рабоянда”¹, – деб ёзади. Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам “Аруз рисоласи” (“Мухтасар”) асарида Алишер Навоий фикрларини давом эттириб, рубоий ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шажараси вазнларида ёзилишини таъкидлайди. Кейинги давр назарий китобларида ҳам рубоийнинг Алишер Навоий ва Захириддин Бобур таъкидлаганларидек, ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шажараси вазнларида ёзилишини айтиш анъанага айланган².

XX аср иккинчи ярмида Европадан кириб келган лирик жанрларда ижод қилиш билан бир қаторда мумтоз адабиёт жанрлари, хусусан, рубоий, туюқ ва бошқа жанрларда ижод қилиш ҳам давом этди. Биз айнан шу тамойилни Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов ижодида ҳам учратамиз. Уларнинг рубоийлари ҳам мумтоз адабиёт анъаналарини, ҳам замонавий тўртликларни ўзида мужассам қилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шундан келиб чиқиб, биз бу даврда яратилган рубоийларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик:

- 1) анъанавий (мумтоз) рубоийлар;
- 2) дубайтийлар;
- 3) тўртликлар.

Даставвал биринчи гуруҳга мансуб рубоийларни кўриб чиқамиз. Анъанавий (мумтоз) рубоийларга биз мумтоз рубоий анъаналарига хос бўлган вазнлар, яъни ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шажараси ўлчовларида ёзилган шеърларни киритдик. Кузатишларимиздан маълум бўлдики, бундай рубоийлар фақат Собир Абдулла ижодида учрар экан. Шоир шеъриятида ахраб шажараси ўлчовларида 5 та рубоий бўлиб, улар шоирнинг тўрт жилдлик “Асарлар”ига киритилган³. Собир Абдулланинг ушбу рубоийлари,

¹Навоий А. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 49.

²Қаранг: Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Т.: Фан, 1981. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976; Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърини жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019.

³Собир Абдулланинг “Девон”ида 1-гуруҳга мансуб рубоийлар учрамагани учун биз қуйидаги нашрга мурожаат қилдик. Қаранг: Собир Абдулла. Асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 175-б.

асосан, дўстлик, вафо, ижод машаққати билан боғлиқ мавзулардир. Жумладан, “Ул дўстки мени соғинару ёд айлар” рубоийсида дўстларнинг бир-бирини соғинганда йўқлаши, “Гоҳи келиб шод айлаши”, баъзан эса фақат манфаат юзасидан ҳамроҳ бўлиши айтилади:

Ул дўстки,/ мени соғи/нару ёд ай/лар,

– – V / V – – V / V – —/ –

Соғинти/рару гоҳи/ келиб шод ай/лар.

– – V / V – – V / V – —/ –

Ул баъзи/сининг дўстли/гидан ваҳмим/ кўп,

– – V / V – – V / V – – / ~

Гар тегма/са наф менда/н + анга, дод ай/лар¹.

– – V / V – – V / V – – / –

Келтирилган ушбу шеър рубоийи хасий (эркин рубоий) бўлиб, унинг 1-, 2-, 4-мисралари ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар* (рукнлари ва тақтиъи: *мафъулу мафойилу мафойилун фаъ —V/ V – – V / V – – —/ –*), 3-мисраси эса *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл* (рукнлари ва тақтиъи: *мафъулу мафойилу мафойилун фохъ —V/ V – – V / V – – —/ ~*) вазнида яратилган. Анъанавий мумтоз рубоийга хос а-а-б-а тарзида қофияланган. 4-мисрасида вазн талаби билан васл ҳодисаси юзага келган. Мисрадаги 3-рукнда қўлланилган “мендан” сўзидаги “н” ундоши ундан кейин турган “а” ҳижосига уланиб, “на” тарзида ўқилиши лозим. Шунингдек, рубоийнинг 1- ва 3-мисраларида “дўст” сўзи чўзиқ ҳижо (–) тарзида келганлигининг гувоҳи бўлдиқ. Аслида, аввалги фаслларда ҳам таъкидлаганимиздек, мумтоз аруз қонуниятларига кўра, “дўст” сўзи ўта чўзиқ (– V) ҳижоли сўз ҳисобланади. Лекин XX аср иккинчи ярмидан бошлаб шоирларимиз аруздан фойдаланган пайтларида ўта чўзиқ ҳижоларни баъзан ўз ўрнида, яъни мумтоз аруз талаби асосида, баъзан эса оддий чўзиқ ҳижо тарзида қўллаганлар. Бу каби ҳолатлар XX аср иккинчи ярми шеърятини учун

¹Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 175.

хос бўлиб, бошқа шоирларда ҳам кузатилади. Собир Абдулланинг дўст мавзусидаги яна бир рубоийси: “Ул дўст дема тўғри сўзинг ёқмаса гар” деб бошланувчи рубоийсида эса “дўст” сўзи ўта чўзиқ ҳижо тарзида қўлланилган. Мазкур рубоий қуйидаги мисралардан иборат:

Ул дўст/ дема тўғри/ сўзинг ёқма/са гар,

– –V/ V – – V / V – – V/ V –

Текканда/“амал” сўнгра/кулиб боқма/са гар,

– –V/ V – – V / V – – V/ V –

Ўт баҳри/дану иста/ма-ю қоқма/ эшик,

– –V/ V – – V / V – – V/ V –

Йўқлаб се/ни гоҳ-гоҳи/ эшик қоқма/са гар.¹

– –V/ V – – V / V – – V/ V –

Ушбу шеър ҳам рубоийи хасий (эркин рубоий) бўлиб, *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб* (рукнлари ва тақтиби: *мафъулу мафойилу мафойилу фаал – – V/ V – – V / V – – V/ V –*) вазнида яратилган. Анъанавий а-а-б-а тарзда қофияланган. Рубоийнинг илк мисрасидаги “дўст” сўзи энди ўта чўзиқ ҳижо тарзида қўлланилганлиги учун вазнда ҳам ўзгариш кузатилади. Биринчи рубоийда “дўст” сўзи қўлланган мисра *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтарда* бўлса, ушбу рубоийнинг барча мисралари *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб*дир. Шоир “Ул дўст дема тўғри сўзинг ёқмаса гар” рубоийсида ҳам ҳақиқий дўст тўғри сўзни қабул қилиши, амал текканда ўзгармаслиги кераклиги, бир-бирини йўқлаб туриш дўстликнинг энг асосий қоидаларидан бири эканлигини таъкидлайди.

Таснифимиздаги 2-гурух, яъни дубайтийларга *ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаддаси маҳзуф* ва *ҳазажи мусаддаси мақсур* ўлчовларида ёзилган шеърларни киритдик. Шу ўринда дубайтий ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Маълумки, “рубоийга ўхшаб дубайтийнинг ҳам ўз поэтик қонуниятлари, ҳаёт

¹Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 175.

ва фаолият йўли, тил ва услуб хусусиятлари бор”¹. Адабиётшунос И.Ҳаққул ўзининг “Ўзбек адабиётида рубоий” китобида дубайтийнинг асосий вазни *ҳазажи мусаддаси мақсур* ёки *маҳзуф*га мос тушишини айтади. Демак, “Дубайтий – икки байт (тўрт мисра)дан иборат, лекин рубоий вазнига (ҳазажнинг аҳраб ва ахрамига) тушмайдиган тўртлик”². Кузатишларимиздан аниқ бўлдики, Собир Абдулла ижодида 15 та, Чустийда 2 та дубайтий мавжуд экан. Собир Абдулланинг “*Дўстни арзон сотувчи баъзи ҳофиз ҳақида*” дубайтийси қуйидагича:

Деди: - Дўстим, қилай тўйинг/да хизмат!

V – – –/ V – – – / V – –

Қачон тўй қилдим: у бўлди шу кун “банд”.

V – – –/ V – – – / V – ~

Уни арзийди қилсам қанча ҳурмат,

V – – –/ V – – – / V – –

*Бироқ, пул бермасанг, бўлмайди хурсанд*³.

V – – –/ V – – – / V – ~

Дубайтийнинг 1–3-мисралари *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *мафойилун мафойилун фаувлун* V – – –/V – – –/V – –), 2-, 4-мисралари эса *ҳазажи мусаддаси мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: *мафойилун мафойилун мафойил V – – –/V – – –/V – ~*) вазнида ёзилган, *а-б-а-б* тарзида қофияланган. Шунингдек, Чустий ижодида ҳам дубайтийлар учрайди. Унинг “Кўнгил тилаги” девонига 2 та дубайтий киритилган. Қуйида уларнинг бирини келтирамиз:

Сўзимнинг шоҳидидур ақли виждон,

Тириклар бор, улар гўёки бежон.

Ўликлар бор, тириклардан тирикроқ,

*Бу хил одамни тарих дер чин инсон*⁴.

¹ Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Т.: Фан, 1981. – Б. 9.

² Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – Б. 37.

³ Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 151.

⁴ Чустий. Кўнгил тилаги. – Т.: Фан, 1994. – Б. 225.

Мазкур дубайтий ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаддаси мақсур* вазнида ёзилиб, Шайх Аҳмад Тарозий эътироф этганидек, *а-а-а-а* тарзида қофияланган. Келтирилган ҳар иккала шеър ҳам мумтоз дубайтий коидаларига мос ёзилган. Демак, XX аср иккинчи ярми шеъриятида ҳам дубайтий ёзиш анъанаси муайян тарзда давом этган эканлиги кўринади.

Тўртликлар деб номланган 3-гуруҳ *рамал*, *ҳазаж* баҳрларида яратилган шеърларни ўз ичига олади. Бундай шеърлар Эркин Воҳидов (2 та), Собир Абдулла (2 та), Чустий (11 та) ижодида мавжуд. Тўртлик яратишдаги XX аср иккинчи ярми шеъриятида дастлабки вазн *рамали мусаммани маҳзуф* бўлиб, унда Эркин Воҳидовнинг 1 та, Чустийнинг 4 та шеъри яратилган.

Эркин Воҳидовнинг тўртлиги “Ёшлик девони”га киритилган бўлиб, *рамали мусаммани маҳзуф*да ёзилган. Шоир тўртликда такрир, тазод санъатларидан моҳирона фойдаланиб, вазн имкониятларини янада кенгайтирган. Шеър учун танланган *тер*, *дер*, *шеър* қофиядош сўзлари эса тўртликдаги мусиқийликни оширган.

Қатра – шабнам, қатра – кўз ёш, Қатра – қону қатра – тер,

Қатра шабнамдек бу шеърим – кўрган эл ҳам қатра дер,

Манглайимдан қатра теру, кўзларимдан қатра ёш,

Ҳам юракдан қатра қон – тўқдим-да, ёздим қатра шеър¹.

Чустий тўртликларининг учтаси “Садоқат гуллари”га, биттаси эса “Кўнгил тилаги” девонига киритилган.

Икки нафсингдан бири золиб, бири мағлуброқ,

Иккисин тийсанг агар бўлгайсан оқил раҳнамо.

Иккисин мағлуби бўлсанг умр мулкида бироқ,

Дунёда турли балоларга бўлурсан мубтало²,

тўртлигининг биринчи ва учинчи мисралари *рамали мусаммани мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилон – V – –/–V – – /–V – –/–V ~*) вазнида бўлса, иккинчи ва тўртинчи мисралари *рамали*

¹Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б.140.

²Чустий. Кўнгил тилаги. – Т.: Фан, 1994. – Б. 332.

мусаммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун – V – –/–V – –/–V – –/–V –*)да ёзилган, *а-б-а-б* тарзида қофияланган. Ушбу тўртлик инсон ўзидаги икки нафси тийиб оқил раҳнамо, ё аксинча уларга мағлуб бўлиб, турли балоларга мубтало бўлиши мумкинлиги ҳақидадир.

Тўртлик учун асос бўлган навбатдаги вазн *рамали мусаддаси маҳзуф* (*мақсур*) бўлиб, мазкур ўлчовда Собир Абдулла 2 та, Чустий 4 та шеър яратган. Шу ўринда Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асаридаги туркий тилда яратилган бир шеърни мисол сифатида келтирамиз:

*Эй малоҳат мулкида соҳибқирон,
Кўзларингдур фитнаи охир замон.
Гар пари эмассен, эй гул, юзи хур,
Не учун кўздин учарсен ҳар замон¹.*

Шайх Аҳмад Тарозий мазкур шеърни келтириб, қофияси ҳақида “агар учинчи мисрада қофия келтурмасалар рубоийи хасий” бўлишини таъкидлайди. Бу ўринда шоир “рубоийи хасий”нинг вазни ҳақида тўхталмайди. “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган туркий тилдаги шеър *рамали мусаддаси мақсур* вазнида ёзилганлиги аниқлаштирилди. Таъкидлаганимиздек, XX аср иккинчи ярми, хусусан, Собир Абдулла, Чустий ижодида ҳам мазкур вазнда ёзилган шеърлар бор. Жумладан, Собир Абдулланинг “Мағрурлик таърифида” тўртлиги куйидагича:

*Баъзи мағрурлар кўзу қош ўйнатур,
Ўзни донишиманд олиб, бош ўйнатур.
Телбага “сен телбасан” деб кўрмаким,
Ори келмоқдан сенга тош ўйнатур²*

сингари тўртлик рамал баҳрининг *рамали мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун –V – –/–V – –/–V – –/–V –*) вазнида ёзилган бўлиб, қофия тизими худди Шайх Аҳмад Тарозий кўрсатганидек, *а-*

¹Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул-балоға. Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов. – Т.: Ҳазина, 1996. – Б. 124.

²Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 1-том. – Т.: Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 333.

а-б-а тарзидадир. Шу ўринда мазкур вазнда яратилган Чустий ижодидан ҳам панд-насихат мавзусидаги бир шеърни келтирамиз:

Эй ўғил-қиз, кел эшит, бу сенга панд,

Нафс занжирига қилма ўзни банд.

Эл аро бўл камтарин, бўл камтарин,

Камтаринга дер малак ҳам офарин¹.

Келтирилган тўртликнинг 1-, 2- мисраси *рамали мусаддаси мақсур*, 3-, 4-мисраси эса *рамали мусаддаси маҳзуф* вазнида эканлигининг гувоҳи бўламиз. Гўё “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган шеър вазни билан бир хил. Лекин Чустийнинг тўртлигида қофия тизими *а-а-б-б* тарзидадир. Зеро, Шайх Аҳмад Тарозий “рубойи хасий”нинг қофияси ҳақида қатъий қоида айтади. Собир Абдулланинг мазкур вазнда яратилган тўртлиги эса бу қоидага мос, Чустийники эса мос келмайди. Шунинг учун Собир Абдулла шеърини шартли “рубойи хасий”, Чустийникини эса тўртлик деб аташ мумкин. Собир Абдулланинг шу вазнда яратилган “Баъзи “тўйма-тўй юрувчи раққосалар” таърифида шеъри “рубойи хасий”, Чустийники эса юқорида келтирилган шеъри билан бир хил.

Шунингдек, Чустий, Эркин Воҳидов ижодида *ҳазажи мусаммани солим* вазнида яратилган тўртликлар ҳам учрайди². Эркин Воҳидовнинг тўртлиги ўзбек адабиётидаги тавзиъ (аллитерация) санъатининг гўзал намунаси дир.

Қаро қошинг, қалам қошинг, қийиқ қайрилма қошинг, қиз,

Қилур қатлимга қасд, қайраб – қилич қотил қарошинг, қиз.

Қафасда қалб қушин қийнаб қанот қоқмоққа қўймайсан,

Қараб қўйгил қиёким, қалбни қиздирсин қуёшинг қиз³.

Байтлардаги сўзларда “қ” товуши бир неча бор (жами 34 марта) ишлатилиши билан матнда тавзиъ санъатини ҳосил қилган. Гўё мазкур ундош (оҳангдош) товушлар байтдаги сўзларга улашиб чиқилгандек тасаввур

¹Чустий. Садокат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 333.

²Қаранг: Чустий. Садокат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 332–333.

³Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б.139.

пайдо қилади. Тўртликка асос бўлган вазн эса унинг ритмик оҳангдорлигини оширган. Тўртлик а-а-б-а шаклида мумтоз рубоийларга хос қофияланган.

Кузатишларимиз асносида Ҳабибий ижодида ҳам бармоқ вазнида яратилган рубоийлар мавжудлиги маълум бўлди¹. XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётида “рубоийлар ҳам ғоявий-тематик, ҳам формал-поэтик жихатлардан тараққий этди. Уларнинг кўпчилиги бармоқ вазнида ёзиладиган бўлди. Энди рубоий ва соф туркий тўртликлар умумий хусусиятларга эга бўла бошлади. М.Шайхзода, Ҳабибий...ва бошқа шоирлар энг яхши рубоий ва тўртликларда катта ҳаётий ҳақиқат, зукко кузатувчанлик мавжуд”². Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқиб, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустийнинг бармоқ вазнида яратилган рубоийлари таҳлилига тўхталмаймиз. Юқоридагиларнинг барчаси XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриясида рубоий жанри турли шаклларда бўлсада, муваффақият билан қўлланганлигини кўрсатади.

Бу давр шеъриясида кенг қўлланилган кичик лирик жанрлардан яна бири туюқдир. Маълумки, туюқ, асосан, туркий халқлар шеъриясида мавжуд жанр бўлиб, у ҳақда дастлаб Шайх Аҳмад Тарозий ўзининг “Фунун ул-балоға” асарида маълумот беради. Муаллиф уни алоҳида лирик жанр эмас, балки рубоийнинг бир тури сифатида эътироф этади: “Они мужаннас³ дерлар. Анингтеқ бўлурким, рубоийнинг қофиясинда тажнис риоят қилурлар... Ва бу турк шоирларининг ихтиросидур. Муни турклар туюқ дерлар⁴. Бироқ Шайх Аҳмад Тарозий туюқнинг вазни ҳақида назарий фикр айтмайди. Бу ҳақда дастлаб Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида ўқиймиз: “Бириси “туюғ”дурким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур”⁵. Заҳириддин Бобур ҳам Алишер Навоий каби туюқ вазнининг *рамали мусаддаси мақсурда* бўлишини айтади ва мазкур жанрнинг турларини

¹ Қаранг: Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 459–460; Наврўзи олам. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 84–85.

² Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърияси жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 164.

³Изоҳ: жинсдош сўзлар.

⁴Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул-балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Т.: Хазина, 1996. – Б. 125.

⁵Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 70.

кўрсатади. Назарий манбаларда олимларимиз туркий тилдаги дастлабки туюқни XIV асрда Бурҳониддин Сивасий ёзганлигини таъкидлайдилар¹.

Р.Орзибековнинг таъкидига кўра, туюқ жанри XX аср иккинчи ярми шеъриятида ҳам барҳаёт анъана сифатида яшаб келди. Зокиржон Ҳабибий, Собир Абдулла ва бошқаларнинг аруз вазнига мос мумтоз лирик жанр ва поэтик турларда ёзилган шеърлардан алоҳида тўпламлар, девонлар тузганликлари ҳам бу шоирлар ижодида анъанавий шеърий жанрлар асосий ўрин тутганлигини кўрсатади. “Уларнинг туюқларига хос муштарак шаклий поэтик хусусият шундан иборатки, барча мумтоз шаклий қоидаларнинг сақланганлиги билан эски туюқлардан фарқ қилмайди”². Тадқиқот давомида XX аср иккинчи ярмида яратилган туюқларнинг вазн ва шакл хусусиятлари ўрганилиб, улар ҳам шартли равишда уч гуруҳга ажратилди:

- 1) рамал баҳри вазнида яратилган туюқлар;
- 2) тажнисга асосланган туюқлар;
- 3) бармоқ вазнида яратилган туюқлар³

Дастлаб биринчи гуруҳни кўриб чиқамиз. Аруз тизимининг *Рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур)* вазнида яратилган туюқлар Ҳабибий ижодида 40 та, Собир Абдуллада 9 та, Чустийда 4 тани ташкил қилади. Хусусан, Р.Орзибеков Ҳабибийни ўзбек адабиёти тарихида энг кўп туюқ яратган шоир сифатида эътироф этиб, унинг туюқларида меҳнат аҳлининг фидокорлиги, ўз турмуши ва даврдан миннатдорлиги улуғланади, – дейди⁴. Шоирнинг

*Ош берур ким иш билан тўйдирса ер,
Ишламас ким, қайга борса дакки ер.
Ишлаган яйраб фаровонлик билан,
Яхши кийгай, яхши юргай, яхши ер⁵*

¹ Қаранг: Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976; Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992; D.Yusupova. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019.

² Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 114.

³ Изох: бармоқ вазнида битилган туюқлар ишимиз мақсади ва моҳиятига мос бўлмаганлиги учун биз уларни тадқиқ объектига тортмаймиз.

⁴ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 115.

⁵ Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 461.

шеъри мумтоз туюқ анъаналарига хос *рамали мусаддаси маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун -V - -/-V - -/-V -*) вазнида ёзилган бўлиб, а-а-б-а тарзида тажнисли қофияланган. Мазкур туюқда шоир “ўтмиш шоирларнинг кўзи тушмаган сўз ўйинларини кўллайди, омоним ваполисемиксўзлар топади”¹. Келтирилган туюқда “ер” сўзи 3 маънони: *замин, гап эшитиш, емоқ* маъноларини ифодалайди. Собир Абдулланинг

*Бўл баланд парвоз, қанотинг ёз, қалам,
Шеърга пардоз боғла, тинмай ёз, қалам,
Тўрт фаслда ёз: яъни куз ва қиш,
Сен учун айниқса кўклам, ёз, қалам*²

туюғи *рамали мусаддаси маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун -V - -/-V - -/-V -*) вазнида ёзилган бўлиб, а-а-б-а мумтоз туюқларга хос қофияланган. Туюқдаги “қалам” радиф хисобланиб, шеърда қофиядан кейин ифодаланаётган етакчи фикрни таъкидлаб келган. Собир Абдулланинг мазкур туюғи Заҳириддин Бобур эътироф этганидек, радифли *туюқ* хисобланади³. Туюқнинг мазкур тури Чустий ижодида ҳам учрайди:

*Мен демасманки, оёқ холхоли бўл,
Ҳартубанлик қайдидан сен холи бўл.
Эл кўзига жилва бермоқ истасанг,
Яхши ахлоқлар жамолин холи бўл*⁴

каби туюқ ҳам *рамали мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун -V - -/-V - -/-V -*) вазнида ёзилган. Бу туюқда шоир “холи” сўзини *хол, йироқ, кўрк* маъноларида ишлатган.

Иккинчи гуруҳга, яъни тажнисга асосланган туюқларга биз XX аср иккинчи ярмида яратилган *ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур)* вазнидаги шеърларни киритдик. Бундай шеърлар Ҳабибий ижодида 24 та, Чустийда 12

¹ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 115.

² Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 313.

³ Қаранг: Бобур З.М. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Фан, 1971.

⁴ Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 406.

та бўлиб, Собир Абдулла ижодида биз тадқиқ қилган манбалар доирасида тажнисга асосланган туюқлар учрамайди. Ҳабибийнинг

Гуноҳим бўлса жоно афв қил, кеч,

Кўзимнинг ёшларин дарё қилай, кеч.

Масал бор қолган ишга қор ёғар деб,

На иш қилсанг қил, эрта, қўймагил кеч¹

шеърӣ ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида (рукнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун фаувлун V – – –/V – – –/V – –) ёзилган, а-а-б-а тарзида қофияланган. Вазни сақлаш учун биринчи мисрадаги “афв” сўзини ўта чўзиқ (–V) ҳижо билан, учинчи, тўртинчи мисралардаги “қолган иш”, “қил эрта” сўзларини эса қўшиб талаффуз қилиш лозим. Шунда ҳазажи мусаддаси маҳзуф ўлчови қонуниятига мос тушади. Туюқда халқ мақолларидан моҳирона фойдаланилганлик шеърнинг таъсирчанлигини ҳам оширган.

Чустийнинг “Солиб бўлмас паловни дам емасдан” деб бошланувчи тажнисга асосланган туюғи ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида битилган бўлиб, рукнлари ва тақтиъи:

мафойилун мафойилун фаувлун

V – – –/ V – – –/ V – –)

тарзидадир. Қуйида ушбу тўртликнинг матнини келтирамиз:

Солиб бўлмас паловни дам емасдан,

Дедим ростин кишидан дам емасдан:

Зериктиргай риёкор бўлса меҳмон,

Қўйилган ошни дам еб, дам емасдан²

сингари шеърдаги қофиядош “дам” сўзлари шаклан бир хил бўлса-да, уч хил маънони ифодалайди: биринчи мисрада паловнинг маромига етишини, иккинчи мисрада ҳордиқ маъносини билдирса, тўртинчи мисрада айирув боғловчиси вазифасидаги (дам, дам) маънони ифодалайди.

¹ Ҳабибий. Танланган асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – Б. 216.

² Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 404.

XX аср иккинчи ярми шеърлятида қитъа жанри ҳам алоҳида ўрин тутлади. Қитъа арабча сўз бўлиб, “парча”, “бўлак”, “қисм” деган маъноларни англатади. Қитъа ҳақида илк назарий қараш Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Асарда “Қитъа улдурким, аввалги мисраъинда қофия бўлмас. Ва ақалли икки байт бўлур. Ва мунинг ҳам аксари муқаррар эрмас. Ҳар неча ким қофия тобсалар айтурлар¹, – деб таъриф берилади. Арузшуносликда туркий адабиётда қитъанинг илк намуналари Носируддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида учраши ҳақида маълумотлар бор². Маълумки, қитъа Шарқ адабиётида кенг тарқалган бўлиб, бу жанрда, одатда, ихчам ижтимоий-фалсафий фикрлар баён этилади. Қитъалар турли вазнларда битилиши мумкин.

Эркин Воҳидов қаламига мансуб қитъа аруз тизимининг *рамали мусаммани маҳзуф*, яъни фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (–V – / –V – / –V – / –V –) вазнида ёзилган.

Истасанг тоза кўнгилга қўнмасин зарра зубор

Пок сўзи пок иш ва пок дил,

Пок хаёл бўлмоқ керак³.

Бу жанрда қалам тебратиш бениҳоя мураккаб, бинобарин, зериктирарли насиҳатга ўтиб қолиши ҳам мумкин. Шоир эса бу мураккаб жанрда тажнис санъатидан ўринли фойдаланади. Маълум бир гапдан, афоризмдан ёки предметдан кутилмаган, ўқувчига завқ бера оладиган ва уни бирдан огоҳлантирадиган хулосалар чиқаради:

Қалбга истарсан гар бўл ёмон сўздан йироқ,

Карвалол ичмоқ керакмас, кар ва лол бўлмоқ керак.

XX аср шеърляти, хусусан, Чустий ижодида ҳам 30 га яқин қитъа мавжуд. Шундан аруз вазнида ёзилгани жами 8 тани ташкил этади. Жумладан, унинг

¹ Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул-балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Т.: Хазина, 1996. – Б. 124

² Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 135.

³ Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “SHARQ” НМАК, 2018. – Б. 471.

Ҳазар қилгил/ замондан, ҳам/ Худодан қўрқ/қил, + эй одам,

V – – – / V – – – / V – – – / V – – –

Агар сен ер/ юзининг ҳам/масига шо/ҳу ҳам султон¹,

V – – – / V – – – / V – – – / V – – – ~

байти билан бошланувчи қитъаси арузнинг ҳазаж баҳридадир. Қитъанинг биринчи мисраси *ҳазажи мусаммани солим* (рукнлари ва тақтиъи: *мафойлун мафойлун мафойлун мафойлун V – – – /V – – – /V – – – /V – – –*) вазнида бўлса, иккинчи мисраси *ҳазажи мусаммани мусаббагда* (рукнлари ва тақтиъи: *мафойлун мафойлун мафойлун мафойлон V – – – /V – – – /V – – – /V – – – ~*) ёзилган бўлиб, анъанавий а-б, в-б тарзида қофияланган. Вазн талаби билан ҳар икки мисраларнинг охирги ҳижоси бир-биридан фарқ қилган. Қитъанинг биринчи мисрасидаги “қўрқ” сўзи аруз тизими қонуниятига кўра, ўта чўзиқ ҳижо бўлиши керак эди, лекин ушбу шеърда оддий чўзиқ ҳижо тарзида келади. Шунингдек, 1-мисранинг тўртинчи рукнида қўлланилган “қил” сўзидаги “л” ундоши ундан кейин турган “эй” ҳижоси билан бирикиб, яъни васл ҳосил қилиб “лэй” тарзида талаффуз қилинади.

Мазкур қитъа Чустийнинг бошқа жанрда яратилган шеърлари каби анъанавий панд-насихат мавзусида ёзилган. Умуман, қитъа жанри фалсафий, ижтимоий мавзулар билан бирга ахлоқий-таълимий мавзуларда ҳам битилади. Шу маънода Чустийнинг ушбу қитъасида нопок бойликдан сақланиш кераклиги, агар бутун ер юзини эгаллаб, унда ҳукмрон бўлсанг ҳам Яратганнинг ғазаби бир лаҳзада тахт-у бахтингни ер билан яксон қилиши мумкинлиги билан боғлиқ фикрлар келтирилган. Шоирнинг

Гул тиканлик этмамиш ҳаргиз, тикан гул бўлмамиш,

Бул ажабким, насли одам ҳам тикан, ҳам гул бўлур²,

деб бошланувчи қитъаси рамал баҳрининг *рамали мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун –V – – / –V – –*

¹Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 334.

²Чустий. Ўша асар. – Б. 334.

/-V – -/-V –) вазнида ёзилган, анъанавий а-б, в-б тарзида қофияланган. Ушбу қитъа халқона, фалсафий услубда яратилган бўлиб, қитъа матлаъсида ўхшатиш санъатининг ажойиб намунасини кўрамыз. Гул ҳаргиз тиканли бўлиб, тикан эса гарчи гулда бўлса ҳам гулдек бўлолмаслиги, лекин афсуски, “насли одам” ҳам гул, ҳам тикон каби бўлиши мумкинлиги шоирни ажаблантиради.

Р.Орзибеков “Лирикада кичик жанрлар” китобида қитъаларнинг қофияланиш тизими ҳақида тўхталиб, Навоий ижодида а-а, б-б қофияга эга бўлган қитъалар ҳам борлигини таъкидлайди. Ва бунга шоирнинг туюқ вазнида яратилган “Кимки ўзлук иморатин бузди” деб бошланувчи қитъасини мисол қилиб келтиради¹. Чустий ижодида ҳам туюқ вазнида ёзилган, а-а, б-б қофияли қитъа учрайди.

Бу ҳадис: “Ҳуббул Ватан – имон эрур”,

Кимда имон бор, азиз инсон эрур.

Сақламоқ ёвдан Ватанни сенга қарз,

Қарзни қилмоқ адо ҳар кимга фарз².

Келтирилган қитъанинг биринчи байти *рамали мусаммани маҳзуфда* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун –V – -/-V – -/-V –*) бўлса, иккинчиси *рамали мусаммани мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилон –V – -/-V – -/-V ~*) вазнида ёзилган; а-а, б-б тарзида қофияланган. Ушбу шеър Чустийнинг бошқа қитъаларидан фарқли ўлароқ, машҳур ҳадис “*Ҳуббул Ватан – минал иймон*”, яъни “*Ватанни севмоқ иймонда ндир*” деган ҳадис билан бошланиб, кимда имон бўлса, энг азиз инсон бўлиши, Ватанни ёвдан сақламоқ фарз эканлиги китобхонга уқтирилган.

XX аср иккинчи ярми шеърлятида истифода этилган кичик жанрлардан яна бири фарддир. Шайх Аҳмад Тарозий мазкур жанрга “Фард икки мисраъ

¹ Қаранг: Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

²Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 334.

бўлур. Аввалги мисраъида қофия бўлмас” – деб таъриф беради¹. “Фардлар ҳамма даврлардаги ўзбек шеърлятида бор эди. У мақоллар каби сиқик, ихчамлиги, эсда осон қолиши, ҳикматларга бойлиги билан шоирларни кизиқтириб келган. Шунинг учун ҳам фард ёзмаган шоирни учратиш кийин”². Адабиётшунос И.Адизова “Увайсий ижодида жанрлар такомилли” рисолясида Алишер Навоий шеърлятида 86 та, Заҳириддин Бобур девонида 26 та, Увайсий шеърлятида 4 та фард мавжудлигини таъкидлайди³. ХХ аср иккинчи ярми шеърлятида ҳам Ҳабибий ижодида аруз тизимининг *рамал* (6 та), *ҳазаж* (8 та), *мутақориб* (1 та), *мужтасс* баҳри (1 та) вазнлярида яратилган фардлар учрайди (8-иловага қаранг). Лекин негадир шоирнинг ўзи “Наврўзи олам” шеърлий тўпламига кирган ушбу фардларини “қитъалар” деб атаиди⁴. Ҳабибий ўз фардларини қитъа деб номлаганини адабиётшунос олимлар М.Иброҳимов, М.Ойматовалар ҳам таъкидлайди⁵. Мазкур байтларнинг жанр хусусиятларини ўрганганимизда эса улар қитъа эмас, балки фард эканлиги ойдинлашди. Шунинг учун биз уларни фард деб ҳисобладик.

Ҳабибий фардларини юксак бадиият билан ёзишга ҳаракат қилган, кўпинча халқ мақолляри, образли ифодаларни фардга сингдириб юборган. Хусусан, унинг

Ёмон сўзларга одат қилма зинҳор,

Ёмон сўздан билурсан барча безор⁶

сингари фардида ҳикматли сўзлардан оқилона фойдаланиб, ёмон сўзларни сўзлашга одат қилмаслиги, ёмон сўзлардан ҳамма безорлиги ҳақида фикр юритилган. Келтирилган фард аруз тизимининг *ҳазажли мусаддаси маҳзуф* (*рукнляри ва тақтиъи: мафойилун мафойилун фаувлун V – – –/V – – –/V – –*)

¹Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Т.: Ҳазина, 1996. – Б. 130.

²Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърляти жанрляри. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 171.

³Адизова И. Увайсий ижодида жанрлар такомилли. – Т.: Muharrir, 2011. – Б. 6.

⁴Қаранг: Ҳабибий. Наврўзи олам. –Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 93–95.

⁵Қаранг: Иброҳимов М. Кичик поэтик жанрлар ва уларнинг услуб хусусиятляри //Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Т.: 1983. – Б. 154–192; Ойматова М.А. Ўзбек адабиётида фард жанри поэтикаси ва тарихи. Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1999. – Б. 95.

⁶Ҳабибий. Наврўзи олам. –Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 93.

вазнида ёзилиб, анъанавий а-а тарзида қофияланган. Ушбу вазнда шоирнинг 7 фарди мавжуд.

Масту аҳмоққа насиҳат айлама, чекма алам,

Сапчигай қайтиб ўзингга, кир қилур кўнглингни ҳам¹.

Мазкур фард *рамали мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун –V – –/–V – –/–V –*) вазнида ёзилган, а-а тарзида, яъни мумтоз фардларга хос қофияланган. Ушбу ўлчовда 5 та фард мавжуд. Фард мазмунида маст ва аҳмоқ инсонга насиҳат қилмаслик, у бу насиҳатингни тушунмаслиги, тушунмаслик оқибатида эса насиҳат қилувчининг ўзига сапчиб, таъни хира қилиши ҳақидаги фикр ётади. Шунингдек, шоир мутақориб баҳрида ёзилган бир фардида, “яхши топиб сўзлар, ёмон қопиб” халқ мақолини шеър мазмунига сингдириб юборган.

Кўринг яхшиларни топиб сўзлагай,

Ёмонлар ҳаммиша қопиб сўзлагай².

Келтирилган фард мутақориб баҳрининг *мутақориби мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фаувлун фаувлун фаувлун фаал V – –/ V – –/ V – –/ V –*) вазнида ёзилган. Кўринганидек, Ҳабибий фард мазмунига халқ мақолидан моҳирона фойдаланган. Адабиётшунос Н.Жабборов бу жанрда муваффақият қозониш учун шоир, биринчидан, оз сўзга кўп маъно юклай билиши, иккинчидан, мумтоз шеърятимизнинг улуг намояндалари назмий меросини пухта ўрганиб, фикрни санъаткорона ифодалаш сирларини эгаллаши, учинчиси, аруз илми сирларидан хабардор бўлиши талаб қилинишини таъкидлайди. Ҳабибий эса адабиётшуносликдаги мазкур хусусиятларни ўзининг фардларида жамлади³.

Байтли шеърлар орасида шаклий жиҳатидан эркин, фақат мазмун асосида фарқланадиган жанрлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга луғз ва таърих киради. Ушбу жанрлар муаллифнинг хоҳишига кўра, қитъа, рубоий, фард, баъзан ғазал сингари қофияланиши мумкин. Улар орасида халқ оғзаки ижоди

¹ Ҳабибий. Наврўзи олам. –Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 93.

² Ҳабибий. Ўша жойда.

³ Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Б. 176.

ва мумтоз адабиёт анъаналарини ўзида мужассамлаштирган луғз жанрининг ўзига хос ўрни бор. Луғз арабча “топишмоқ”, “сир” маъноларни англаиб, форс-тожик адабиётида чистон (форсча “нима у?”) деб юритилади¹. Туркий адабиётда чистонларнинг девон таркибида келиши Алишер Навоий ижодидан бошланади. Унинг “Хазойин ул-маоний” куллиётида 10 та чистон мавжуд. Лекин Навоийгача Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида чистон жанрининг илк намуналари келтирилган². “Чистон ҳар бир шоирнинг олам, одам ва борлиқни кузатиш, атроф-муҳитни илғаш даражасини кўрсатади. Унинг оддий предметлардан бадиий образ яратиш салоҳиятини аниқлаш мезони бўлиб хизмат қилади”³.

Эркин Воҳидовнинг “Танланган асарлар”ида *рамали мусаммани маҳзуф*да ёзилган битта чистон мавжуд.

Ул адиб кимдирки, доим катта пинжида юрар,

Мансабу унвон, мукофот, мулк илинжида юрар,

Тушса ҳам отдан ва лек ҳаргиз эгардан тушмагай,

*Гар трамвай минса ҳам номер биринчида юрар*⁴.

Мазкур чистонда шоир саволу жавоб, ирсоли масал, таносуб шеърий санъатларини қўллаб, чистоннинг таъсирчанлигини оширган. Айниқса, чистоннинг учинчи мисрасида келтирилган “*отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди*” мақоли қолган мисраларда айтилаётган фикрни далиллаш воситасида мазмунни янада чуқурлаштиришга хизмат қилган. Бу эса вазннинг имкониятларини очиб берган.

Чустий ҳам мумтоз анъаналарни давом эттириб, “Давот ва қалам”, “Қалам ва қоғоз”, “Қуёш”, “Чок машинаси”, “Тухмат”, “Мих” мавзуларида чистонлар яратди. Бу асарларнинг 2 таси қитъа, 2 таси фард, 2 таси рубоий тарзида қофияланиб, *ҳазаж* (4 та), *музорий* (1 та), *мужтасс* (1 та) баҳри

¹ Қаранг: Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976; Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърини жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992; D.Yusupova. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA’LIM-MEDIA, 2019.

² Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул-балоға. Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов. Т.: Ҳазина, 1996. – Б. 127.

³ Адизова И. Увайсий ижодида жанрлар тақомили. – Т.: Muharrir, 2011. – Б. 13.

⁴ Воҳидов Э. Танланган асарлар. , – Т.: “SHARQ” НМАК, 2018. – Б. 445.

вазнларида ёзилган (9-иловага қаранг). Масалан, “Қуёш” ҳақидаги чистон рубоий тарзида қофияланиб, унда ер юзини қиздирувчи қуёш “тиллоси бор, лекин пули йўқ” хазинага ўхшатилади ва унинг ўзига хос хусусиятларини таносуб, тазод, тақрир орқали санаб ўтилади:

*Оёғи йўқ, қўли йўқ,
Тиллоси бор, пули йўқ.
Бир чизиқда юради,
Ундан бўлак йўли йўқ¹.*

Чистон *музориъи мураббаи аҳраб* (рукнлари ва тақтиъи: *мафъувлу фоилотун* – – V /-V –) вазнида ёзилган, а-а-б-а мумтоз рубоийга хос қофияланган. А.Ҳожиаҳмедов *музориъи мураббаи аҳрабни* шеърятимизда жуда кам қўлланилган ўлчовлардан бири сифатида санар экан, унинг Рабғузий асарларидагина қўлланилганлигини ва ягона намунаси Юсуф қиссаси ичида келтирилганлигини таъкидлайди². Бундан кўринадики, Чустий халқона оҳангга эга бўлган, ғазалларда истифода этилмаган ушбу вазн имкониятларидан унумли фойдаланиб, унда ўзининг бетакрор чистонини яратган.

Навбатдаги чистон фард сингари битилиб, унда қалам ва қоғоз белгилари моҳирона акс эттирилган.

*Бировни юзига найзам уриб жафо қиламан,
Бу ҳикматим била кўп мақсадим адо қиламан³*

чистони *мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *мафоилун фаилотун мафоилун фаилун* V –V-/V V – –/ V –V-/ V V –) яратилган.

Бу гуруҳга кирувчи жанрларнинг яна бири **таърих** бўлиб, фақат Ҳабибий ижодида учрайди. Шоир девонида жами 3 таърих келтирилган (10-иловага қаранг). Уларнинг бири бутун ҳаётида мактабдорлик қилиб, меҳнаткаш халқимизнинг ўғил-қизларини ўқитиб, хат-саводини чиқариб,

¹ Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 436.

² Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 76.

³ Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 436.

минглаб шогирдлар етиштирган кўқонлик устоз Пўлатжон Қаюмовнинг вафотига бағишланган. Таърихнинг мактаъ байтини келтирамиз:

*Боқиб халқимга тарихин, Ҳабибий,
Дедим у ўчмас (ёниб турган чароғи)¹.*

Иккинчи мисранинг учинчи ва тўртинчи рукнларидаги “ёниб турган чароғи” сўзларининг рақамлар сони 1964 йилни англатади. Ушбу таърих *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* вазнида (рукнлари ва тақтиъи: *мафойилун мафойилун фаувлун V – – –/V – – –/V – –*) яратилган.

Ҳабибийнинг кейинги таърихи ўзи тузган “Девон” санасига бағишланган бўлиб, қуйидаги мисралардан иборат:

*Ғазалхон, ёру дўстим, жонажоним,
Бўлур сизларга девоним нишоним.
Ажабким арзимас девонга таърих
Бўлибдур (бу шарафли армузоним)².*

Бу таърих ҳам *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* вазнида (рукнлари ва тақтиъи: *мафойилун мафойилун фаувлун V – – –/V – – –/V – –*) бўлиб, тўртинчи мисрадаги “бу шарафли армузоним” шоирнинг дастлабки девони нашрини, яъни 1971 йилни билдиради. Шоирнинг учинчи таърихи “Берлин фатҳининг тарихи”га бағишланиб, *ҳазажи мусаммани солим*да яратилган.

Биз байтли шеър шаклларининг вазн хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов ижодида яратилган мустазодлар икки вазнда, яъни *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод* (Собир Абдулла 2 та, Чустий 1та, Эркин Воҳидов 2 та), *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустазод* (Ҳабибий 2 та, Собир Абдулла 1 та, Чустий 2 та)да битилган, шу жиҳатидан улар мумтоз мустазодларга мос келади.

¹ Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 316.

² Ҳабибий. Ўша асар. – Б. 464.

2. XX аср иккинчи ярми шеърлятида яратилган айрим мустазодларнинг қофияланиш тизими мумтоз мустазод қофияланишидан тубдан фарқ қилади. Мустазодларнинг матлаъсидаги байт мисралари а-а-а-а тарзида қофияланган. Адабиётимиз тарихида бундай қофияланишдаги мустазодлар учрамайди.

3. Собир Абдулла ўзбек адабиётига мустазоднинг ноанъанавий турларини ҳам олиб кирди. Унинг мустазодида тўлиқ мисра биринчи ва тўртинчи қаторларда келса, ярим мисралар эса иккинчи ва учинчи қаторларда келади. Бу эса ўзбек мумтоз адабиёти учун янгилик ҳисобланади.

4. Туркий адабиётда Аҳмад Табибий анъаналарини давом эттирган Чустий ўзбек адабиётида мустазодни мухаммасга жорий қилиб, мухаммаси мустазод яратди. Унинг мустазоди барча мисралари ўзаро қофияланиши билан Табибий мустазодидан фарқ қилади.

5. Бу давр шеърлятида қасида жанри ҳам истифода этилган бўлиб, улар *рамали мусаммани маҳзуф, рамали мусаммани мақсур, мутақориби мусаммани мақсур, ҳазажи мусаммани солим, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф, ҳазажи мураббаъи мусаббағ ва музориъи мусаммани ахраб* ўлчовларида битилган. Собир Абдулланинг “Тошкент қасидаси”да қўлланилган *ҳазажи мураббаъи солим* вазни туркий шеърлятда ишлатилмаган эди.

6. Чустий қасида жанрининг шакл имкониятларини кенгайтириб, “Юрак” қасидасини мухаммас шаклида битди ва унда “туркий” деб аталувчи *рамали мусаммани мақсур* вазнини қўллади.

7. XX аср иккинчи ярми шеърлятида кичик лирик жанрлардан рубоий, туюқ, қитъа, фард, муаммо, луғз (чистон), таърих кабилар истифода этилди.

8. Рубоий шеърлий ўлчов жиҳатидан мумтоз шеърлятнинг мураккаб жанрларидан бири бўлса-да, XX аср иккинчи ярми шеърлятида ундан фойдаланиш даражаси пасаймади. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов ижодида рубоий жанрига муносабат 3 хил йўналишда бўлганлигини кўриш мумкин. Булар анъанавий (мумтоз) рубоийлар, дубайтийлар, тўртликлардир. Анъанавий рубоийлар ҳазаж баҳрининг *ахраб* ва *ахрам* шажарасида битилган бўлса, дубайтийлар ҳазажнинг *ҳазажи мусаддаси маҳзуф*

(мақсур) вазнларида ёзилган. Тўртликларда рамал баҳрининг *рамали мусаддаси маҳзуф* (мақсур) вазни етакчилик қилганлигини кузатиш мумкин. Собир Абдулла ижодида 5 та анъанавий (мумтоз) рубоий, 15 та дубайтий, 2 та тўртлик учрайди. Шунингдек, Чустий ҳам мазкур таснифнинг 2 та туридан фойдаланган. Ҳабибий рубоийлари эса анъанавий рубоийлардан фарқ қилиб, фақат бармоқ вазнида яратилганлиги билан характерланади. Эркин Воҳидов шеърлятида ҳам 2 та тўртлик мавжуд бўлиб, улар тавзиъ шеърй санъатининг юксак намунасидир.

9. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий ижодида туюқ жанрига муносабат ҳам 3 хил йўналишда эканлиги кузатилади. Мазкур йўналишлар орасида *рамали мусаддаси маҳзуф* (мақсур) вазнида яратилган туюқлар етакчи бўлиб, Ҳабибий ижодида 40 та, Собир Абдуллада 9 та, Чустийда 4 та, шундай туюқ борлиги маълум бўлди. Тажнисга асосланган туюқлар эса Ҳабибий ижодида 24 та, Чустийда 12 тадир.

10. Чустийнинг “Ҳаётнома” ва “Садоқат гуллари” девонларида 30 га яқин, Эркин Воҳидовнинг “Ёшлик девони”да *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида битта қитъа мавжуд. Шундан аруз тизими вазнларида ёзилгани жами 8 та, улардан 1 таси *рамали мусаддаси маҳзуф*, 1 таси *рамали мусаммани маҳзуф*, 3 таси *ҳазажи мусаддаси маҳзуф*, 4 таси *ҳазажи мусаммани солим*да битилган.

11. Ҳабибийнинг “Наврўзи олам” шеърй тўпламида жами 17 та фард учрайди. Унинг 15 таси аруз тизимида ёзилган, шоир ижодидаги фардларда *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* вазни фаол ҳисобланади.

12. Чустийнинг “Ҳаётнома” девонида “Давот ва қалам”, “Қалам ва қоғоз”, “Қуёш”, “Чок машинаси”, “Тухмат”, “Мих” каби чистонлари мавжуд бўлиб, улар *ҳазаж* (4 та), *музориъ* (1 та), *мужтасс* (1 та) баҳри вазнларида ёзилган. Шоирнинг “Қуёш” чистони *музориъи мураббаи ахраб*да яратилган бўлиб, ўзбек адабиётида ушбу ўлчовнинг ягона намунаси Юсуф қиссаси ичида келтирилган. Эркин Воҳидовнинг чистони эса *рамали мусаммани маҳзуф*да яратилган.

13. Ҳабибий девонида жами 3 таърих бор. Уларнинг 2 таси *ҳазажи мусаддаси маҳзуф*да ва 1 таси *ҳазажи мусаммани солим*да ёзилган.

III БОБ. БАНДЛИ ШЕЪРЛАРДА АРУЗ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

3.1-§. Мусамматларнинг вазн хусусиятлари

Ўзбек адабиётида шеърий шакллар тарих силсиласида сайқалланиб, маълум қолипларга эга бўлган. Ана шу шеърий шаклларни аниқлаштиришда мусамматлар ўзига хос ўрин эгаллайди. Мусаммат арабча сўз бўлиб, “марварид тизмаси”¹ ёки “марварид доналарини ипга термоқ”² деган маъноларни ифодалайди. Дастлаб мусамматлар тасмий номи билан фанга маълум эди. Бу ҳақда Атоуллоҳ Хусайний ўзининг “Бадойиъ ус-санойиъ” асарида тўхталиб ўтган. Р.Орзибеков мусамматларнинг вужудга келишида ғазалда мусажжаъ (сажли, қофияли) санъатини қўллаш ҳамда мувашшах (мисра ёки байтларда бирор киши номи ифодаланган шеърий асар) ва зажал (ҳар бир бандида тўрт мисрадан ўн икки мисрагача бандлар келтирилган шеърий асар) каби араб шеъриятидаги бандли шеър шаклларининг таъсири кучли бўлган”, – деб таъкидлайди³.

Е.Э.Бертельснинг фикрича, форс-тожик шеъриятида мусаммат дастлаб XI аср шоири Манучеҳри Дамғоний (ваф. 1040) ва Қатрон Табризий (XI аср ўрталари) ижодида учрайди⁴. Ўзбек адабиётида мазкур жанр ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Унда ёзилишича, “мусаммат беш турлик бўлур: мусаммати мураббаъ, мусаммати мусаддас ва мусаммати мухаммас, мусаммати мусамман ва мусаммати муашшар”⁵. Муаллиф ўзи санаб ўтган мусаммат турларининг ҳар бирига таъриф беради ва мисоллар келтиради. XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриятида, хусусан, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижодида мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, муашшар жанрининг намуналари мавжуд. Биз мусаммат жанрларининг тавсифини беришда мазкур тартибга суянамиз.

¹ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 65.

² Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 141.

³ Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976. – Б. 72.

⁴ Бертельс Е.Э. Истории персидско-таджикской литературы. . – М.:1960. – С. 360.

⁵ Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул-балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Т.: Хазина. 1996. – Б. 128.

Дастлаб мураббаъ жанрига тўхталиб ўтамиз. Мураббаъ арабча “тўртлик” деган маънони билдиради. Адабий истилоҳ сифатида “ҳар банди тўрт мисрадан ташкил топган шеърини шаклини ифодалайди”¹. Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарининг муқаддимасида “аммо мусаммати мураббаъ анингтеки бўлурким, шеърни тўрт қисм қилурлар. Уч қисмининг охирида сажъ риоят қилибтур. Тўртинчи қисмда қофия келтур(ур)лар”², – деб ёзади. Демак, мураббаъ тўртлик шеър бўлиб, а-а-а-а, б-б-б-а, в-в-в-а... тарзида қофияланади. Профессор Б.Тўхлиевнинг таъкидлашича, мазкур “...тўртликлар ўз тарихий илдизлари билан қадимги туркий халқлар адабиётига, хусусан, ўзида халқ оғзаки ижодининг, шунингдек, ёзма адабиётнинг ҳам энг яхши намуналарини жамлаган “Девону луғотит турк”ка бориб тақалади³.

Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий ижодида мураббаънинг гўзал намуналари мавжуд. Ҳабибийнинг 71 та мураббаъси бўлиб, шундан 15 таси аруз тизимида яратилган. Улар, асосан, *рамал*, *ҳазаж*, *ражас*, *сарий* баҳри вазнларидадир. Ҳабибий мураббаъларининг мавзуси турлича. Шоир ўз мураббаъларида гоҳ Ватанни тараннум этса, гоҳида маъшуқа ишқида маст бўлиб, табиат манзараларига маҳлиё бўлади. Хусусан, унинг “Заргар баҳор” мураббаъси табиат лирикасининг гўзал намуналаридандир. Мураббаънинг биринчи бандини келтирамиз:

Келди ҳур ўлкам сари заргар баҳор,

Шабнам ила айлади гавҳар, баҳор.

Қилди зумуррад каби яксар баҳор,

Лола каби сочди қизил зар, баҳор⁴.

Мураббаъ сарий баҳрининг *сарийи мусаддаси матвийи мавқуф* (руқнлари ва тақтиъи: *муфтаилун муфтаилун фоилон*) вазнида ёзилган. Анъанавий а-а-а-а, б-б-б-а, в-в-в-а тарзида қофияланган. Мураббаъда фасллар келинчаги баҳор тараннум этилади. Мураббаъ учун танланган ушбу вазн

¹ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 59.

² Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул-балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Т.: Ҳазина. 1996. – Б. 128.

³ Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг”нинг поэтикаси масалалари // Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. – Б. 339.

⁴Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 185.

баҳор гўзалликларини ўйноқи оҳангда ифодалаш учун ниҳоятда қўл келган. Эслатиб ўтамиз, ушбу вазнда Ҳабибийнинг ғазали ҳам мавжуд эди.

Собир Абдулла ижодида ҳам мураббаъ жанрига доир 35 та шеър учрайди. Шундан 27 таси аруз тизимида, улар *рамал, ҳазаж, ражаз, музориъ* баҳри вазнларида яратилган. У.Тўйчиев “Собир Абдулла мураббаъ тараққиётига ҳисса қўшди”, деб ёзар экан, унинг “Бахшининг орзуси” мураббаъсида замонавийлик, сув ва давр нидоси акс этишини таъкидлайди¹. Қуйида мураббаънинг дастлабки бандини келтирамиз:

*Орзум шулдир, Қорақумда чаман тузмоқчиман,
Бог учун, сув юргузиб, гул, мева ўтқизмоқчиман,
Сунбулу райҳон сепаб, юлгунларин узмоқчиман,
Эй Амударё, сенга чин йўлни кўргизмоқчиман².*

Ушбу мураббаъ *рамали мусаммани маҳзурф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун - -V - -/-V - -/-V - -/-V -*) вазнида ёзилган. Анъанавий а-а-а-а тарзида қофияланган. Мураббаънинг 3-, 4-бандидаги қофияланмайдиган мисралари *рамали мусаммани мақсур* вазнидадир.

Биламизки, Муқимий Фарғона водийси бўйлаб қилган саёҳатлари таассуротларини шеър қилиб ёзган ва улар “Саёҳатнома” номи билан шуҳрат қозонган. Собир Абдулла ҳам мураббаъ ёзишда Муқимий анъаналарини давом эттирди. Унинг “*Тошкент – Косонсой – Тошкент*” саёҳатномаси ҳам Муқимийники сингари *ражази мураббаъи солим* (рукнлари ва тақтиъи: *мустафъилун мустафъилун - - -V -/- -V -*) вазнида ёзилган ва ҳар бир банд “экан” радифи билан яқунланади. Асарда саёҳат сабаби берилади, сўнг турли манзил – қишлоқлар, уларнинг табиати, манзаралари тасвир этилади. Саёҳатнома:

*Кетдим саҳар йўлга чиқиб,
Атроф кенг майдон экан,*

¹Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 319.

² Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 1-том. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 158.

*Серзавқ сафар, гоҳ энтикиб,
Тил ҳам букун бийрон экан¹.*

сатрлари билан бошланади. Ҳажман 82 банд, 328 мисрани ташкил этади.

Чустий ижодида ҳам мураббаълар учрайди. Лекин мазкур мураббаъларни таҳлил қилганимизда, улар аруз вазнида эмас, балки бармоқ вазни қонуниятлари асосида ёзилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, Ҳабیبий, Собир Абдулла ижодидаги бармоқда битилган мураббаъларни ҳам ишимизнинг мавзуси ва мақсадидан келиб чиқиб, таҳлилга тортмадик.

Навбатдаги жанр мухаммас бўлиб, арабча “бешлик” деган маънони билдиради. “Шеърятда ҳар банди беш мисрадан ташкил топган лирик шеър шакли номини ифодалайди”². “Адабиётшунослик терминлари луғати”да мухаммаснинг 3 тури ҳақида маълумот берилади. Улар: а) бир шоир мустақил мухаммас ёзади; б) шоир ўзига ёққан бирор ғазалга мухаммас боғлайди ва у тахмис деб аталади; в) шоир ўз ғазалига тахмис қилади³. В.А.Абдуллаев XVIII ва XIX аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ҳақида гапирар экан, мухаммаснинг яна бир тури ҳақида маълумот беради. Унинг фикрича, “... ишқий мухаммаслар ёзиш билан бирга, ижтимоий мотивларни, баъзи ҳолларда, ҳажвий штрихларни киритиб мухаммас ёзиш ёки “мухаммаси муламмаъ” деб аталган қочиримлар, киноялар билан тўлиб-тошган мухаммаслар тўқиш ҳам расм бўлган⁴. Р.Орзибеков, У.Тўйчиев, А.Ҳожиаҳмедов, Ё.Исҳоқов, Д.Юсупованинг тадқиқотларида мухаммаслар яратилиш хусусиятига кўра иккига, яъни мустақил (табъи худ) ва тахмис мухаммасларга ажратилиши қайд этилади⁵. Биз тадқиқ қилаётган XX аср иккинчи ярми шеърятда, хусусан, Ҳабیبий, Собир Абдулла,

¹ Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 398.

² Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: “TA’LIM-MEDIA”, 2019.

³ Ҳомидий Х. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. Иккинчи нашр. Т.: Ўқитувчи, 1970. – Б. 220–221.

⁴ Адуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1964. – Б. 168.

⁵ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммаат. – Т.: Фан, 1976. – Б. 79; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 220; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 74; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – Б. 126; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: “TA’LIM-MEDIA”, 2019. – Б. 142.

Чустий, Эркин Воҳидов ижодида мухаммаснинг ҳар икки тури – мустақил (табъи худ) ва тахмисларда ижод намуналари яратилганлиги маълум бўлди.

Туркий шеърятда дастлабки мухаммаслар Ҳофиз Хоразмий (XIV аср), Юсуф Амирий ижодида учрайди¹. Мухаммаснинг тахмис турини адабиётимизда тараққий эттирган шоир эса Алишер Навоий ҳисобланади. Ё.Исҳоқов унинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиётида 10 та мухаммас мавжудлигини таъкидлайди². Мазкур жанр XX аср шеърятда ҳам кенг қўлланилган бўлиб, Ҳабибий девонида 64 та, Собир Абдуллада 43 та, Чустийда 107 та, Эркин Воҳидовда 10 та, Абдулла Ориповнинг “Танланган асарлар”ида учрайди. Мухаммаснинг ҳар иккала тури ҳам XX аср иккинчи ярми шоирлари ижодида кенг истифода этилган. Бу давр шоирлари ижодидаги мухаммаслар аруз вазнининг *рамал*, *ҳазаж*, *мутақориб*, *ражаз*, *музориъ*, *мужтасс*, *хафиф* баҳри ўлчовларида битилган (10-, 11-, 12-иловаларга қаранг).

Мухаммас яратишда ҳам XX аср иккинчи ярми шоирлари ижодида *рамал* баҳри етакчилик қилади. Мазкур баҳрда Ҳабибий 27 та, Собир Абдулла 19 та, Чустий 61 та, Эркин Воҳидов 7 та мухаммас яратган. *Рамал* баҳри ўлчовлари ичида *рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* (–V – –/–V – –/–V – –/–V –(–) вазни мухаммаснависликда кенг қўлланилган. Мазкур вазнда Ҳабибийнинг 27 та, Собир Абдулланинг 17 та, Чустийнинг 52 та, Эркин Воҳидовнинг 7 та мухаммаси яратилган. *Рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)*ни Ҳабибий “Девон”идан олинган мустақил (табъи худ) мухаммаси орқали кўриб ўтамиз:

*Ғамза бирла бир боқиб жоно, мени ёр айладинг,
Ошиқи содиқларинг қошида ҳам бор айладинг,
Кўнглим овлаб маҳрами асрори дийдор айладинг,
Лаҳза-лаҳза марҳаматларга сазовор айладинг,
Меҳру шафқат қанча бўлса дилда изҳор айладинг³.*

¹Қаранг: Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992; D.Yusupova. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari.– Т.: “TA’LIM-MEDIA”, 2019.

² Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – Б. 127.

³ Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 353.

Мухаммас таъби худ йўналишида бўлиб, бунда муаллиф бошқа шоир шеърини асос қилиб олмасдан, ўзи мустақил равишда бешлик яратган. Мухаммас *рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун ёки фоилон, -V - -/-V - -/-V - -/-V - (~)*) вазнида яратилган бўлиб, *ааааа, бббба, вввва...* тарзида қофияланган. *Ёр, бор, дийдор, сазовор, изҳор* қофиядош сўзларидаги “р” ундоши равий ҳисобланиб, барча мисраларини бириктириб, ўзаро боғлаб турибди. “*Айладинг*” радифи эса матлаъ ва ҳар қайси байт охирида такрорланиб келган. Мухаммаснинг иккинчи банди *рамали мусаммани мақсур (-V - -/-V - -/-V - -/-V ~)* вазнида ёзилган.

Эркин Воҳидовнинг арман қизига бағишланган мухаммаси ҳам *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида бўлиб, 4 банддан иборат.

*Кўрдиму лол бўлди ақлим, ўнгмиди бу, ёки туш,
Бўлса ҳам ўнг сени кўргач, ё бошимдан учди ҳуш,
Сен баланд тоғ узра эрдинг, мисли оҳу ёки қуш,
Ёлвориб мен настда дердим: Бир нафас ёнимга туш,
Азгануш, ҳой Азганушим, Азганушжон, Азгануш¹!*

Мазкур мухаммасда “ўнгмиди бу, ёки туш” мисрасидаги саволу жавоб, тазод шеър бадииятини таъминлаган. Мухаммаснинг тўртинчи банди қолган бандлардан фарқли равишда *рамали мусаммани мақсур*да ёзилган. Ушбу бандда *йироқ, бироқ, иштиёқ, қучоқ* сўзлари ўзаро қофиядош бўлиб келган. Мумтоз анъаналар асосида икки вазннинг бир шеър таркибида қўлланиши мухаммас оҳангининг таъсирчанлигини оширган.

XX аср иккинчи ярми шеърлятида *рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* (-V - -/-V - -/-V - -/-V -(~)) вазнида ёзилган мухаммаснинг тахмис тури ҳам ўзига хос ўринга эга. Маълумки, тахмис ғазал асосида ёзилади. Бунда муайян ғазалнинг ҳар бир байти олдидан учтадан янги мисра кўшилади. Мумтоз адабиётимизда шоирларнинг ўз ғазалларига ҳам (Алишер Навоий, Огаҳий), бошқа муаллифларнинг ғазалларига ҳам мухаммас боғлаганликлари

¹ Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б. 143.

маълум. Д.Юсупованинг “Алишер Навоий тахмислари” мақоласида Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”га киритилган 10 мухаммасидан барчаси тахмис, яъни ғазални бешлангириш асосида вужудга келган мухаммас ҳисобланиши; мухаммаснинг 3 таси “малик ул- калом” Лутфийга, қолган 7 таси эса шоирнинг ўз ғазаллари асосида яратилганлиги билан характерланиши таъкидланади.

Мумтоз адабиётимиз тарихида иждоқорнинг ўз ғазалига тахмис битиш ходисаси кам учрайди ¹. Анъанага мувофиқ, XX аср иккинчи ярми шеърлятида ҳам тахмис боғланган ғазалнинг вазни ва қофияси сақлаб қолинган. “Мухаммас (тахмис Ш.Р.) жанрининг қатъий талаблари бор: салафлар ғазалига боғланган уч мисра ғазал байтларига ҳам мазмун, ҳам вазн, ҳам санъат жиҳатидан шу қадар уйғунлашмоғи зарурки, ҳар беш мисра гўё бир шоир қаламидан чиққандек тасаввур ҳосил қилиши керак². XX аср иккинчи ярмида яратилган тахмислар ана шу талабларга тўлақонли жавоб беришига кўра ҳам алоҳида аҳамиятга эга. *Рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* вазнида ёзилган мухаммаснинг мазкур тури Ҳабибий ижодида 5 та, Собир Абдуллада 1 та, Чустий ижодида 3 та, Эркин Воҳидов ижодида 4 тани ташкил қилади.

Ҳабибий Алишер Навоий, Фузулий (2 та), Фурқат, Собир Абдулланинг мазкур вазнда битилган ғазалларига, Собир Абдулла фақат Муқимийнинг “Ошкор ўлғай сирим” радифли ғазалига, Чустий Фузулийнинг 2 та ва Муқимийнинг 1 та ғазалига, Эркин Воҳидов Алишер Навоийнинг 3 та, Фузулийнинг 1 та ғазалига, Абдулла Орипов Алишер Навоийнинг 1 тағазалига тахмис боғлаган (14-иловага қаранг).

Эркин Воҳидов ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 98-, 169-рақамли ғазалларига тахмис боғлаган. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 169-рақам остида ўрин олган ғазали 7 байт бўлиб, Эркин Воҳидов тахмисида барча байтлар акс этади.

¹ Юсупова Д. Алишер Навоий тахмислари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2013. – №2. – 143.

² Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат. – Б. 175.

Шоир тахмис боғлашда вазни ҳам сақлаб қолган. Ғазал мавзуси тахмисда маҳорат билан давом эттирилади. Ғазалнинг 7-байти биринчи мисраси *рамали мусаммани мақсурда*, Эркин Воҳидов ҳам тахмиснинг охириги бандида ушбу вазни қўллайди. Қуйида тахмиснинг сўнгги бандини келтирамиз:

*Сун қадаҳ, бергил менга жоним ҳақин, эй пири дайр,
Ким қадаҳлар зарбидан чиқсин чақин, эй пири дайр,
Борми Эркинга ул устоздин яқин, эй пири дайр,
Ғарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илгига чун ким Навоий бода киштисин олур¹.*

Шу ўринда Ҳабибий томонидан Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонидан 566-рақам остида ўрин олган ғазалига² боғланган тахмисини ҳам таҳлил қилсак. Алишер Навоийнинг мазкур ғазали 7 байт бўлиб, аруз тизимининг *рамали мусаммани маҳзүф (мақсур)* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (фоилон)*: –V – –/–V – –/–V – –/–V – (~)) вазнида ёзилган. Ҳабибий ғазалга тахмис боғлаш жараёнида унинг вазнини сақлаб қолган. Зеро, ғазалга тахмис боғланганда унда қўлланилган вазни сақлаб қолиш ҳам тахмиснависликнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Қуйида мухаммаснинг биринчи бандини мисол сифатида келтирамиз:

*Васлидин қилдим умид, андишайи хомим била,
Келмади бир йўл кутиб таклифи эълومим била,
Қайда бўлсин шодлиғ бу қора айёмим била,
Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,
Бир нафас уйрулмади даврон менинг комим била³.*

Бандда ажратиб кўрсатилган мисралар Алишер Навоий қаламига мансуб бўлиб, юқоридаги уч мисра Ҳабибий томонидан битилган. Тахмиснинг қофияланиш тизими: *ааааа* шаклидадир. Қофия асосини равий ҳарфи ташкил

¹Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: Sharq НМК, 2018. – Б. 404.

²Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20 томлик. – Т.: Фан, 1990. – Б. 298.

³Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 390.

қилган. Тахмисда равий: *хомим, эълومим, айёмим, гуландомим, комим* кофиядош сўзларидаги биринчи “м” ундоши ҳисобланиб, барча мисраларни бириктириб, ўзаро боғлаб турибди. “Била” радифи эса матлаъ ва ҳар қайси байт охирида такрорланиб келган. Ҳабибий тахмисида худди Алишер Навоий ғазали сингари 1, 3, 4 ва 7-мисралар *рамали мусаммани маҳзуф*да бўлса, қолган 2, 5, 6-мисралар эса *рамали мусаммани мақсур* вазнида яратилган. Шунинг учун биз тахмиснинг вазнини ҳам *рамали мусаммани маҳзуф* ҳам *рамали мусаммани мақсур* вазни деб белгиладик. Ҳабибий тахмис яратишда Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонидаги ғазалнинг барча байтларидан фойдаланган. Шунини таъкидлаш лозимки, ғазалнинг барча байтларига тахмис боғлаш адабиётимизда кам учрайди.

Навбатдаги вазн *рамали мусаммани махбуни маҳзуф* (V V – –/VV – –/VV – –/VV –) бўлиб, биз тадқиқ этаётган шоирларнинг мустақил (таъби худ) мухаммасларида учрамайди. Бу шунини кўрсатадики, шоирларимиз ушбу вазнда мустақил мухаммас ёзмаганлар. Собир Абдулла Лутфийнинг “Сенсан севарим...” девонидаги “Бу кўнгулдур, бу кўнгул”¹ радифли ғазалига боғлаган тахмисидagina *рамали мусаммани махбуни маҳзуф* бор. Бунда у Лутфий қўллаган вазнини тахмис ёзиш талабига кўра сақлаб қолган.

Собир Абдулла:

*Ишқ даъво қиладурган бу кўнгулдур бу кўнгул,
Меҳр пайдо қиладурган бу кўнгулдур бу кўнгул,
Гаҳи завго қиладурган бу кўнгулдур бу кўнгул,*

Лутфий:

*Мени шайдо қиладургон бу кўнгулдур бу кўнгул,
Хору расво қиладургон бу кўнгулдур бу кўнгул².*

Келтирилган тахмис аруз тизимининг *рамали мусаммани махбуни маҳзуф(мақсур)* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фаилотун фаилотун*

¹Лутфий. Сенсан севарим. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 146.

²Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 208.

фаилун –V– –/VV – –/VV – –/VV – (VV ~)¹ ўлчовида битилган. Эътибор қилинса, Лутфийнинг ғазалида ўта чўзиқ ҳижо деярли учрамайди. Лекин Собир Абдулланинг мисрасида (*шиқ, меҳр*) бу ҳолатни кузатамиз. Анъанага мувофиқ, одатда, ғазалга тахмис боғланаётганда унинг бандлари сони ғазал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига кўра, ғазалдаги айрим байтларга тахмис битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши мумкин. Айнан шу ҳолат юқоридаги тахмисда ҳам кузатилади. Тахмисга асос бўлган Лутфий ғазали аслида ҳажман 7 байтдан иборат. Аммо тахмис боғланганда унинг уч байти қисқартирилиб, 4 банд ҳолига келтирилган. Хусусан, Собир Абдулла тахмисидан Лутфий ғазалининг 2-, 3-, 6-байтлари учрамайди.

Навбатдаги ўлчов рамал баҳрининг мусаддас ўлчовлари ҳисобланиб, булар *рамали мусаддаси маҳзуф* (–V – –/–V – –/–V –) ва *рамали мусаддаси мақсур* (–V – –/–V – –/–V ~)дир. *Рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур)* (–V – –/–V – –/–V –(–V ~)) вазнида Собир Абдулла 1 та мустақил мухаммас ва тахмис, Чустий 9 та мустақил (табъи худ) ва 1 та тахмис мухаммаслар яратган. Собир Абдулланинг тахмиси Нодиранинг “Эҳтиёж” радибли ғазалига боғланган. Тахмисга ғазалнинг 5-, 6-, 7-, 8-байтлари киритилмаган. Тахмис қуйидаги банд билан бошланади:

*Айлагай ғамга гирифтор эҳтиёж,
 Ҳам қилур тунларда бедор эҳтиёж,
 Қилса ҳам мажбуру ночор эҳтиёж,
 Қилмагил зинҳор изҳор эҳтиёж –
 Ким, азиз элни қилур хор эҳтиёж².*

Ушбу банд *рамали мусаддаси мақсур* (руқнлари ва тақтиъи: *фоилотун* *фоилотун* *фоилон* –V – –/–V – –/–V~)да ёзилган. Мухаммаснинг ажратилган қисми Нодира қаламига, юқоридаги уч мисра эса Собир Абдуллага тегишлидир. Тахмисга эътибор қаратсак, мисралар таркибида *фоилотун* (–V

¹ Изох: Лутфийнинг “Бу кўнгулдуру – бу кўнгул” ғазалининг 1-, 2-, 3-, 4-, 5-байти *рамали мусаммани махбуни маҳзуфда*, 6-байтнинг биринчи мисраси *рамали мусаммани махбуни мақсурда*, 7-байтнинг биринчи мисраси эса *рамали мусаммани махбуни мақтуъ* вазнида ёзилган.

² Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 175.

– –) аслининг кетма-кет такрорланиб келиши ёқимли оҳангни вужудга келтирган ¹. Ҳабибий ғазалиётида мазкур вазнда ёзилган тахмислар учрамайди.

Бу давр шеърлятида мухаммаснависликда ҳам қўлланилиш жиҳатидан *ҳазаж* баҳри иккинчи ўринда туради. Бу баҳрда Ҳабибийда 22 та, Собир Абдуллада 17 та, Чустийда 38 та, Эркин Воҳидовда 2 та мухаммас учрайди. Мухаммас яратишда *ҳазаж* баҳри ўлчовлари орасида *ҳазажи мусаммани солим* (V – – – /V – – – /V – – – /V – – –) вазни фаол. Мазкур вазнда Ҳабибийнинг 19 та, Собир Абдулланинг 16 та, Чустийнинг 29 та, Эркин Воҳидовда 2 та мухаммаси мавжуд. Масалан, Ҳабибийнинг “Жононимга” мухаммаси *ҳазажи мусаммани солим* вазни намунаси ҳисобланади ва куйидаги банд билан бошланади:

*Баён эт, эй сабо, арзимни бир-бир жоножонимга,
Қулоқ солгай қачон булбул каби чеккан фиғонимга,
Сингиб кетган шарафли меҳру қону устихонимга,
Ҳужум этгай рақиблар бир балокаш хаста жонимга,
Жунун таъсир этар деб қўрқаман покиза қонимга².*

Собир Абдулланинг “Шоир Сайфий марсияси”, Чустийнинг “Расул қори Мадалиевга” марсиялари ҳам мухаммас шаклида бўлиб, ҳар иккала шеър ҳам *ҳазажи мусаммани солим* ўлчовида битилган (14-иловага қаранг).

XX аср иккинчи ярми шеърлятида биз тадқиқ қилаётган шоирлар шеърлятида *ҳазажи мусаммани солим* вазнида ёзилган тахмислар ҳам учрайди. Жумладан, Ҳабибий Фурқатнинг *ҳазажи мусаммани солим* вазнида ёзилган ғазалига, Чустий Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 243- “Этмиш” радифли ғазалига, шунингдек, Муқимийнинг “Бир менму” ғазалига, Эркин Воҳидов Заҳириддин Бобурнинг “Қачон бўлғай мушарраф бўлғамен, жоно, жамолингға?” ғазалига, қозоқ шоири Жумақент Нажмиддиновнинг ғазалига тахмис боғлаган. Ҳабибий ҳам, Чустий ҳам,

¹ Изох: Собир Абдулла тахмиснинг мақтаёсида “*Комила*” сўзи “*Нодира*” жумласига ўзгартирилган. Асл матнда эса “*Комила*” қўлланилган.

² Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 345.

Эркин Воҳидов ҳам ғазалларга тахмис боғлаш жараёнида вазни сақлаб қолганлар (14-иловага қаранг).

Навбатдаги ўлчов *ҳазажи мусаммани мусаббағ* вазни ҳисобланиб, Ҳабибийнинг 1 та, Собир Абдулланинг 1 та, Чустийнинг 2 та мустақил ва 1 та тахмис мухаммаси шу вазнда битилган.

*Саёҳат айладим, кўрдим ажойиб ранг-баранг ялқов,
Буюрсанг андаки бир ишни, қўзғалгай аранг ялқов,
Олифта баъзиси, мағрури кеккайган, сатанг ялқов,
Ва лекин баъзиси тунду қўпол, дамдуз, тажсанг, ялқов,
Билимсиз, ишга тўмтоқ, бадқовоқ, ношуд, гаранг ялқов¹.*

Ёки:

*Сочиб ўт, комига тортар кишини, аждаҳойи нафс,
Ютишда баъзиларда аждаҳодан зўр балойи нафс,
Қадрдон халта-хуржунни гадодек ошнойи нафс,
Тўяр халқнинг ҳисобига, чиқиб қорни бинойи нафс,
Тушар тергов тузоғига бирор кун, бу балойи нафс².*

Ёки:

*Табиат меҳрибонлик бирла бергай меҳрибон фарзанд,
Бўлур орзу жаҳонингдан кишига армуғон фарзанд,
Ул уйда тўй тугилгай – кўрса ҳар бир хонадон фарзанд,
Тили чиққач, қилур уй аҳлини ширин забон фарзанд,
Тараддудга солур ота-онани ҳар замон фарзанд³*

сингари мустақил мухаммас матлаълари *ҳазажи мусаммани мусаббағ* (руқнлари ва тақтиъи: *мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V – – – /V – – – /V – – – /V – – ~*)да бўлса, Чустий Фузулийнинг мазкур вазндаги

¹ Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 425.

² Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 103.

³ Чустий. Садоқат гуллари. – Т.: Внешторгиздат, 1992. – Б. 281.

ғазалига (“Ўландан сўр”) тахмис боғлаган¹. Тахмис боғлаш жараёнида Чустий Фузулий ғазалининг вазнини, қофиясини, радифини сақлаб қолган.

Чустий:

*Тиканлар нишини захрини гулга ёр ўландан сўр,
Муҳаббат лолазорин кўзлари хунбор ўландан сўр,
Фироқинг дардини ҳар дам давога зор ўландан сўр.*

Фузулий:

***Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зилоли шавқ завқин ташнаи дийдор ўландан сўр².***

Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, мисраларда 1-, 2-, 3-рукни – мафойилун, сўнгги 4-рукни эса худди ғазалининг охириги рукнига ўхшаб мафойилон билан ифодаланган. Муҳаммасда 4 та қисқа, 11 та чўзиқ, 1 та ўта чўзиқ ҳижо қатнашган. Чустий ғазалга тахмис боғлаш жараёнида байтларнинг барчасидан фойдаланган.

Навбатдаги вазн *ҳазажи мусаммани аштар* бўлиб, унда Собир Абдулланинг 4 та мустақил муҳаммаси ёзилган. Мазкур ўлчовда яратилган муҳаммас намуналари Ҳабибий, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижодида учрамайди. Хусусан, Собир Абдулланинг “Беғараз насиҳат” муҳаммасининг дастлабки банди қуйидагича бошланади:

*Калта ўйламай шеър ёз, ўйлашиб узун ҳал қил,
Якка-дукка гап тузмай, сатрини муфассал қил,
Бўлма камбағал, тилга бойлигинг мукаммал қил,
Маънили, ширинликдан халқни унга маҳтал қил,
Умрузоқ асарлардан сен ўзингга ҳайкал қил³.*

Англашиладики, келтирилган банд *ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаммани аштар* (– V – /V – – –/ – V – /V – – –) ўлчовида яратилган бўлиб, панд-насиҳат мавзусида ёзилган. Муҳаммаснинг 1-ва 3-рукни мафойилун

¹ Фузулий. Девон. Икки жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. – Б. 127.

² Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 390.

³ Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 2-том. – Т.: Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 129.

аслининг аштар тармоғи – *фоилун* (– V –)га ҳамда иккинчи ва тўртинчи рукнлар эса солимига тенг. Мухаммас бандидаги *муфассал-мукаммал* сўзлари таносубни *калта-узун, камбагал-бой* сўзлари эса ўзаро зид маъноларни ифодалаш билан тазодни вужудга келтиради.

XX аср иккинчи ярми шеъриятида ҳазаж баҳрининг мусамман вазнлари *ҳазажи мусаммани ахраб* (Ҳабибийда 3 та, Собир Абдуллада 3 та, Чустийда 1 та), *ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф* (Ҳабибийда 1 та, Собир Абдуллада 3, Чустийда 2 та), ҳазаж баҳрининг мусаддас ўлчовлари *ҳазажи масаддаси маҳзуф* (Ҳабибийда 6 та, Собир Абдуллада 4 та), *ҳазажи мусаддаси мақсур* (Ҳабибийда 1 та, Чустийда 2 та) вазнларидаги мухаммаслар ҳам учрайди (11-, 12-, 13-иловаларга қаранг).

Мужтасс баҳрига оид *мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф, мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ* ўлчовларида ҳам мухаммас битилган бўлиб, *мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф* (V – V –/ V V – –/ V – V –/ V V –) вазнида Ҳабибийнинг 4 та, Собир Абдулланинг 9 та мустақил мухаммаси яратилган. Мазкур вазнда фақат Абдулла Орипов Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 203-рақамли ғазалига тахмис боғлаган. Шоир тахмисиди ғазалнинг барча байтлари акс этади.

Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ (V – V –/ V V – –/ V – V –/ – –)да ҳам Ҳабибий (3 та мустақил мухаммас ва 1 та тахмис), Собир Абдулла (2 та мустақил мухаммас) мухаммаслар яратдилар. Чустий ушбу вазнда яратган тахмисини Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 371-ғазалига боғлади. Ғазал қуйидаги байт билан бошланади:

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилгил¹,

Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил².

Матлаъдан маълум бўладики, ғазал аруз тизимининг *мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ*, яъни *мафоилун фаилотун мафоилун фаълун* ўлчовида ёзилган. Чустий ҳам ғазалга тахмис боғлаш жараёнида ғазалнинг

¹ Изоҳ: Чустий тахмисиди “қилгил” радибли “қилгил” тарзида қўллайди.

² Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. ТАТ. 10 жилдлик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.1. – Б. 320.

вазнини, қофия тизимини сақлаб қолган. Биламизки, Алишер Навоий ғазалининг радифи “қилғил” соф туркийча сўз бўлиб, Чустийнинг ҳам тахмисида радиф сифатида такрорланади.

*Қуёш юзим келу бир тарки моуман қилғил,
Ширин сўзим келу йўл ширинсухан қилғил,
Фидо ўзум, келу бир раҳми жону тан қилғил¹.*

Чустий Алишер Навоийнинг ғазалида келтирилган фикрларни мантиқан ривожлантириб, уни ўз ижодий ғоялари билан тўлдирган. Шу сабабли Чустийнинг тахмиси унга асос бўлган ғазал билан уйғунлашиб кетган.

Мусамматларнинг навбатдаги тури мусаддас ҳисобланиб, у арабча “олтилик” деган маънони ифодалайди. “Биринчи банднинг мисралари ўзаро (а-а-а-а-а) ва кейинги бандларнинг охирги мисралари биринчи банд билан қофиядош бўлади”². Адабиётшуносларимиз мусаддас мустақил ёзилиши ёки ўзининг ё бошқа шоир ғазали асосида яратилиши мумкинлигини таъкидлашади³.

Мусаддаслар даставвал туркий (ўзбек) адабиётида Алишер Навоий ижодида қўлланилган. Бу ҳақда У.Тўйчиев “Адабий турлар ва жанрлар” китобида, “Мусаддасни қўллаш Навойдан бошланади, унда эркин ишқ масаласи акс этди”, – деб таъкидлайди⁴. “Хазойин ул-маоний” куллиётидаги 5 та мусаддасдан биттаси таъби худ мусаддас бўлса, қолган барчаси тасдис шаклига эга. Улардан 2 таси Лутфийга, биттаси Ҳусайнийга ва биттаси шоирнинг ўз ғазалига боғланган тасдисдир⁵.

XX аср иккинчи ярми шеърлятида, жумладан, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижодида тасдис, яъни ғазални

¹ Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 386.

² Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – Б. 112.

³ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976. – Б. 79; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 222; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 62; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – Б. 112; Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: “TA’LIM-MEDIA”, 2019. – Б. 143.

⁴ Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 113.

⁵ Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Т.: TAMADDUN, 2016. – Б. 55.

олтилангириш асосида яратилган мусаддаслар учрамайди. Фақат таъби худ, яъни мустикал мусаддаслар учрайди. Хусусан, Ҳабибий 3 та, Собир Абдулла 4 та, Чустий 22 та мустикал мусаддас яратган¹ (16-иловага қаранг). Улар томонидан яратилган мустикал мусаддаслар аруз тизимининг *рамал, ҳазаж, мутақориб, мужтасс* баҳрларининг вазнларида битилган. Давр шоирлари ижодида яратилган мустикал мусаддаслар а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, д-д-д-д-а-а тарзида қофияланган. Чунки яратилган мустикал мусаддасларнинг сўнги икки мисраси нақорат тарзида ҳар бир банд охирида такрорланиб келади. Худди шундай мусаддаслардан бири Ҳабибийнинг “Отахонлар” шеъри ҳисобланади.

*Бу кўҳна жаҳон боғида боғбон отахонлар,
Авлоди башар тухмига деҳқон отахонлар,
Инсонлар аро энг улуғ инсон отахонлар,
Зўр тарбиячи, уста билимдон отахонлар,
Эй бир-бирига ёру қадрдон отахонлар,
Йўқ сизда ғаму ҳасрату армон отахонлар².*

деб бошланувчи мусаддаснинг матлаъ байти *ҳазаж* мусаммани *ахраби макфуфи маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: мафъувлу мафоййлу мафоййлу фаувлун – – V /V – – V/V – – V /V – –) вазнида, “отахонлар” радифи асосида яратилган. Ушбу мусаддас яратилиш хусусиятига кўра таъби худ, яъни мустикал мусаддас ҳисобланади. Ҳажман 5 банддан иборат бўлиб, 30 мисрани ўз ичига олади. Мусаддас ёши улуғ, “жаҳон боғида боғбон”, ҳаётнинг “уста билимдон” отахонларига бағишланади.

Чустий “Ўқинг аъло бўлинг дерман” шеъри орқали мусаддасчиликка *ҳазаж* мураббаъи *солим* вазнини олиб кирди (16-иловага қаранг). Шоирнинг мазкур мусаддаси келажак авлодга мурожаат тарзида бўлиб, таълимий мазмунни ўзида акс эттиради. Мусаддасда ҳар банд охирида:

¹ Изох: Чустийнинг “Ҳаётнома” девонида “Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомий ғазалига мусаддаси” (Фоний девонидан) ҳам киритилган. Бу мусаддас бевосита Чустийнинг ўз ижоди эмас, балки таржима бўлганлиги учун биз уни бу микдорга киритмадик.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 453.

Ўқиб аъло бўлинг дерман,

Етук доно бўлинг дерман

байти такрорланади, шу маънода ушбу мусаддасни *мутакаррир* мусаддас дейиш мумкин. Мусаддаснинг умумий ҳажми 9 банд, 54 мисрани ташкил этади. Чустийнинг мазкур мусаддасининг матни “Садоқат гуллари” девонида тўлиқ бўлмаганлиги сабабли асл матндан фойдаландик¹.

XX аср иккинчи ярми шеърлятида, хусусан, Чустий томонидан яратилган мусаддасларда вазн бузилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Биз буни Чустийнинг “Кўнгил тилаги” девонига киритилган “Катта-кичик” мусаддаси мисолида кўриб ўтамыз. Мусаддас куйидаги банд билан бошланади:

Ассалом эй, ёру дўст(у) ёшу қари, катта-кичик,

Сўз тополсам кошки эрди сиз(лар)ни хурсанд этгулик,

Мен кириб ҳар дам тафаккур оламин кездим тетик,

Икки сўз кўрдим ҳақиқат олами(да) нурдан битик,

Арзимас бир пулга дебдир очса минг бойлик эшик,

Бўлмаса гар тан сиҳатлик бирла хотир(и)жамлик².

Келтирилган мусаддасда деярли ҳар бир байтида бўғин ортиш ҳодисаси кузатилади. Бу ҳолат эса вазннинг бузилишига сабаб бўлган. Биз мусаддасдаги вазн талаби билан ортиқча бўғинларни қавс ичига олдик. Гарчи мусаддаснинг вазни бузилган бўлса ҳам, шартли равишда уни *рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*: – V – –/–V – –/–V – –/–V –(–)) деб белгиладик. Шунингдек, Чустийнинг бошқа мусаддасларида, хусусан, “Тасаддуқман”, “Зўр авлод” каби шеърлярида ҳам вазн бузилиш ҳолатларини кузатиш мумкин.

¹ Изоҳ: мусаддаснинг асл матни Набихон Чустийнинг қариндоши Фароғатхон Хўжаева тақдим қилган кўлёзмадан фойдаланилди.

² Чустий. Кўнгил тилаги. – Т.: Фан, 1994. – Б. 224.

Навбатдаги жанр мусамман деб аталиб, арабча “саккизлик” деган маънони ифодалайди. Мазкур жанр ҳам мухаммас, мусаддас сингари 2 га бўлинади:

1. Табъи худ, яъни мустақил мусамманлар;
2. Тасмин, яъни ғазални саккизлантириш асосида яратиладиган мусамманлар.

Мусамманнинг 2-тури, яъни тасминлар XX аср иккинчи ярми шеърлятида, хусусан, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижодида учрамайди. Табъи худ мусамманлар эса Собир Абдулла (1 та), Чустий (2 та) ижодида учрайди. У.Тўйчиев туркий адабиётда мусамманнинг илк бор қўлланилиши Юсуф Амирий номи билан боғлиқлигини таъкидлайди¹.

Собир Абдулла девонида битта мусамман бўлиб, у рамал баҳрининг *рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* вазнида яратилган. Мусамман а-а-а-а-а-а-а-а-б-б тарзида қофияланган, 9 банд – жами 72 мисрадан иборат. Мусамманда охириги байт барча бандларда (таржиъбанд сингари) такрорланади. Собир Абдулланинг “*Фронтга мактуб*” мусаммани шоир Амин Умарий билан ҳамкорликда ёзилган². Бу ҳақда У.Тўйчиев: “Янги онг мусамманларда ҳам (...Собир Абдулла, Амин Умарий “Фронтга мактуб”) хукмрон ижодий руҳга айланди”³, – дея таъкидлайди. Албатта, шеър мазмуни давр нуқтайи назарига кўра маънан эскирган. Лекин вазн нуқтаи назаридан мисол сифатида кўрсатилиши мумкин.

Чустийнинг “*Олийҳиммат чувтлигим*”, “*Тўёна*” сингари мусамманлари аруз тизимининг *рамали мусаддаси маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун –V – –/–V – –/–V –*) вазнидадир. Хусусан, “*Олийҳиммат чувтлигим*” мусамманини кўриб ўтсак. Мусамман Чустийнинг “Кўнгил тилаги” девонига киритилган. Шоирнинг мазкур етти бандли мусамманида биринчи банд тўлиқ, кейинги бандлар эса олти мисра ўзаро ва охириги икки

¹ Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 223.

² Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 265.

³ Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 224.

мисралар биринчи банд билан ўзаро қофиядош бўлиб келади. Яъни а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-в-в-а-а тарзида қофияланган. Шеър мураддаф (радибли) бўлиб, “чустлигим” жумласи радиф вазифасида келган. Ушбу мусамман мазмунига кўра чустликларнинг том маънодаги мадҳига бағишлаб яратилган. Мусамманда шоир чустликларни мард, шерсалобат, ҳалол меҳнат орқали роҳат топишини мадҳ этади. Уларнинг ҳунарманд, баҳодир, лафзи ҳалоллиги, хирмони Тяншан, Элбрус тоғига қиёсланади. Шеър қуйидаги банд билан бошланади:

*Тўй муборак, эй бадавлат чустлигим,
Қутли янги шону шуҳрат чустлигим,
Марду майдон, шерсалобат чустлигим,
Меҳнатингиз кони роҳат чустлигим,
Ҳуснингизнинг нури ғайрат чустлигим,
Табрик этмоқ менга одат чустлигим,
Минг тасанно, олиҳиммат чустлигим,
Сизга раҳмат, сизга раҳмат чустлигим¹.*

XX аср иккинчи ярми шеъриятида муашшар жанри ҳам алоҳида ўрин тутди. Маълумки, муашшар арабча “ўнлик” деган маънони ифодалайди. Адабий истилоҳ сифатида ҳар банди ўн байтдан таркиб топувчи лирик шеър ҳисобланади. А.Ҳожиаҳмедов “Мумтоз бадиият луғати” китобида: “Бундай асарларда биринчи банддаги ўнта мисра қофияланиб, кейинги бандларнинг 8 мисраси мустақил қофияга эга бўлади, охирги 9-, 10-мисралар эса биринчи банд билан қофиядош бўлади”, – деб таъкидлайди². Баъзан акси ҳам бўлиши мумкин (масалан, Нодиранинг “Фироқнома” муашшари). Адабиётимизда муашшарнинг дастлабки кўриниши Нодира шеърияти билан боғлиқ. XX аср иккинчи ярми шеъриятида Собир Абдулла ижодида иккита (“Қудратли кўллар гуллаган чўллар қиссаси”, “Босинг сиз илгари”), Чустий ижодида эса битта (“Башар душмани – душманимдир менинг”) муашшар учрайди.

¹ Чустий. Кўнгил тилаги. – Т.: Фан, 1994. – Б. 229.

² Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 41.

Собир Абдулланинг “Қудратли қўллар гуллаган чўллар қиссаси” муашшари мутақориб баҳрининг *мутақориби мусаммани мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаал: V – –/ V – –/ V – –/ V ~) вазнида ёзилган. Муашшар 10 бандли бўлиб, ҳар бир банд 10 байтни ўз ичига олади (жами 100 мисра). Муашшар анъанага мувофиқ а-а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-в-в-в-в-а-а тарзида қофияланган. Қуйидаги байт билан бошланади:

Жаҳон бармоғи тишиланиб, ақли лол,

Бўлиб чин, ҳар афсонаю эҳтимол¹.

Чустийнинг “Башар душмани – душманимдир менинг” муашшари Собир Абдулла шеъри вазнидан охириги ҳижонинг чўзиқлиги билан фарқланувчи *мутақориби мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаал: V – –/ V – –/ V – –/ V –) вазнида ёзилган. Мазкур муашшар Чустийнинг “Ҳаётнома” девонидан ўрин олган. Қофияланиш тизими Собир Абдулланинг муашшаридан фарқли ўлароқ, а-а-а-а-а-а-а-а-б-б, б-б-б-б-б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-в-в-в-в-а-а тарзидадир. Муашшар 9 банд – жами 90 мисрадан иборат. Банднинг охиридаги

Башар душмани – душманимдир менинг,

Башар гулшани – гулшанимдир менинг,

мисралари айнан нақорат тарзида такрорланади. “Башар душмани – душманимдир менинг” муашшари ҳозирги кундаги инсоният маънавиятига раҳна солаётган инсон муаммосига бағишланган. Муашшарнинг биринчи банди қуйидагича:

Демшилар нечадур башар душмани,

Сўзи оғу мутлақ, заҳар кулгани,

Чаён янглиғ наштадур уриштир фани,

Жаҳаннам ўтидур улар гулхани,

Фақат зулм эрур, зулм эрур қилгани,

Гараз тўла жону қалбу тани,

¹ Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадий адабиёт, 1965. – Б. 204.

*Муроди хароб айламоқ, ҳаммани,
Ёмон дер менисенга, сенга мани,
Башар душмани – душманимдир менинг,
Башар гулиани – гулианимдир менинг¹.*

Муашшар матлаъсидаёқ башарият душмани сўзи оғу, заҳар кулгули чаён монанд фақат зулм, жони ғаразга тўла инсоният душманларига хитоб намоён бўлади.

3.2-§. Байт асосидаги бандли шеърларнинг ўлчов имкониятлари

Адабиёт назариясига оид китобларда бандга асосланган шеър шакллари туркий (ўзбек) адабиётда тахминан XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қўлланила бошланганлиги айтилади². Уларга маснавий, таржиъбанд, таркиббанд ва соқийнома жанрлари киради. Қайд этилган жанрларнинг дастлабки учтаси шаклий жиҳатидан ҳам байтга, ҳам бандга асосланган шеър шакли хусусиятларига мос тушади. “Соқийноманинг эса жанр хусусиятларини белгилашда мазмун етакчилик қилса-да, унинг маснавий усулида қофияланиши мазкур жанрни ҳам ушбу гуруҳга киритишга асос бўлди”³. У.Тўйчиевнинг фикрича, бандни уюштирувчи нарса, энг аввало, унинг қолипи, яъни вазн ва қофия эмас, балки бу қолипга қуйилган мазмундир. Дарҳақиқат, ижодкор томонидан танланган шеър шакли у ифода этмоқчи бўлган мазмунга мос бўлиши керак. “Бандни мазмун танлайди, агар тўртлик, иккилик ёки кўлами кенг мураккаб бандлар катта эпик ҳодисаларни акс эттиришга мос бўлса; рубоий, фард, қитъа каби ихчам поэтик формалар оний кечинмалар, кундалик мушоҳадалар, фалсафий ўйларни лўнда ифодалаш ишига қулайроқ”⁴.

XX аср иккинчи ярми шеър шаклида, жумладан, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий ижодида ҳам маснавий, таржиъбанд, таркиббанд жанрларида ёзилган шеър намуналари учрайди. “Ушбу жанрлар таркибига кўра ҳам байт (ғазал

¹ Чустий. Ҳаётнома. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 338.

² Қаранг: Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976; Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992.

³ Yusupova D. Aruz vazni qoidalarini va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 147.

⁴ Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985. – Б. 254.

асосидаги қофияланиш тизимини ўз ичига олганлиги ёки байтлардан иборат бўлганлиги учун) ҳам банд (таркибан давомийликни тақозо қилганлиги ва бандларни вужудга келтирганлиги учун)га асосланган шеър шакллари ҳисобланади”¹. Мазкур жанрлар давр шеърлятида аруз тизимининг *рамал*, *ҳазаж*, *мутақориб* баҳри вазнларида яратилган.

Бандга асосланган дастлабки жанр маснавий бўлиб, адабиётимизда воқеабандлиги билан ўзига хосдир. Маснавий арабча “иккилик” сўзидан олинган бўлиб, ҳар икки мисраси ўзаро қофияланувчи бандлардан ташкил топган жанр ҳисобланади. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунунул-балоға” асарида “Маснавий ики мисра бўлур. Икаласи муқаффо (ўзаро қофияланувчи – Ш.Р.), нетокким, манзум қиссаларни маснавий қилибтурлар”, – деб таъкидланади². Маснавийдаги ҳар бир иккилик банднинг ўзаро мустақил қофияланиши ижодкор учун катта эркинлик беради, бу эркинлик катта ҳажмдаги воқеабанд асарларни яратиш пайтида, айниқса, қўл келади. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонида маснавийнинг ушбу имкониятини алоҳида таъкидлаб, уни “васеъ” – кенг майдон деб атайти:

Маснавийким, бурун дедим они,

*Сўзда келди васеъ майдони*³.

Мумтоз адабиётга доир манбаларда эпик поэзияга мансуб дostonлар маснавий атамаси билан аталган. Умуман, “ҳар қайси байтдаги иккала мисра мустақил қофияланувчи шеър шакли маснавий (“иккилик”) деб юритилади⁴. Адабиётшунос У.Тўйчиев маснавий шакли катта лирик-эпик асарга ҳам ўнғай, шакли содда, ҳашамсизлигини таъкидлайди⁵. Туркий (ўзбек) адабиётида яратилган маснавийлар а-а, б-б, д-д... тарзида қофияланади. Бундай қофияланиш тизими ниҳоятда қулай бўлганлиги учун воқеабанд шеърӣ асарлар, манзумалар ва дostonлар маснавийда ёзилган”.

¹Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: ТА’ЛИМ-MEDIA, 2019. – Б. 147.

²Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. Т., Хази́на. 1996. – Б. 125.

³Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. –Т.: МАТ.7-жилд. – Б. 61.

⁴Ҳожаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 35.

⁵Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 147.

Адабиётшуносликда мумтоз адабиётимиз тарихида яратилган маснавийларни шартли равишда икки турга ажратилади:

– лирик маснавий (шоирнинг лирик кечинмалари, ҳис-туйғулари ифода этиладиган шеър шакли);

– эпик маснавий ёки достон (сюжет асосига қуриладиган катта ҳажмли асар).

XX аср иккинчи ярми шеърлятида ҳам маснавий яратишда унинг лирик туридан моҳирона фойдаланилган. Хусусан, Ҳабибий 12 та, Собир Абдулла 3 та, Чустий 7 та¹ маснавийни *рамал*, *ҳазаж*, *мутақориб*, *музориъ*, *сарийъ*, *хафиф* баҳри ўлчовларида яратган. Улар ижодида *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* вазни етакчилик қилади. *Ҳазажи мусаддаси маҳзуф* вазни қўлланилиш жиҳатидан эпик поэзияда етакчи ўринни эгаллайди. XIX асргача бўлган эпик поэзияда мазкур вазн, асосан, ишқий мавзудаги достонларда истифода этилди. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си ва умуман, барча номалар, Сайфи Саройининг “Сухайл ва Гулдурсун”, Қутбнинг “Хисрав ва Ширин”, Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврўз”, Саййид Қосимийнинг “Илоҳийнома” ва “Ҳақиқатнома” ҳамда Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонларининг мазкур вазнда битилганлиги фикримизни исботлайди.

Ўзбек эпик поэзиясида мазкур вазннинг илк бор қўлланиши Хоразмий номи билан боғлиқ. Унинг 1353–1354 йилларда яратилган “Муҳаббатнома” достони шу вазнда яратилган. Алишер Навоий ўзининг “Мезон ул-авзон” асарида турк халқида “Муҳаббатнома” деб аталган қўшиқ борлигини ва мазкур қўшиқнинг ўлчови биз юқорида тилга олган вазн билан мутаносиб келишини таъкидлайди: “Ва яна турк улусида бир суруддурким, ани “муҳаббатнома” дерлар, ул ҳазажи мусаддаси мақсур баҳридадур ва холо матрукдур, будур (байт) :

Мени оғзинг учун шайдо қилибсен

Манга йўқ қайғуни пайдо қилибсен”².

¹Изоҳ: Чустийнинг “Ҳаётнома” девонида “Ҳикоят” маснавийси ҳам киритилган. Бу маснавий бевосита Чустийнинг ўз ижоди эмас, балки Саъдийдан таржима бўлганлиги учун биз уни бу микдорга киритмадик.

²Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 томлик. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 90.

Демак, халқ оғзаки ижодидаги “муҳаббатнома” кўшиғи оҳанги билан Хоразмий “Муҳаббатнома”си вазни орасида муайян даражада алоқадорлик мавжуд экан.

Кузатишимизча, ушбу вазнда Ҳабибийнинг 5 та, Собир Абдулланинг 1 та, Чустийнинг 2 та маснавийси ёзилган. Отахон шоир Ҳабибийнинг “Замон фарҳодлари” достони мумтоз анъанага кўра маснавий шаклида яратилган бўлиб, анъанавий аа, бб, вв... тарзида қофияланган. Достон қуйидаги байт билан бошланади:

*Кел эй, ёрим, мададкорим қалам сен,
Ҳар иш қилганда ҳамкорим қалам сен¹.*

Байт *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* (рукнлари ва тақтиби: *мафойилли мафойилун фаувлун V – – – /V – – – /V – –*) вазнида ёзилган. Бу ерда *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* вазнининг достон мазмунига уйғун тарзда қўлланилганлигини кўриш мумкин. Достон Ҳабибий “Девон”идан ўрин олганлиги учун биз уни лирик маснавий қаторига қўшдик. Шоирнинг “Навоий”, “Андижон”, “Синглимга”, “8 март” маснавийлари ҳам мазкур вазндалиги билан характерлидир.

Собир Абдулланинг “Олтин куз мадҳияси” маснавийсининг матлаъ байти ҳам *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* (рукнлари ва тақтиби: *мафойилли мафойилун фаувлун: V – – – /V – – – /V – –*) вазнида бўлиб, унда тўкин-сочинлик тасвирланади, сарҳисоб фасл хусусиятлари мадҳ этилади:

*Кўнгулда завқ бериб, куз келди қайта,
Сатрларга тўлиб, сўз келди қайта².*

Чустий ҳам қуйидаги матлаъли маснавийсини мазкур вазнда ёзди:

*Гўзаллардан гўзал сурат чизибдир,
Танига бахш этиб жон киргизибдур³.*

Шоирнинг “Дўстобод” маснавийси ҳам ушбу ўлчовда битилганлигини мисол қилиш мумкин.

¹Ҳабибий. Девон. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 479.

²Абдулла Собир. Девон. – Т.: Бадий адабиёт, 1965. – Б. 281.

³Чустий. Кўнги тилаги. – Т.: Фан, 1994. – Б. 128.

Таҳлилга асос бўлган яна бир вазн *рамали мусаддаси маҳзуф*дир. Мазкур ўлчовда Чустийнинг 3 та маснавийси мавжуд. Унинг “Мактубга жавоб” маснавийси қуйидаги байт билан бошланади:

*Мужда келди менга дўстимдан саҳар,
Кўп хабарлардан мароқли мўътабар¹.*

Аслида, мумтоз адабиётда маснавийни ушбу вазнда битиш анъанаси Жалолоддин Румийдан бошланади. Унинг “Маснавийи маънавий”си мазкур ўлчовда битилган².

Чустий маснавийсининг воқеалар силсиласи лирик қаҳрамонга дўстидан мактуб келиши тасвири билан бошланади. Мактубда дўсти хонадониди қиз фарзанд туғилганлиги, унга:

Онаси дебди Сурайё яхшидир,

Отаси дебди³ Зулайҳо яхшидир, – деб ёзиб, исм қўйишда маслаҳат сўрайди. Дўсти жавобан янги туғилган қизалоққа “Кимё” исмини қўйиш таклифини беради:

*Исми жисмига муносиб, бўлди пар,
Кимёхон дунёда кимёдек яшар.*

Маснавийда қизалоққа “Кимёхон” исмини қўйиш таклифи сабаблари изоҳланади. Исм таърифи тарих билан боғланади. Ибн Сино, Низомий, Жомий, Навоий, Менделеевлар асарларида бу ном қўлланилганлиги ва энг муносиб исмлардан бири эканлиги эътироф этилади. “Мактубга жавоб” маснавийсида рамал баҳрининг ҳам *рамали мусаддаси маҳзуф* ҳам *рамали мусаддаси мақсур* вазнлари учрайди. Маснавий ҳажман 23 байтдан иборат. Унинг 2-, 9-, 11-, 13-, 19-, 20-, 21-байтлари *рамали мусаддаси мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилон: –V – –/–V – –/–V~*)да бўлса, қолган байтлари *рамали мусаддаси маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун –V – –/–V – –/–V –*) вазнига хослиги маснавий вазнини *рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур)* деб белгилашга асос бўлади.

¹ Чустий. Кўнги тилаги. – Т.: Фан, 1994. – Б. 126.

² Бобир Захириддин. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 135.

³Изоҳ: асл матнда “дебди” сўзи “деб” тарзида қўлланган. Биз вазн талаби билан “*деб*” сўзини “*дебди*” шаклида қўлладик.

Шунингдек, “Индамаслар олами”, “Бадгумон” маснавийлари ҳам мазкур вазнда битилган. Шоир ижодида *рамали мусаддаси маҳзуф* вазнда яратилган маснавийлар анъанавий мумтоз маснавийларга хос а-а, б-б, д-д ... тарзида қофияланган.

Маснавий яратишда *хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф* вазнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ҳабибий девонига киритилган “Хазина”, “Иқлим баҳори” маснавийлари айнан шу вазн талабларини ўзида мужассам этади. Уларнинг мазмуни ҳақида У.Тўйчиев: “Ҳабибий арузда ёзган маснавийларида давр қаҳрамони тасвирланди (“Хазина”, “Иқлим баҳори”)”, – деб таъкидлайди¹. Мазкур маснавийлар таҳлили уларни шартли равишда хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф ўлчовида ёзилган дейишга асос бўла олади. Сабаби мазкур маснавийларда вазн билан боғлиқ чалкашликлар бор. Масалан, “Хазина” маснавийсини олиб кўрайлик. Маснавий қуйидаги байт билан бошланади:

Ўз-бе-кис-тон-е-ри-ко-ну-ха-зи-на,

– V – – / V – V – / V V –

Хал-қи-о-лим,-де(ҳ) -қон-кам-тар-ка-ми-на².

– V – – / V – V – / V V –

Кўринадики, келтирилган байт хафиф баҳрининг *хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф* (руқнлари ва тақтиъи: *фоилотун мафоилун фаилун* – V – – / V – V – / V V –) вазни хусиятларини ифодалайди. Иккинчи мисранинг иккинчи рукнидаги 1-, 3-ҳижолаар аруздаги “васли ҳо” ҳодисаси ҳисобланади.

А.Ҳожаҳмедов таъкидлаганидек, “аруз тизимида яратилган шеъринг мисралардаги айрим ёпиқ ҳижолаарнинг охириги ундошини вазн тақозоси билан ўзидан кейин турган ва “ҳ” ундоши билан бошланувчи ҳижога кўшиб ўқиш ҳодисаси” ҳисобланади³. Юқорида келтирилган байтда ҳам “*деҳқон*” сўзининг биринчи ҳижосида турган “ҳ” ундоши кейинги “*қон*” ҳижосига улаб талаффуз қилинади. Бу жараёнда “ҳ” ундоши тушиб қолиб, “*деқон*” тарзида

¹ Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 200.

² Ҳабибий. Девон. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 467.

³ Ҳожаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 45.

ўқилади. “Васли ҳо” ҳодисасини маснавийнинг бошқа байтларида ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек, баъзи ўринларда қисқа ҳижо тарзида келиши лозим бўлган бўғинлар чўзиқ ҳижо бўлиб, яъни ёпиқ бўғин бўлиб келган. Байтдаги “камтар” сўзининг биринчи бўғини “кам” аслида чўзиқ ҳижо ҳисобланади, лекин биз вазн талабидан келиб чиқиб уни қисқа ҳижо деб белгиладик. Бундай вазн бузилиш ҳолатларини маснавийнинг деярли барча байтларида кузатиш мумкин.

XX аср иккинчи ярми шеърлятида шаклан маснавийга ўхшаш, лекин бармоқ вазнидаги шеърлар ҳам яратилган (масалан, Ҳабибий ижодида “Ўғлимга”, “Фарзандларимга”, “Икки ўртоқ”, “Муборак”, “Табрикнома”, “Наққош уста Ширин Муродовга”; Собир Абдуллада “Тўйга таклиф хати”, “Катта Фарғона канали” ва ҳоказо). Таҳлил жараёнида мазкур маснавийлар аруз ўлчовларига мос келмаслиги маълум бўлди.

Бандга асосланган кейинги жанр таржиъбанд бўлиб, туркий (ўзбек) адабиётдаги йирик ҳажмли шеър шакли ҳисобланади. Таржиъбанд арабча-форсча “қайтариш”, “бандни такрорлаш”¹, “такрорлаб боғлаш”² деган маъноларни англатиб, ҳар бири ғазалга тенг бандлардан ташкил топган ва барча бандлар охирида мустақил қофияланувчи бир байт такрорланиб келувчи шеър шакли ҳисобланади³. Бандлар охирида ўзаро қофияланувчи байт айнан такрорланиб, барча таржиъхоналарни ўзаро боғлаб туради ва восила⁴ байт деб аталади. Ҳар бир банд охирида такрорланиб келадиган ягона байт уларни мазмунан ва услубан боғлаб туради. Такрорланувчи банд ўзи мустақил қофияланиб, ғазал матлабини эслатади. Шунинг учун ҳам таржиъбандлар ғазал сингари а-а, б-а, д-а... тарзида қофияланади. Туркий (ўзбек) адабиётда, одатда, 7–12 байтдан иборат бир неча бандли таржиъбандлар яратилган. Таржиъбанд луғавий жиҳатидан “банднинг қайтиши” бўлса ҳам, аслида банд эмас, балки восила байт қайтади. Ушбу жанр ҳақидаги дастлабки назарий қараш Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун

¹Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 201.

²Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – Т.: TA'LIM-MEDIA, 2019. – Б. 149.

³Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 130.

⁴Изоҳ: боғловчи байт.

ул-балоға” асарида, илк намунаси эса Ҳофиз Хоразмий девонида (3 та) учрайди.

XX аср иккинчи ярми шеърлятида, хусусан, Ҳабибийда иккита, Собир Абдуллада ва Чустийда битта таржиъбанд учрайди. Ҳабибий таржиъбандлари аруз тизимининг *рамал* ҳамда *ҳазаж* баҳри ўлчовларида ёзилган. У.Тўйчиев: “Ҳабибий таржиъбандларида лирик руҳ, халқ тили лексикаси доим шоир эътиборида туради; лирик қаҳрамон ва лирик персонаж бу жанрда ҳам шоир ғоявий-бадий юмушини бирга адо этади¹, – деб эътироф этади. Ҳабибий таржиъбандларининг дастлабкиси *рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* вазнида яратилган бўлиб, ҳажман 5 банд (6-7 байт)дан иборат. Ишқ мавзуси таржиъбандлар учун ҳам хос. У ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун мисол келтирамиз:

*Дилбарим бир дилбариким дилраболар дилбари,
Дилраболар дилбари дилдори, яъни сарвари.
Дилбаримнинг ҳар сўзи тотлиғ асалдан яхшидир,
Баҳра олгайлар эшитган чоғда ҳар ёшу қари.
Дилраболар ўйнашиб юрса чаманда сайр этиб,
Дилбарим бирёну барён ўзга дилбарлар бари.
Кўзларим касб айлағай нур ой юзидин ҳар нафас,
Хийра бўлғай кўз кўзимдин бир нафас бўлса нари.
Ҳар дамимда шукр этай тобора меҳри ортадур,
Меҳриким қалбимдадур йўл топмағай гам лашкари.
Ҳар бузуқ ният, ямон кўздин ҳимоят қилгали,
Қоши тиги исфихони, кипригидур ханжари.*

Таржиъбанднинг иккинчи банди *рамали мусаммани мақсурда* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилон: –V – –/–V – – /–V – –/–V~*) бўлса, қолган 3-, 4-, 5-бандлари биринчи банд сингари *рамали мусаммани маҳзуф* вазнидадир. Улар анъанавий а-а, б-а, в-а -а, д-а, э-а, ф-а тарзида қофияланган. Маълумки, Ҳабибий девонлари 1971, 1975, 1980-

¹Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 202.

йилларда кетма-кет нашр қилинган¹. Мазкур нашрларнинг барчасида таржиъбанднинг иккинчи банди олти байт шаклида берилган. Лекин таржиъбанд бандларидаги байтларнинг кўпайиб ёки озайиб кетиши билан жанр ва вазн хусусияти бузилиб кетмаган. Таржиъбанд, асосан, ҳар бир банд охирида такрорланиб келувчи байтлари билан характерланади. Юқорида келтирилган таржиъбанднинг охиридаги ажратилган байт восила байт ҳисобланади ва у ўзаро мустақил қофияланган мисралардан иборат. Кўринадики, таржиъбанд микдорини танланган мавзу, ғоявий уйғунлик ва лирик қаҳрамон кечинмалари динамикаси белгилайди. Ҳабибийнинг *ҳазажи мусаммани солим* (рукнлари ва тақтиъи: *мафойълун мафойълун мафойълун мафойълун* V --- /V --- /V --- /V ---) вазнидаги иккинчи таржиъбанди

Менингдек ташна ошиғларга васлингни даво дерлар,

Сенинг ҳам ишқ элига меғрибону ошино дерлар²

матлаъси билан бошланади. У ҳажман 5 банд (35 байт 70 мисра)дан иборат. Анъанавий тарзда қофияланган. Мазкур таржиъбанд ҳам ишқий мавзуда ёзилган бўлиб, ошиқнинг дил изҳорларига бағишланади. Таржиъбанднинг ҳар бир банди ушбу мавзунинг бирор муҳим жиҳатини ёритади. Шунинг учун бандлар изчил боғланиб, яхлит шеърый асарни юзага келтирган. Ҳар банднинг охирида маснавий шаклида қофияланувчи восила байт ҳам такрорланади:

Вафо бобида ҳам васф айлашиб аҳли муҳаббатлар,

Ўзига феълу атвори ярашган дилрабо дерлар.

Таржиъбанднинг бош ва охирги байтлари айнан бир-бирига ўхшаш бўлмаса-да, жуфт-жуфт қофияланиши шеърда ритмик ҳолатни ҳосил қилади.

Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонида риндона мазмундаги машҳур таржиъбанд мавжуд. “Унда ўзлигини ва шу орқали Аллоҳни излаётган, дунё тартиботини, ундаги сиру синоатларни англашга интилаётган

¹ Қаранг: Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971; Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975; Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

²Ҳабибий. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 322.

соликнинг руҳияти акс эттирилган¹. Мазкур таржиъбанд куйидаги байт билан бошланади:

*Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст².*

Чустий ўзининг “Ҳаётнома” девонида “Боқийнома”сини шу шеър таъсирида ва Алишер Навоий “Соқийнома”сига жавоб тариқасида ёзганлигини таъкидлайди ҳамда эпиграф сифатида восила байтини келтиради.

*Харобат аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синган сафол³.*

Бу ўринда Чустий шеър шаклига эмас, балки “соқий” билан бошлангани учун унинг мазмунига эътибор берган бўлса керак. Аслида, Алишер Навоийнинг шеъри соқийнома эмас, балки таржиъбанддир ва у “Ғаройиб ус-сиғар” девонида мусаддасдан кейин келади.

Мутақориб баҳрининг мутақориби мусаммани маҳзуф (руқнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаал V – – /V – – /V – – /V –) вазнидаги ушбу таржиъбанд

*Гўзал тонг эди, келди қутлуг нидо,
Нидо соҳиби мисли йўқ хушнаво⁴*

мисраси билан бошланиб, ҳажман 13 банд (бандлар 6-8 байтли), 85 байтни ташкил қилади.

Мазкур таржиъбанд том маънода Алишер Навоий ижодидан илҳомланиб ёзилган гўзал намуналардан биридир дейишга имкон беради. Шеърда Чустий Алишер Навоийни “ғазал мулкининг қуёши” деб, унинг “Ҳамса”сини “бешта дарё”га қиёслайди.

Шунингдек, Чустий, Собир Абдулла девонида “таржиъбанд” номи билан бошқа шеърлар ҳам келтирилган (Чустий. “Барака топинг, камол

¹Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Т.: TAMADDUN, 2016. – Б. 59.

²Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. ТАТ. 10 жилдлик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж. – Б. 361.

³Чустий. Ҳаётнома. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 333.

⁴Чустий. Ўша асар. – Б. 333.

топинг”; Собир Абдулла. “Таржиъбанд”)¹. Лекин изланишлар натижасида бу шеърларнинг биринчиси мураббаъ, иккинчиси эса муашшар эканлиги маълум бўлди. Биз уларни “Мусамматларнинг вазн хусусиятлари” фаслида таҳлилга тортганлигимиз боис бу ўринда уларга тўхталмаймиз.

Бандга асосланган кейинги жанр таркиббанд бўлиб, “у (таркиб – арабча тузилиш; банд – форсча боғлаш) ғазал тарзида (тахаллуссиз) қофияланган, ҳар бир банди охиридаги байт жуфт (а-а тарзида алоҳида) қофияланиб борувчи, ҳар бир бандининг мисра сони тенг бўлган, аммо турли шоирлар ёзган таркиббандларнинг ҳар бир бандидаги мисралар сони ўзига хос белгиланган, мураккаб лирик жанр².

Мумтоз адабиётшуносликда таркиббанд ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Шайх Аҳмад Тарозий таркиббандни таржиънинг бир тури сифатида санаб ўтади. “Ва бешинчи қисми улким, ҳар банднинг қофияси ҳар тариқа бўлур ва таржеъ байтлари тақи ҳар бири алоҳида қофия бирла келур ва мукаррар қилмаслар. Ва бу қисмда марсия ва мадҳ айтурлар”, – деб мисол келтиради³. Адабиётшунос Ё.Исҳоқов: “Таркиббанд шакл ва тузилиш тарзи таржиъбандга монанд. Орадаги тафовут шундаки, таржиъбандда восила байт айнан такрорланади, таркиббандда эса ғазалга ўхшаш ҳар бир банд охирида мустақил қофияланган янги байтлар келади”, – деб таъкидлайди⁴.

Ушбу таърифлардан таркиббанд ҳам йирик ҳажмли бандли шеър шаклларида бири ҳисобланиши маълум бўлади. Туркий (ўзбек) адабиётда дастлаб (XV аср) Ҳофиз Хоразмий шеърлятида учрайди, “унинг девонида тўрт банд (ҳар банди 8 байт) таркиб топган битта таркиббанди мавжуд⁵. Дарҳақиқат, мумтоз адабиётимизда яратилган аксарият таркиббандлар мавзу жиҳатидан марсия шаклда эканлигини кўрамыз. Алишер Навоийнинг “Девони Фоний”даги Абдурахмон Жомийга, “Наводир уш-шабоб”

¹ Қаранг: Абдулла Собир. Девон. – Т.: 1975; Чустий. Ҳаётнома. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

² Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 201.

³ Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул-балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. Т., Ҳазина. 1996. – Б. 128.

⁴ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – Б. 219.

⁵ Исҳоқов Ё. Кўрсатилган асар. – Б. 219.

